

Абдуваҳоб НУРМАТОВ,
Андижон вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий
ишлар бўйича ёрдамчиси.

ЁШЛАР —

БУГУНИМИЗ, ЭРТАМИЗ



Маҳорат ва жасоратда соҳибқирон Амир Темурга муносиб авлод бўлган Бобур Мирзонинг она юрти Андижондир. Бу ернинг одамлари ҳамма даврларда ҳам ўзига хос томонлари, фазилатлари билан ажралиб келган. "Бобурнома"да таърифи келтирилган бу замин фарзандларининг илм-маърифатга интилиши, турмуш тарзи ва деҳқончилик маданиятининг юксаклиги, таъбининг поклиги ҳайрат ва эътиборга сазовор бўлган.

Озодбек Назарбековнинг юксак маҳорат ва самимият билан ижро этаётган "Анжанчасига" кўшигининг дастлабки сатрларига эътибор беринг.

*"Андижонликлар чақалоқни ҳам сизлашади анжанчасига,
Нондек ширин, юмшоқлик билан сўзлашади анжанчасига..."*

Сизлаб гапириш, нондек ширин, юмшоқлик билан сўзлашиш юксак маданиятли, билимли, тарбия кўрган, зукко одамларга хос хислатдир.

Ўзбек прозасининг энг ёрқин юлдузи Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романида Юсуфбек ҳожининг ўғли Отабекка айтган гапларини эсланг: "Нечун ҳамма нарсага етган ақлингиз шу ерга келганда оқсайдур, ўғлим?" Бу юксак маънавиятли инсоннинг ўшандай оғир ҳолатда ҳам ўзини тута билиши, муомала маданияти ҳаммамиз учун ҳам мактаб десам, муболага қилмаган бўламан. Фарзандларимиз ўзларининг ширин сўзга ва эъзозга лойиқ эканликларини сезиб, ҳис қилиб яшашига, келажакка ишонч билан қарашга тўлақонли ҳақлари бор, албатта.

Юртбошимиз мамлакатимизнинг, шу жумладан Андижон аҳолисининг турмуш тарзини яқиндан ўрганиб, асосий муаммолари нимадан иборатлигини билиб, уларни бартараф этиш режаларини истиқлолга эришимиздан аввалроқ белгилаб қўйганликларини биз бутун 15 йиллик воқеалар ривожини кўрганимиздан кейин англаб турибмиз, Андижонда халқаро талабларга мос автомобиллар ишлаб чиқарилди деб илгари ким ўйлабди дейсиз. Ҳозир вилоятда 7 қўшма корхона ишлаб турибди. Уларда ва улар натижасида юзага келган хизмат кўрсатувчи қанча корхоналар ишлаб турибди. Уларда ўн мингга яқин андижонликлар меҳнат қиляптилар.

Шу корхоналар бошқа бирор вилоятга қурилиши ҳам мумкин эди. Лекин Ислон Абдуғаниевич айнан Андижонда аҳоли ўта зич яшаши ва бу ҳудудда ишсизлик муаммолари ҳал этилиши шартлигини олдиндан кўра билган. Ўзбекистон аҳолисининг яқин 10 фоизи Андижонда яшаса-да, вилоят ҳудуди мамлакат территориясининг яқин бир фоизини ташкил этади холос. Бу агар Андижон деҳқонининг сўзи билан ифодаласак, бошқа вилоятларда битта оғизга битта нон тўғри келса, Андижонда ўнта оғизга битта нон тўғри келади, демакдир.

Бу муаммолар тўла ечимини топиши учун Президентимиз ҳозирги кунда ҳам Андижонга эътиборни янада кучайтирмақда.





Бу йил вилоятда қишлоқ хўжалиғини ривожлантиришга 29 млрд. сўм, ажратилди. Енгил саноат корхоналарини янги технологик жиҳозлар билан қайта қуроллантиришга 63 млн. АҚШ доллари миқдоридан инвестиция киритилиши, вилоят аҳолисининг тоза ичимлик суви билан таъминланиши учун 5 млрд. сўм ажратилиши кўзда тутилган.

Юртбошимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт" деган гапларини кўпинча жойларда шiori сифатида ёзиб илиб қўямиз. Бу яхши, албатта. Лекин фақат ёзиб қўйиш ва илиш билан, одамларга етказиш билангина чекланиш кифоямикин, деб ўйлаиб қоласан. Бугун фарзандларимиз оталаридан билимли бўлишлари учун яратилаётган шароитларни аввалги давр билан таққослаб аҳолига тушунтиришимиз керак бўлади.

2007 йилнинг ўзидан вилоятда 2 та янги мактаб қурилиши, 26 та мактаб капитал реконструкция қилиниши, 90 таси капитал ва 13 таси жорий таъмирланишини кўз ўнгизга келтириб кўринг.

Собиқ иттифоқ давридаги яхши исимадиган, мослаштирилган мактабларга бугунги билим даргоҳларини қиёслаб кўринг. Химия, физика, биология ва бошқа фан кабинетлари қиёмага етиб жиҳозланган, дарсликларнинг электрон версиялари жамланган қироатхоналарга эга бугунги ўқув даргоҳларини кўриб, катта имкониятлар даврида яшаётганимизни англаймиз.

Атрофимиздаги чегарадош мамлакатларга ўтсак, давлат томонидан на мактаб, на коллеж қурилатгани, ёшларнинг ўқиб, билим олиб, касб-хунар ўрганишларига эътибор берилмаётганининг гувоҳи бўламиз. Шу ҳолатларни таққослаб туриб, Юртбошимиз юқоридаги гапларни бекорга айтмаганларини, юртимизда ёшларнинг бахтли келажagini яратиш йўлида беқиёс ишлар амалга оширилатганини чуқур ҳис этамиз.

Иқтисодли ёшларга бўлаётган эътиборга қаранг. Вилоятимиздан Зулфия мукофоти совриндорлари Жамила Сотқинова каби 8 нафар қизлар, "Ниҳол" мукофотининг ғолиблари, юзлаб фан олимпиада пешқадамларидан ташқари қанча тур ва соҳалар бўйича танловларда ёшлар ғолиб чиқишяпти. Бу танлов, конкурс ва мусобақалар замирида мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, ёшларимиз олдинга эркин интилсинлар, дунё миқёсида пешқадам, зукко эканликларини қалбан ҳис этиб, ўзларига бўлган ишончи ортин, деган мақсад этибди. Ҳар икки йилда ўтаётган "Шарқ тароналари", узлуксиз давом этаётган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" спорт мусобақаларининг ҳар бири алоҳида дoston.

Жаҳонни лол қолдирган Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Уткир Ҳайдаров, Мафтуна

Тўхтасинова, Қаҳрамон Орзиқуловларнинг бугун дунёда Ўзбекистон шухратига шухрат кўшаётганидан фахрланамиз.

Яқинда Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми доирасида олиб борилаётган ишлар билан танишдим. "Келажак овози"нинг Республика кўрик танловида иштирок этиш учун ариза берган бир минг етти юз нафардан ортиқ андижонлик ёшларнинг кўзлари ёниб турибди. Бу қиз ва йигитларнинг ҳар бири ўзига ёзги таътил давомидан қиладиган ишлари юзасидан мажбурият оляпти. Ушоққина бир қизча маҳалласидаги тенгдошлари ўртасида диний экстремистик оқимнинг мақсад ва моҳиятини, зарарли оқибатини тушунтириш билан бирга кичик ёшдаги болалар билан "Ўзбек халқ эртаклари"ни ўқиб чиқишини, уларнинг китобга муҳаббатини уйғотишини, яна бошқа бири ўз тенгдошлари билан маҳалладаги якка ёлғизларга ижтимоий хизмат кўрсатажагини режалаштиряпти.

Бу фидоийликнинг дастлабки қадамлари эмасми? "Келажак овози"нинг қисқа қисқа даврда энг чекка қишлоқлардаги ёшларимизда шахсий ташаббускорлик, фидоийлик туйғуларини шакллантира олгани, ёшларда китоб ўқишга, маърифатга интилишни шакллантириб, уни ҳаётий зарурат сифатида қабул қилишга олиб келолгани ҳайратланарлидир.

Дарахтнинг томири қанчалар бақувват, ерга мустаҳкам жойлашган бўлса, танаси шунчалар баркамол, кўркам ва шамол ҳамда довуллар таъсирига чидамли бўлади. Инсон-чи? Унинг атрофидаги салбий таъсирларга берилмаслиги, қоядек мустаҳкам туриши учун унга қандай мустаҳкам томир керак?

Инсоннинг билимга, маърифатга, мустақил фикрга, эркин ва шахсий тафаккурга эгаллиги, ақл-идроки унинг томири ҳисобланади. Ўзгаларнинг, ташқи таъсирининг ҳар қандай кўринишига қарши ўз фикрини қўя оладиган инсон томири бақувват дарахтга ўхшайди.

Ёшларимиз ана шундай баркамол, ўз фикрига, билимига, кучига ишонадиган, бахтли бўлишлари учун албатта кўп ўқиб, ўрганишлари керак. Билим олиш ва касб-хунар эгаллаш учун яратилган шароитдан унумли фойдаланиш фарзандларимиздан ёшликнинг қалрига етишни, бу дамлар ганимат бўлиб, бахтли келажакнинг мустаҳкам асоси ёшлик даврида яратилишини чуқур англашни талаб этади.

Ёшларимиз ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва ҳаётда тўғри йўлни танлаб олишларига ёрдам бериш бизнинг бош вазифамиздир.





Тулан НИЗОМ,
Ўзбекистон халқ шоири

Мен Ватаним юрагини Ёзмаман



Тонга яқин шеър битди!
Шоир ёзди кечалаб,
Қалбини ўтга қалаб,
Ишга кетди эрталаб.

Тонга яқин шеър битди!
Елпинар узун терак...
Унга нима ҳам керак?
Пайқадими теварак?

Тонга яқин шеър битди!
Юлдузлар сўнган замон.
Кўёш чиқди бағри қон,
Табиат бунга ҳайрон.

Тонга яқин шеър битди!
Илҳом чарчади, толди.
Қалб оҳиста тин олди,
Қалам ёнбошлаб қолди...

МЕНИНГ ИШИМ

Менинг ишим недуур ўзим сезаман,
Соғ қалбимни ўзим ҳар кун тиламан.
Оқ қоғоз бетига сўзлар тизаман,
Дам нимадир, тун бўйи иш қиламан,
Мен Ватаним юрагини чизаман.

Чеккада улғайган бир бўз боламан,
Ёзганим ўхшамас биров хатига,
Кимдир назар солар, ўйлаб қоламан,
Ярим кеча йиглаб қоғоз бетига,
Мен халқимнинг суратини соламан.

Фафлат мени сўраб келса мабодо,
Шеърларимга беркинаман оҳиста,
Тополмайин ортга қайтар у аста,
Рухим улкам бўйлаб эсган шаббодо,
Кўёш каби абадийман дунёда.

ҒУНЧАЛАР

Очилмоқ истарлар,
Сочилмоқ истарлар,
Лабланмоқ ишига
Илҳомни қистарлар —
Ғунчалар, ғунчалар!

Очилмоқ истарлар,
Сочилмоқ истарлар,
Шамоллар кафтида
Кулмоққа қистарлар —
Шошарлар шунчалар.

Ўйламоқ фурсати,
Куйламоқ фурсати
Келдими, келдими,
Шоиринг билдими,
Ҳой тугунчалар?..
Ғунчалар, ғунчалар!

НАВБАҲОР

Киш бўйи орзиқиб кутардим уни,
Кела қол, дер эдим зору интизор.
Омадим бор экан, ажаб шу кунни,
Шу саҳар олисдан кўринди баҳор.

Шу замон ланг очиб кўйдим деразам,
Хонамга лиқ тўлди ёруғ, сўлим тонг!
Жисмим денгизида тўлқинлар зам-зам,
Қаламим тилида жарангдор оҳанг.

Ел бўлиб гувуллаб юрди ёнимда,
Тувак гул шохиди ўйланди бирнас.
Жамолин кўз-кўзлаб хонадонимда,
Қизларим хуснига қиларди ҳавас.

Ёғдудек югуриб чиқди ташқари,
Борлиқни кулдирди кўёшга боқиб.
Тупроққа сингиди симоб сингари,
Гиёҳ бош кўтарди жонига ёқиб.

Қуш янглиғ дарахтга бориб кўнганда,
Нозик новдаларни безадир кўртак.
Гулларнинг шохиди ғунча унганда,
Мавжудот бағрида уйғонди истак.

У ғайрат бўлди-ю, далага чопди,
Трактор рулини ушлади дарров.
Катта ер бошида деҳқонни тонди,
Дошқозон қурилди, кўк чой ва палов...

Қирларга тўши урди майсалар юмошқ,
Кўй-кўзи наъраси яйловни тутди.

Унинг етагида саноксиз булоқ
Бир чирой таратиб боғлардан ўтди.

Ва яна хонамга кирди отилиб,
Шеъримга термилди меҳнаткаш каби.
Миннатдор бўламан, у шоир биллиб,
Шеъримни ўқирди пичирлаб лаби.

Нурли кун бошланди, кўшини тарафдан
Кутлуг сумалакнинг таралди бўйи.
Жала шаррос қуйди недир сабабдан,
Энди авжга минар Навбаҳор тўйи!

Марҳабо, эй, азиз қалбим хумори,
Улуғ муждаларинг мана, қўлимда!
Кучга тўл! Гувулла, юртим баҳори!
Бахтни пойандоз қил юрган йўлимда!

ИШК

Тинчим тамом бўлди, ором йўқ танда,
Лабларимда қотди шодлик ва ханда,
Шундан буён оёқ-қўлим кишанда,
Қайданам, оҳ сени кўрдим ўшанда;
Мен қаттиқ севибмен, қаттиқ сўйибмен,
"Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен".

Ҳар лаҳза тегрангда парвонаман, гул,
Ўзма-из юраман, девонаман, гул,
Пойингда хоксормен, остонаман, гул,
Ҳасратинг туганмас, сўзонаман, гул,
Ғам юкин юракда шунча уйибмен,
"Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен".

Эй ой, билгаймусен зарра мурувват,
Порлоқ кўзларингда йўқмидур шафқат,
Ҳижрон дафтарлари бўлди-ку қат-қат,
Утда ўлмас мендек оламда фақат —
Самандар дебман-у, ўзим куйибмен,
"Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен".

Қай кун оқиом боғда юрганинг кўрдим,
Тўлиқиб хаёлда турганинг кўрдим,
Агёр билан суҳбат қурганинг кўрдим,
Қайдан ҳам кўрдим-а, нега ҳам кўрдим,
Иккала кўзимни ўзим уйибмен,
"Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен".

Дил олган қора соч, қора қошларинг,
Кўзимни қул қилган кўз талошларинг.
Рашик ўтин ёқарлар дўст — сирдошларинг,
Кўнглимга урилур таъна тошларинг,
Не ёмонлик келса, яхши йўйибмен,
"Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен".

Қанча алам ўтди, чидадим роса,
Неча ғанимлар-ла айлаб муроса,
Сендан кечолмадим, палаги тоза,
Яна сени дедим, кўнглимни эза,
Меҳрсизлик аро чўкдим, ғойибмен,
"Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен".

Умрим кечсун сени сўраб-сўроқлаб,
Ташлаб кетма энди юрагим боғлаб,
Майлига маҳлиқо, сен доғлаб-доғлаб,
Бир вафо қил, сўнгера ўлдир қийноқлаб,
Мен ошиқ жонимдан бугун тўйибмен,
"Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен".

ТОНГ

Шамол гулни уйғотди,
Гул кўнглини уйғотди,
Кўнгли ёрни уйғотди,
Ёр булбулни уйғотди,
Булбул йиғлаб сўз қотди:
"Бўлди, энди тонг отди,
Ой қуёшни уйғотди".

САНАМ

Жон Санам, жонон Санам,
Жонимда ҳар он, Санам,
Сен учун мен ёнаман,
Мен учун сен ёр, Санам.

Менга сен — имон, Санам,
Бу бошим осмон, Санам.

Кўзларим йўлингда зор,
Қилмагил гирён, Санам.

Сен тоза виждон, Санам,
Чин башар, инсон, Санам.
Юракда ёлғиз ўзинг,
Қолмасин армон, Санам.

Сенсиз йўқ бу жон, Санам,
Дил бўлмас шодон, Санам.
Сенсиз менга на ҳожат —
Бўзу Шаҳрихон, Санам.

Жон Санам, жонон Санам,
Жонимда ҳар он, Санам.
Сен учун мен ёнаман,
Мен учун сен ён, Санам.

ГУРАТ

Ҳ. Саъдуллага

Отанг сурати, деб бериб кетди у,
Онамга кўрсатмай тўлиб қақшадим.
Отанг сурати, деб бериб кетди у,
Ойнага қарасам, унга ўхшадим...

Отанг сурати, деб бериб кетди у,
Энтикиб-энтикиб босдим юракка!

Отанг сурати, деб бериб кетди у,
Йигитман: мендадир қасоснинг гали.

Отанг сурати, деб бериб кетди у,
Отамни кўрмадим уруш туфайли!.

Булбулга гулшан керак,
Водийларга сув керак.

Тоғларга салобату
Соғларга гулув керак.

Болага доим ўйин,
Дўстларга-чи, аҳд керак.
Қушларга кенг осмону
Одамларга бахт керак.

Халқларга тенглик керак,
Бирликни истар юрак.
Шоирга мудом тинчлик,
Кўнглига кенглик керак.

ХАЛҚИМГА

Халқим, буюр менга юмушларингни,
Амринг адо этай токи жоним бор.
Бошимга олайин ташвишларингни,
Қадоқ қўлларингни ўпайин такрор.

Менга шон даркормас, шухрат керакмас,
Меҳрга зор бўлиб ўсган болангман.
Менга муҳаббат бер, миннат керакмас,
Сенинг армонингман, сенинг нолангман.

Шарафли қарзим бор, узмоғим керак,
Сенга фидо бўлсин умрим, ҳаётим.
Сени деб ёнади бу ёнар юрак,
Сенга қўшиқларим, бору бисотим.

Сени деб яшайман, қанча умрим бор,
Ўзинг бор экансан, ўлмаган жонман.
Мени яратгансан, ташаккурим бор,
Бугун мен ҳам битта Ўзбекистонман.

НАВРҮЗ ҚИЗИ

Наврўз қизи боғимга келди бугун тонг чоғи,
Алвон-алвон гулларга тўла экан қучоғи,
Юрагида ишқ ўти, ёнар икки ёноғи,
Хино боғлабди оқшом, лола эди бармоғи,
Гуллар билан безанмиш бошидан то оёғи.

Саватин ерга қўйди, ичи тўла чучмома,
Қуёш тўхфаси эди чучмома кийган жома,
Саҳар чўмилтирибди ойдан нур тома-тома,
Қиз қўлимга тутқазди навабхордан бир нома,
Шу он енгил шаббода кўрсатди зўр хангома.

Силкиниб қолди боғда Бинафшаю Наъматак,
Тоғжўроз Мажнундек эғида қонли яктак,
Лабланди Гулисафсар, зеболанди Бойчечак,
Ороланиб Гулсумбул, Саллагул, шум Мармарак,
Карнайгулга қайрилда, ҳасад қилсалар керак.

Гул қатма-қат тебранди, жилмайди Гулибеор,
Атиргул титраб қолди, Гулхайрида бир сир бор.
Кампирчопон, Бойхалча япроғи тумор-тумор,
Райҳонга сариқ Садбарг термулар хумор-хумор,
Лек Чиннигул негацир хаёл сурар беозор...

Наврўз қизи бир кулиб, гулларга имо этди,
Гуллар очилиб кетди, ҳидлар сочилиб кетди.
Бу хушхабар бутун эл, бутун оламга етди!
Бошланди улғу Байрам, қувонч борлиқни тутди,
Баҳор кутган кўнглилар ғам-қайғуни унутди!

Дастурхонга тортилди: сумалак, кўк чучвара,
Кўк самса ҳам кўк манти, ҳашимига бир қара,
Қиз-жувонлар рақс этур, кокиллари шаршара,
Табассуми жон олар, бири-биридан сара,
Дўстлар, менинг боғимда бўлди шундай манзара!

Қамчибек КЕНЖА

САЁХАТНОМА ИРОҚ

(Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция сафаридан лавҳалар)



Ироқ, унинг пойтахти Бағдод азалдан илму фазл ўчоғи, шоиру адибларга илҳом ва руҳ берган адабий муҳит сарчашмаси бўлиб келган ва назаримда ҳозир ҳам шундай эди.

Биз ана шу юртга интилардик...

Ироқ божхонасига ўтганимизда қоронғи тушди. Бир неча гуруҳ суриштирди, текширди-ю, ҳарқалай эътироз билдиришмади.

Рутба шаҳригача 134 километр.

Бағдодгача 551 километр эди.

Шу атрофда тунамоқчи эдиг-у, нима бўлсаям ичкарироққа кириб олайлик, деб жўнаб юбордик.

Йўлда қаторлашиб кетаётган юк машиналари кўп, биз уларни бир-бир қувиб борардик. Рўпарадан келаётган автомобиллар ҳам сероб, юлдуз каби милтиллаб кўринган чироқлар катталашиб-катталашиб, ёнимиздан лазердай лип этиб ўтиб кетади. Бир пайт машиналар орасидан тандир оғзидай чўғ кўринди. Нима экан, деб ҳайрон бўлдим. Бир оз юрганимиздан кейин аён бўлди: шом еган ой экан. У шундоқ ер бетида тургандай ва жуда катта эди. Моҳи мунавварни ҳеч қачон бунчалик пастда, бунчалик улкан шаклда, бунчалик яқиндан кўрмаган эдим. Назаримда унга етиш мумкиндай туюларди.

Қамари зебо секин-аста кўтарила бошлади. Баландлаган сари кичрайиб ва гўё биздан узоқлашиб, ранги эса қизилдан олтин тусга айланиб борарди.

Биз энди юк машиналари билан кетма-кет юришга, улардан ажралиб қолмасликка ҳаракат қилардик.

Йўл жуда яхши-ю, ўнганга, чапга бурилишлари кўп эди. Кўчанинг қайрилишлари ҳисобига ой бекинмачоқ ўйнагандай гоҳ тўғрида, гоҳ йўлдан сал ўнроқ ё чапроқда пайдо бўларди.

Бир пайт қарасак, ҳамма уловдан ўзиб кетибмиз. Яна бирдан олдимизда енгил автомобил кўринди, у бир хил тезликда борарди.

Довонсифат жойлар, ён тарафлар паст-баланд тепаликлардан, жарликлардан иборат эди.

— Анави машина қаёқдан пайдо бўлиб қолди? Бизни қувиб ўтдимми ё биз унга етиб олдикми? — деб гап ташлади Зокиржон ака.

— Биз етиб олдик, — деди Илҳомжон.

Изма-из анча юрдик. Илҳомжон жадаллаб, ёнлаб ўтиб кетмоқчи бўлувди, енгил машина ҳам тезлади. Илҳомжон газни пасайтириб, жойига қайтди.

Зокиржон ака штурман ўрнига ўтиб ўтирди. Раҳбар фавқулодда қарор қабул қилиш эҳтимоли туғилган пайтларда шундай қиларди. У олдиндаги автомобилдан кўз узмай борарди. Ҳаммамизнинг ҳам ичимизга гулгула тушган эди.

Ким экан улар, қароқчилар эмасмикин, деган хаёлга борамиз.

Илҳомжон секинлаб, орқада қола бошлади, шубҳали машина узоқлашиб кетди.

Бир жойга етиб борсак, юк автомобиллари қатор турибди, биттаси катта ариқ лабига ёнбошлаб қолган экан.

Шу ерда сўраб билдикки, Рутбадан ўтиб кетибмиз. Ўн-ўн икки километрча орқага қайтдик. Катта йўлдан ичкарироқдаги бу шаҳар, балки қасаба дейиш тўғрироқдир, қандайдир эски ва бефайзроқ кўринди. Кираверишдаги хароб қўноқхона маъқул бўлмай, бир айланиб чиқдик, лекин ундан аълоси йўқ эди.

Ҳамма шамоллаган, хусусан раҳбар иккимизга йўтал кўп азоб бермоқда эди. Аспирин тутаган, йўтал дори кор қилмаяпти. Ўзимизда ҳам айб бор — сут чой ичиб, орқасидан нафс қўйига кириб ҳар хил совуқ салат, қалампир, шакарли чойларни аралаштириб юборяпмиз.

Ҳаво ҳартугул сал илиқроқ эди.

9 февраль, душанба

Барвақт туриб жўнадик. Кечаги йўлдан эмас, шаҳар ичидан юриб, дашту биёбон оралаб кетган сўқмоқсифат кўчага тушиб олдик.

Ним ёруғ. Ит ўрмаламайди. Ваҳимали сукунат.

Биз ўзимизни қаҳрамонлардай ҳис этардик. Бизнингча, шунча уруш, алғов-далғовдан кейин Ироққа хориждан биринчи бўлиб Бобур халқаро экспедицияси қадам қўйган эди.

Соат Тошкент вақти билан олтидан йигирма дақиқалар ўтганда рўпарамиздан, йўлдан сал ўнроқдан кечкурунги ой каби шундоқ ер бетида куёшнинг бир чети кўриниб, аста-секин тўлишиб, кўтарила борди.

Иттифоқо бир одам учради. Ундан тўғри етяпмизми, деб сўрадик. У ҳозир бунақа овлоқ ерларда юриш хавфли, катта кўчага чиқиб олинлар, деб йўл кўрсатиб қўйди.

Катта кўча чапда, анча нарида экан, ўнқир-чўнқирлардан силтаниб бордик. Хароб бир жойда автобусга солярка қўйдик. 1 литри 110, 60 литри — 7500 динор бўлди.

Рутба шаҳарчаси ва мана бу техник хизмат масканларининг ивирсиқлиги, бесаранжомлиги (албатта, бу ҳолат уруш оқибати бўлса керак) Ироқ тўғрисидаги тасаввуримни анча хиралаштирди, аммо йўл кенг ва соз эди.

Муҳаммад Содиқнинг негадир кайфияти соз эди, у магнитофондаги ашула оҳангига тақлидан машина рулини черта бошлади.

— Акамизнинг чертилмаган жойлари ҳам чертилиб кетди, — деб лутф қилди Зайнобиддин ака. У кишининг ўзлари ҳам баъзан ашулага жўр бўлиб, оҳиста хиргойи қилардилар.

— Жуда хилват йўлдан юрган эканмиз-да. Ўзим ҳам тинмай сураи фотиҳани ўқиб келдим, — деди Муҳаммад Содиқ димоғи чоғлиги боисини изоҳлагандай.

Бағдодга 120 километр етмай, бир жойда тўхтадик. Йўлнинг чап томонидаги кенг майдонга ўтиб, ошхонага кирмоқчи бўлиб турувдик, бирдан ёнимизга бронемашина ва усти очиқ, танксифат улов келиб тўхтади-да, Америка аскарлари тапир-тупир қилиб туша бошладилар. Бариди қўл пулемёти, автомат бор эди. Машина устида қолганлар қувурлари атрофга қаратилган пулемётларни жанговар ҳолатда тутиб ўтиришарди. Биз ҳаммамиз таҳликага тушганмизни сездирмай, гўё хайрон бўлиб серрайиб қолдик.

Аскарларнинг бир нечаси дўкон ва сабзавот расталаридан озиқ-овқат ола бошлади, саккиз-ўнтаси эса атрофга ёйилиб, бармоқлари тепкида, щерикларини муҳофаза қилиб туришарди. Аввал майда-чўйда олган аскарлар, кейин "ҳимоячилар" апил-тапил машинага чиқишди-да, жўнаб кетишди.

Америкаликлар, назаримда бизнинг хорижий эканлигимизни пайқашмади (уларнинг ўзлари ҳам ҳадикда эдилар), акс ҳолда кимсизлар, нима қилиб юрибсизлар, деб суриштириб қолишлари ҳам мумкин эди. Аллоҳ ҳам доим ишимизни ўнгласин, илло, экспедициямизнинг нияти хайрли, эзгудир.

Ошхона файзсиз эди (уруш кетаётган ерда файз нима қилсин. Бу жойда ҳам мўъжаз шиша стаканда бўтана қора чой бериб таъбимизни баттар тирриқ қилишди. "Ҳе, кўк чойнинг қадрига етмаганлар, чой ичиб хузурланишни билмайдиганлар", деб ўзимизча гудрандик. Одамзот қизиқ-да, шўрликлар америкаликлардан хавфсираб, азбаройи тирикчилик деб, юракларини ҳовучлаб ишлашяптию, биз хушбўй, ранги тиниқ, танга чой роҳатини таъма қиламиз-а... Эчкига жон қайғу, қассобга — ёғ... деганлари шу-да.

Нонлари ҳам юпқа — қуёш бемалол кўринадиган, биз анча ўрганиб ҳам қолган чалпақлардан эди. Энг қизиғи, унда таъм йўқ. Нон борасида ҳам ўзбекка тенг келадиган халқ оламда йўқлигига тағин бир бора ишонч ҳосил қилдик.

Беш-олти юз метрда бир дарё — каттароқ анҳор келди — сувининг ёқути осий каби ложувардлигига бир, шундоқ чўлсимон минтақада оқин оби ҳаёт борлигига яна бир қарра ҳайратландик.

Шу ердан экин майдонлари, экинзорлар бошланди, дарахт кўпая борди.

Кўп юрмай, тағин дашту биёбонга кириб кетдик.

Бағдодга олтмиш-етмиш чақиримлар қолганда чанг-тупроқли кўчага тушиб қолдик. Кейин билсак, бу Бағдоднинг ёски йўли экан. Атрофдаги аҳоли манзиллари

ва қишлоқлар кўримсиз, тартибсиз, тўзгин-сочқин, одамларнинг кийимлари ҳам ғарибона эди. Ҳамма нарса аралаш-қуралашга ўхшарди. Ҳатто, бўйдор, қалин пальмазорлар ҳам бу жойларга тароват бағишламас, симёғочдай сўпайиб кўринарди.

Катта-кичик, оғир-енгил машиналарнинг ҳам эскиси кўп.

Бир атрофи очиқ, тимлар остидаги бозор ёнидан ўтдик. Нарса — помидор, бодринг, меваю сабзавот, резавор бисёр, аммо бозор ниҳоятда айқаш-уйқаш, бесарамжон, тўполон.

Бомбадан вайрон бўлган мавзелардан сўнг яна асосий йўлга чиқиб қолдик. Манзара ўзгарди. Катта кўча, кўприк ости-усти йўллари, икки ёндаги уй-жой бинолари, йирик иншоотлар, батартиб экилган хурмолардан худуднинг нуфузли бир шаҳарга мансублиги билиниб турарди. Фақат, иморатлар паст-паст — асосан икки қаватли эди.

Керакли жойни топиб боришга кўзимиз етмай, шаҳар четидан такси ёлладик-да, унинг орқасидан юрдик.

Шаҳар тўғраксимон бўлиб, узоқ ўтмишда тўртта дарвозаси бўлган. Биз тахминан Басра қопқаси томондан кириб боряпмиз. (Албатта, тарихий дарвозалардан номнишон қолмаган). Юқорида айтганимдай, сиру синоатларга бой, илму урфонга бешиқ бўлган бу шаҳар тўғрисидаги тушунчам бутунлай бўлакча эди. Бағдодни китоблардан ўқиб, донишгоҳлар, мозийгоҳлар, кутубхоналар, қироатхоналар, хушманзара боғ-роғлар шаҳри деб билардим...

Бағдод зиёратини "Байт-ул ҳикма"дан бошламоқни кўзлаган эдик.

БАЙТ-УЛ ҲИКМА

Дастлаб таржимон ва олимлар жамланган мазкур илмий муассасасига (китобларда "Хизонат-ул ҳикмат" тарзида ҳам қўлланади, ўзбекча манбаларда "Ҳикматлар уйи", "Донолар уйи", "Донишмандлар уйи" каби атамалар билан зикр этилади) оламга салкам афсонавий қаҳрамон сифатида донғи кетган Хорун ар-Рашид томонидан асос солинган. Хорун ар-Рашид вафотидан кейин дастлаб унинг тўнғич фарзанди Муҳаммад ал-Амин, икки-уч йилдан кейин кичик ўғли Абдуллоҳ Марвдан қайтиб келиб, Ал-Маъмун унвони билан халифаликни бошқарадилар. Уша даврда Бағдод араб дунёсидаги йирик илмий ва маданий марказга айланади. "Байт-ул ҳикма"ни Шарқнинг дастлабки академияси сифатида таърифлайдилар. Лекин Ўрта Осиёда ҳам илму фаннинг, хусусан, фалакиётнинг барвақт ва кенг ривожлангани маълум. "Хоразмликлар осмон "сирлари"ни арабларга қараганда анча яхши билганлар. Археологик қазималар Хоразмда қадимда, исломдан бир неча аср аввал ҳам расадхоналар бўлганлиги ва у ерда муттасил астрономик кузатишлар олиб борилганлигидан гувоҳлик беради".

Ал-Маъмун падали бузрукворининг яхши анъаналарини давом эттириб, илмий изланишлар ва таржима ишларини кучайтиришга ҳаракат қилади. Шу мақсадда у Урганч (Хоразм)да Маъмун академиясини ташкил этади ва бир неча йилдан сўнг мазкур илмгоҳга тўпланган истеъдодли олимларни ўзи билан Бағдодга олиб кетиб, "Байт-ул ҳикма"нинг фаолият доирасини янада кенгайтиради, уни аҳли истеъдод билан бойитади.

"Байт-ул ҳикма"да Шарқнинг етук алломаи замонлари, жумладан бизнинг ватандошларимиз Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний ва бошқалар қизгин илмий ва ижодий иш олиб борадилар. Улар асосан тиббиёт, риёзиёт, илми нужум, физика, кимё соҳасида янги-янги, асосли фаразларни илгари суриб, мазкур фанларни юқори босқичга кўтардилар.

Шомда "Байт-ул ҳикма" тасарруфида бўлган иккита расадхона фаолият олиб борган: Бағдоднинг Шамасия мавзеида ва Дамашқ яқинидаги Касион тепалигида.

Аҳмад Фарғоний, манбаларда ёзилишича, ана шу расадхоналар қурилишига раҳнамолик қилиб, жонбозлик кўрсатган, кейин нима сабабдандир Мисрга кетган ва ўша юртда вафот этган. (Экспедициямизнинг аввалги сафарларидан бирида Қоҳирага яқин Фустот шаҳридаги Ал-Фарғоний дафн этилган қабристон зиёрат қилинган ва у ердан тупроқ олиб келинган эди). Мусо Хоразмий эса умрининг охиригача Бағдоддаги илмий марказда, шаҳарнинг бой кутубхоналарида тадқиқотларини давом эттирган.

"Байт-ул ҳикма" Сақат-ул майдон мавзеида, лойқа сувли Дажла дарёсидан ичкарироқда жойлашган, аббосийлар замонидаги қаср — Бобули муаззам билан ёндош эди, унга камбар кўчалардан кириб бориларди.

Катта илмий ходим жаноб Аднан (унинг айтишича, Муҳаммад алайҳиссаломнинг 21-боболари исми шундай экан) билан бир неча дақиқа суҳбат қурдик. У аввало бизнинг ўз ажлодларимизни излаб, шунча узоқ масофа босиб, шундоқ хатарли пайтда Бағдодга етиб келганимиздан ҳайратини яширмади, Бағдодда ўзбек жомеъ масжиди фаолият кўрсатишини, бундан икки йил аввал юртошимиз Мусо Хоразмий мугасаддилик қилган "Байт-ул ҳикма"нинг 1200 йиллиги нишонланганини маълум қилди. Биз қизиққан масалалар билан шуғулланганидан олим Абдужаббор Нажийнинг йўқлигига таассуф билдириб, унинг эртага бўлишини айтди.

ИМОМИ АЪЗАМ ВА БОШҚАЛАР...

Шаҳарни томоша қилмоққа аҳд этдик. "Байт-ул ҳикма"дан чиқаётган икки талаба — Аммор ва Нурийлардан сайрбонликни илтимос қилдик, тўғриси, ёлладик.

"Байт-ул ҳикма" атрофида ҳам, бошқа жойларда ҳам бомба тушиб, ярми ўпирилган ё бутунлай кунпая-кун бўлган бинолар даҳшатли манзара касб этган эди.

Бағдод шаҳри бир неча мавзуга бўлинган бўлиб, улардан энг йириклари Аъзамия, Козимия ва Шамасиядир. Биз зиёратни шаҳарнинг шарқий қисмидаги Аъзамия мавзеидан, суннийликдаги тўрт мазҳабдан бири — ҳанафийнинг асосчиси Имоми Аъзам — Абу Ҳанифа ан-Нуъмон масжидидан бошладик.

Исломда "аҳли суннат вал жамоат" деб аталмиш тўрт мазҳаб (ҳанафия, шофийя, маликия, ҳанбалия) ичида энг улуғи, энг жамоаси кўпи ва тарихан муқаддами бўлмиш ҳанафийнинг илк раҳнамоси имоми Аъзам абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит раҳматиллоҳи алайҳи

бандхонада дунёдан кўз юмган. Дунёнинг кўп минтақаларида, жумладан, бизнинг Мовароуннаҳрда мусулмонлар ўн асрдан ортиқ муддат мобайнида ул зотнинг мазҳабларига мувофиқ ибодат қилиб келади. Бинобарин, Имом Аъзам ҳазратларининг қабрларини зиёрат этмак биз учун ҳам саодатли бир амал эди. Ёвуз уруш шундоқ азизу муқаддас даргоҳни ҳам аяб ўтирмаган — бир дарвоза жиддий шикастланган ва ўнг бурчакдаги баланд, катта минорнинг тепа қисми ўпирилиб тушган, уларни усталар таъмирлашмоқда эди. Масжид хизматкори ҳам Нуъмон эди, у бу улуғ ном билан гурурланишини, ота-боболари ҳам шу масжидда хизмат қилишганини айтиб мақтанди.

Имоми Аъзам мақбараси масжиднинг алоҳида катта бир бўлмасида жойлашган эди. Масжид хоналари кенг, шифти баланд бўлиб, қадимий ҳонаноҳ атрофига янги бинолар қўшилган, ҳозир бу табаррук намозгоҳда бир вақтнинг ўзида олти-етти минг намозхон ибодат қила олади.

Портлаган бомбалар оқибатида бир неча кундан бўён маҳаллада электр тармоқлари йшламас эди. Қоронғи хужрага кириб, қўл чироқ ёрдамида қабр ёзувларини ўқидик, тиловат қилдик. Бу улуғ даргоҳдан шу кунларда ҳам маҳаллий ва хорижий зиёратчилар узилмас эди. Уларнинг айримлари билан суҳбатлашиб, Ироқнинг бугунги ҳолати ва экспедициямизнинг Бағдод билан боғлиқ режаларига доир маълумотлар олишга ҳаракат қилдик.

Имоми Аъзам масжидидан унча узоқ бўлмаган 314-маҳалланинг 61-кўчасидаги қадимий қабристонга тор, илон изи йўллардан айланиб бориларкан. Бу ерда Ал-Маъмун, шунингдек, Робиа она (Робийат ул-Адавиййа раҳматиллоҳи алайҳа), унинг отаси дафн этилган эмиш. Маҳаллий фуқаролардан бири Хоразмий ҳам шу жойга кўмилган, деди. Лекин афсуски, бу оғзаки "хабарлар"га ишонмоқ учун тайинли асос йўқ эди. Атрофи уйлар билан ўралган чоғроққина майдондаги биноларнинг деворлари ярим йиқитилган, ўрнига бошқа иморатлар барпо қилиш мўлжаллангани ва уруш туфайли қурилиш тўхтаб қолгани сезилиб турарди. Айтишларича, юқорида номлари зикр этилган улуғ инсонлар хотирасига мақбаралар кўтариш режалаштирилган экан.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ва унинг саҳобалари илму маърифатлари, гўзал ахлоқу суннатларининг асрлар оғи бизнинг давримизгача етиб келишида хизматлари беқиёс бўлган уламоу фузалолардан Ҳасан Басрий, Омир ибн Шароҳил, Муҳаммад ибн Сийрийн, Молик ибн Дийнор, Иброҳим ибн Нахъий, Айюб Ассахтиёнӣ, Муҳаммад ибн Восеъ, Ар-Робийъ ибн Ҳусайн, ал-Аҳнаф ибн Қайс раҳматиллоҳи алайҳ каби улуғ тобеинлар, шунингдек,



билан шухрат топган Яъқуб ибн Иброҳим ал-Кўфий, тўрт мазҳабдан бирининг имоми Муҳаммад ибн Идрис ибн Аббос ибн Усмон ибн Шофеъ (имом Шофий)нинг устози, хижрий сананинг 189-йилида Бағдодда вафот этган Муҳаммад ибнбул Ҳасан ибни Фарқат Шийбонийлар ҳам шу кўҳна ва муқаддас шаҳар ва унинг атрофидаги мазорларда абадий макон топмиш эдилар. Лекин, афсуски, ул дини ислом, ҳидоят фидойилари, умрларини ҳақ йўлига бағишлаган инсонларнинг қабрларини бориб кўрмакка вазият имкон бермас эди.

Шамасия маҳалласида Мусо Хоразмий ишлаган расадхонанинг изи ҳам қолмаган эди. Тахминан ўша ҳудудда бунёд этилган "Нидои ислом" масжидига кириб айландик: ниҳоятда катта, ҳашаматли эди.

Бағдод ҳам эски ва янги шаҳарларга бўлинган, эски шаҳар ўрамида кўҳна, оддий бинолар, янги қисмида эса, баланд қаватли иморатлар кўп, бироқ, бошқа жиҳатлардан деярли фарқ сезилмас — уруш уларнинг эскисию янгисини бир хил қилиб қўйган эди.

Кўчалар кенг, аммо транспорт қатнови издан чиққан: тигиз ва пала-партиш, назоратсиз, бунинг устига, одам ниҳоятда қалин эди. Бу табиий, албатта. Урушдан аввал Бағдодда етти миллион аҳоли бор экан. У пайтда Саддам Ҳусайн ва унинг ўғиллари ҳақида аниқ маълумот йўқ, миш-миш эса кўп эди. Саддам маза қилиб Америкада яшайпти, лекин камида бир миллион одамнинг умрига зомин бўлди, дегувчилар ҳам йўқ эмас экан. Суяксиз тил нималарни сўзламайди-я...

Бомба тушган аксарият жойларда том-деворлар ўша бўйича турибди, баъзи ерларда сал эпақиға келтиришиб, кўпорилган, сочилиб ётган нарсалар — тош-ғишт, сувоқ, тупроқлар ва бошқа чиқиндиларни тўплашарди.

Шаҳарда яшиллик кам. Катта кўчаларнинг бўйларида дарахт деярли йўқ ё яккам-дуккам. Четроқ, алоҳида хиёбонлардаги дарахтларнинг ости ивириқ, барглари қалин чанг қоплаган эди. Эсиз, Бағдод, эсиз "Минг бир кеча" қаҳрамонлари яшаган қадимий, гаройиб эртаклар диёри!..

Шунга қарамай, Бағдодда ҳаёт давом этмоқда: қаердадир бузилган иншоот тикланмоқда, қаердадир янги қошона қад кўтармоқда. Кўчанинг икки томонию ўртаси — ҳамма жой бозор... Бозорлар, магазинларда Европа маҳсулотлари, айниқса, майда қадоқланган озиқ-овқат сероб. Ёрликлар, бошқа ёзувларнинг аксарияти инглиз тили ва алифбосида. Ҳар қаламда, бинолар пештоқида "Нокиа", "Самсунг", "Сони", "Тойота", "Панасоник" дўконлари, устахоналари, мазкур фирмаларнинг рекламалари.

Гуллар билан безатилган енгил, чиройли машиналарда келин-куёв ва уларнинг дугоналарию жўраларини сайр қилдириб юришибди.

Савдо расталари, магазинлар сотармону олармонлар билан тўла. Аммо юриш-туришлар, хатти-ҳаракатлар қандайдир галати — саросималими-ей, биров билан бировнинг иши йўқдай...

Маккаи мукаррама, Мадинаи мунавварадаги ҳижобли ёймачиларни ҳисобга олмаганда, Араб дунёсида дўкон ё бошқа жойда ишлаётган аёлларни деярли кўрмайсиз. Бағдодда ҳам шундай, аммо кўчада хотин-қизлар кўп — қора ридода, юзи очиқ юришибди. Катта ёшдагилар рўмол ёпинишган, жувонлар, қизларнинг аксарияти ялангбош, тор, таранг кийинганлари ҳам бор, сочлари ёйиқ... Оқ-сарик қиз-аёллар кўп, либослари ҳам жигаранг, сочлари ҳам шу тусга бўялган. Умуман, қизғиш, каштан рангли сочлар сероб.

Айтишларича, Саддам Ҳусайндан аввалги даврларда Ироқ аёллари кийиниш, юриш-туришда анча эркин бўлишган. Аниқроғи, мамлакатда 1958 йили қабул

қилинган конституцияга биноан аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлган эдилар. Саддам Ҳусайн калта, юпка либослар кийишни таъқиқлаган экан. Энди бу борадаги талаб-қоидалар бирмунча бўшашган эмиш.

Дарҳақиқат, қабристонга зиёратга борганимизда қизалоқлару ўрта яшар хоним аёллар дарвозалари олдиға чиқиб, бизни очикдан-очиқ томоша қилишиб, ўзлари ҳам томоша бўлиб туришганди: тор, оқ футболка устидан жинси костюм илган қизлар, кишини ўзига бирдан жалб этадиган тиниқ рангли қўйлақдаги бош яланг жувонлар...

Лекин, каттаю кичикнинг "ҳадя қилинг" деб қўл чўзиши бизга маъқул бўлмади. Имоми Аъзам масжиди олдида бир нечаси ўраб, деярли ёпишиб олишувди. қабристон олдида болалар, ўсмирлар бизнинг Саудиядан келаётганимизни билибми-билмайми, (шундай деб тахмин қилишди чоғи), замзам, тасбеҳ сўрашиб ҳоли-жонимизга қўйишмади. Кечқурун меҳмонхона хизматчилари ҳам бир нима беринглар, деб умидвор бўлишяпти...

Ҳа, айтгандай, Аммор ва Нурий ёрдамида узоқ меҳмонхона изладик, ажабки, бетинч ва безовта, вайрона шаҳар қўноқхоналарида бўш ўрин йўқ ва нарх жуда баланд эди. "Ал-сидра" меҳмонхонасида юз долларга кўнишди (5 киши учун) — 1 доллар — 1238 динор эди.

Оқшом чироқ ўчиб қолди. Тез-тез шундай бўлиб тураркан, шунинг учун катта ташкилотлар, меҳмонхоналар движок ўрнатиб олишибди. Демак, электр станциялари ҳам мажақланган. Телефонлар ҳам яхши ишламас, умуман Бағдоддан файзу барака кетган эди.

Шаҳарда комендантлик вақти жорий қилинган, соат 22 дан кейин кўчада юриш мумкин эмас эди. Биз қайга ҳам борардик, йўтал авжида, томоқлар аввалги кунлардагидан ҳам баттар қирилмоқда...

Кечаси белим ҳам оғриди.

Негадир отам тушимга кирибди: оппоқ кийиниб олибди, соқол-мўйлови ихчам қилиб кузалган эди...

БАҒДОД

Ҳозирда Ироқ мамлакатининг пойтахти бўлган Бағдод фақат Шарқ оламидагина эмас, курраи заминдаги энг машҳур шаҳарлардан биридир. Бунинг сабаблари бир неча, лекин муҳими иккита: 1. Марказий ва Жанубий Осиё ҳамда Ўрта денгиз давлатларини бирлаштириб турувчи йўллар чорраҳасида жойлашганлиги, иккинчиси — илму фан ўчоғи бўлганлигидир.

Бағдод — "Боғи Дод" — "Доднинг боғи" (бошқача фаразлар ҳам бор)га 762 йили халифа Абу Жаъфар Мансур томонидан "Мадинат ус-Салом" ("Тинчлик шаҳри") номи билан асос солиниб, араб халифалигининг пойтахти шу ерга кўчирилади. Унгача пойтахт Куфа шаҳрида бўлиб, сулоланинг биринчи халифаси Мансурнинг акаси, Муҳаммад алайҳис-саломнинг амакиси Аббос авлодидан бўлмиш Абу Аббос Абдуллоҳ эди. Шундай қилиб, Бағдодда аббосийлар ҳукмронлиги ўрнатилади, шаҳар Шарқнинг йирик савдо марказига айланади. Ҳунармандчилик, илм-фан, хусусан фалсафа, фалакиёт, математика, табиёт ва бошқа соҳалар равнақ топади. Айниқса, Хорун ар-Рашид ва унинг ўғли Ал-Маъмун даврларида Бағдод ҳар жиҳатдан доврўқ-эйтибор қозонади. Ана шу доврўқ, ана шу шон-шухратнинг акс-садолари асрлардан асрларга ўтиб келмоқда эди...

Америка ҳам, бошқаси ҳам Ироқ мамлакатида, Бағдодда маълум муддатларда ўз ҳукмронликларини ўтказар, қирғинлар уюштиришар, биноларни портлатишар, ҳар хил қоида ва русумларни жорий



қилишар, аммо "Байт-ул ҳикма" тантана қилиб, замонлардан замонларга ўтаверади, толиби илмларни тарбиялаб етиштираверади, зиё нурларини оламга таратаверади.

ХОРАЗМИЙЛАР

10 февраль, сешанба

"Байт-ул ҳикма" томонга, автоуловлар тиқинида қадам-бақадам жиялпмиз.

Ислол тарихи бўлими бошлиғи доктор Абдужаббор Нажий ўрта бўйли, тўладан келган эллик беш ёшлар чамасидаги, кўзойнак таққан киши эди. Бахтимизга у анча чуқур мулоҳазали, гапдон, киришимли чиқиб қолди. Бизни илиқ қарши олди, "Байт-ул ҳикма" тарихи, Хоразмий ва бошқа мавзуларда бажонидил сўзлаб берди.

У гапни бу тарихий илму фан масканининг пойдеворини, асосини яратишда бизнинг юртдошларимиз хизмати катта эканлигидан бошлаб, Самарқандни, Бухорони бисотидаги энг яхши иборалар билан таърифлади.

— Сизларга ҳавасим келади — ота-боболарингиз ичидан шундай улуг инсонлар етишиб чиққанки, уларнинг айримлари Бағдодга келиб, мадрасаю илмгоҳларда толиби илмларга дарс беришган, шогирдлар етиштиришган, илму фан тараққиётига ўзларининг бебаҳо асарлари билан катта ҳисса қўшганлар, — деди доктор Нажий ҳаяжон билан. — Ал-Хоразмий ана шундай мўътабар зотлардан биридир. Халифа Маъмун уни ўзи билан бирга Хоразмдан олиб келган. Бағдоднинг Шамасия мавзеида расадхона қурдириб, Ал-Хоразмийни унга раҳбар этиб тайинлаган. Афсуски, у расадхона бузилиб кетган.

Абдужаббор Нажий шарқий ислол мамлакатлари тарихи ҳақида китоб ёзгани, унда Хоразм тўғрисида ҳам алоҳида тўхталгани, бундан ташқари, "Хоразм олимлари" деган асар битганини баён этди. Унинг айтишича, Бағдодда Хоразмий тахаллуси билан оддинма-кейин учта буюк ижодкор-олим яшаган. Кўплар уларни чалкаштириб юборади.

— Абубакр Муҳаммад ибн Хоразмий 998 йили вафот этган. Мусо ал-Хоразмийни кўпроқ ана шу шоир билан адаштирадилар, — дейди доктор бу ажримга алоҳида ургу бериб. — Бунга сабаб — Мусо ал-Хоразмийнинг туғилган, вафот этган саналари тўғрисида тадқиқотчилар ўртасида ҳар хил тахминлар бор. Лекин унинг Бағдодга уюшган олимларнинг энг истеъдодлиси эканлиги борасидаги фикрлар бир хил...

"Байт-ул ҳикма" олими назарда тутган Абу Бакр ал-Хоразмий кейинги вақтларда нашр қилинган китоблардаги далилларга қараганда 935 йили Хоразмда туғилган, тақрибан 20-25 ёшларида юртдан чиқиб кетиб, Ироқ ва Шомга, Ҳалабга борган. Кейин Нишопурда яшаб, 993 йили шу шаҳарда бандаликни бажо келтирган шоирдир. Унинг араб тилидаги катта бир девони ва "Рисолалар" асари маълум.

Умуман олганда, ҳақиқатан Хоразмий тахаллуси шоирлар, олимлар кўп ўтган ва уларнинг аксарияти Аллоҳнинг қарами билан бир-бирларига яқин даврларда яшаган. Айримлари бир-бирлари изидан Шарқнинг маданий-маърифий марказларидан бўлган Ироқ, Шом, Миср мамлакатларига бориб, ўз илм ва тажрибаларини орттирганлар. Манбаларда илмлар таснифи муфассал шарҳланган "Мафотух ал-улум" — "Илмлар қалити" асари билан машҳур, X асрда яшаган Абу Абдуллоҳ Хоразмий билан замондош Ҳасан Харис ал-Хубубий ал-Хоразмий, "Айн ас-санъа" — "Ал-кимё санъатининг моҳияти ва кимёгарлар учун ёрдам" (унда ўша даврдаги

амалий кимёнинг асосий масалалари баён қилинган) асарининг муаллифи Абул Ҳаким Муҳаммад ибн Абдул Малик Солиҳий ал-Хоразмий ал-Қосийлар ҳам аниқ фанлар билан шуғулланган олимлар сифатида зикр этилади. Шунингдек, академик Азиз Қаюмов "Маъмун жадвали" мақола-бадиасида ота-оналари асли Хоразмдан бўлган, ўзлари Бағдодда туғилган ва Аҳмад Фарғоний қўли остида илмий кузатувлар олиб борган уч оғанини — Муҳаммад, Аҳмад ва Ҳасан Мусо ибн Шокир Хоразмийларни таърифлаб ўтади. Лекин "Ўзбек совет энциклопедияси" (1971-80 йилларда босилиб чиққан)да олим Хоразмийлардан фақат биттаси: "Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо" ҳақида ахборот берилган. Лекин бу мухтасар хабарда ҳам қандайдир чалкашликка йўл қўйилгандай, Мусо Хоразмий билан ундан қарийб бир ярим аср кейин яшаган Абу Абдуллоҳ Хоразмий бир шахс қилиб юборилгандай туюлади. Хайриятки, 2001 йили чоп этилган "Маънавият юлдузлари" (тўпловчи ва масъул муҳаррир академик М.М.Хайруллаев) китобидан Мусо Хоразмий, Абу Абдуллоҳ Хоразмий ва Абу Бакр Хоразмийлар тўғрисида бир қадар аниқ ва батафсил маълумот олиш мумкин.

— Мусо Хоразмий дастлаб "Байт-ул ҳикма"дан ажратиб берилган алоҳида ҳужрада фалакиёт, илми нуҷум билан, ал-жабр билан шуғулланган, — давом этди Абдужаббор Нажий. — Ҳозир ҳам бизда математика фани "илми Хоразмий" атамаси билан юритилади. Ал-Маъмун Шамасияда расадхона қурдириб, Ал-Хоразмийни унга мудир этиб тайинлаган. Шамасия баландлик жой бўлгани боис расадхона учун қулай эди. Орада, маълум сабабларга кўра, бузилиб, аббосийлар даврида қайта тикланган. Ироқни эгаллаган дайлабийлар илм уйини бузиб, ўрнига қаср барпо қилишган. Хуллас, "Байт-ул ҳикма" бошидан бундай савдолар кўп ўтган, лекин ҳамиша тантана қилган... Аммо, мана яна Бағдодга бало ёғдирилди, илму урфонга қирон келди — кутубхоналар гораг қилинди, китоблар талон-тарож бўлди, қўлёмалар ёқилди. Музейлар, кутубхоналарга америкаликлар эмас, ўзимизникилар ўт қўйишди, китобларни, қадимий осори-атиқаларни Ироқнинг ўз ўғрилари ташиб, ўмариб кетишди. Бағдодда ҳеч нарса қолмади!.. — дея қуйиб-пишарди доктор Нажий. — Асли уламолар, олимларнинг маоши жуда оз эди, илму урфонга тазийқ бор эди. Матбуотда эркинлик йўқ эди, ҳозир ҳам... Нима дейишним, нима қилишним билмаймиз. Бизларга чекка жойларда юрмаслик, одамлар ичига аралашиб кетмаслик тўғрисида амр бор. Эрталаб тўғри маҳкамага келамиз, ишдан кейин уйдан чиқмаймиз... Америкаликларда меҳр-шафқат йўқ, улар қаҳри қаттиқ мардумлар экан...

Нажий домла тез ва тўхтамай сўзлар, бирон савол бериб, бўлмоқчи бўлсангиз "гапириб келяпман, кейинроқ шу масалага тўхталаман", деб давом этаверарди. Бизни эса Мусо Хоразмийнинг қабри қаердалиги муаммоси қизиқтирарди. Бағдодга, уруш ўчоғига ўтишдан асосий ниятларимиздан бири шу эди-да.

МУСО ХОРАЗМИЙ

Муҳаммад Мусо Хоразмий 780 йили Хива шаҳрида таваллуд топган. Ўша даврдаги энг машҳур илмий ва маданий марказ ҳисобланган Бағдодда кўп йиллар фаолият кўрсатган. Халифа Ал-Маъмун (813-833 йиллар), Ал-Мутасим (833-842) ва Ал-Восиқ (842-847) даврларида Шарқнинг дастлабки академияси — "Байт-ул ҳикма"да Хоразмий раҳбарлигида араблар ва бошқа халқлар вакиллари билан бир қаторда Аҳмад Фарғоний, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазий каби Урта осиелик олимлар тадқиқотлар олиб борганлар.

Хоразмий ўзининг табиий фанлар соҳаларидаги илмий фаолияти билан илғор ижтимоий-фалсафий тафаккурга йўл очди. У "алгебра" ва "арифметика"ларнинг муаллифидир. Математикада абстракция тушунчасини кенгайтирди, индукция йўли билан умумий ечиш усулларини ҳал қилди. "Алгоритм" ибораси ҳам унинг тахаллуси билан боғлиқ.

Хоразмий номини тарихда қолдирган асарларидан бири — "Алжабр вал-муқобала" рисоластидир.

"Китоб сурат ал-арз" ("Ернинг сурати") номли географияга оид ноёб асарда юзлаб муҳим жойлар ва тоғларнинг географик тафсилоти берилган, дарёлар, денгизлар ва уммонлар ҳавзасининг шакли, уларда жойлашган ороллارнинг муҳим белги-жиҳатлари баён қилинган.

Хоразмий Бағдод расадхонасида ўтказган кузатишлари асосида янги "Астрономик жадваллар" тузган, бу асар XII асрда лотин тилига таржима қилиниб, бир неча аср давомида ундан фойдаланилган.

827 йили Хоразмий раҳбарлигида Ер куррасининг ҳажмини аниқлаш мақсадида Ер меридианининг бир градуси ўлчаб чиқилган.

Хоразмийнинг "Устурлоб ҳақида рисола", "қуёш соатлари тўғрисида рисола", "Тарих рисоласи", "Муסיқа рисоласи" каби асарлар ёзгани ҳам маълум.

19-асрнинг машҳур математиги ва тарихшуноси, француз олими П.Таннери шундай деб ёзган: "Хоразмий асарлари... Ҳарба математика соҳасидаги кўпгина кашфиётларнинг манбаи бўлиб хизмат қилди. Шунинг учун ҳам Хоразмий номи Оврўпода абадийлашиб қолди".

Бир эмас, бир неча фанлар ривожига улкан ҳисса қўшган олим — алжабршунос, фалакиётчи, жуғруфиюн Муҳаммад Мусо Хоразмий туғилган даврларда Марказий Осиё араб халифалиги таркибида эди.

Китобларда Хоразмийнинг яна бир тахаллуси Кутрубулий эканлиги ёзилади. Демак, олим умрининг кейинги ва асосий қисмини кечирган жой Кутрубул маҳалласи. Афсуски, бу борада "Байт-ул ҳикма" олимлари, жумладан, Абдужаббор Нажий ҳам аниқ маълумотга эга эмас экан. Жаноб доктор фаразларни қалаштириб ташлади:

— Кутрубул — Бағдоднинг шимолий қисмидаги Ал-Ўарбия мавзеида. Илгари у ерлар катта боғ бўлган, ҳозир у боғлардан ном-нишон қолмаган, жойлар бутунлай ўзгариб кетган. Бағдодда қабристон кўп, аммо машҳури иккита. Бобу хариб мозори ҳам бор. Муҳаммад Хоразмий чиндан ҳам Кутрубулда яшаган, умри охирида уйдан чиқмай ижод қилган. Ўша атрофга дафн этилган бўлиши керак, албатта. У ҳанафия мазҳабида бўлган. Имоми Козимайн қабристониди қурайшликларнинг гўрларидан қолган қисми бор, эҳтимол ўша жойга кўмилган чиқар. Балки, Имоми Аъзам қабри ёнига қўйилгандир. Бу қабристонларнинг ҳаммаси бир-бирига яқин жойлашган. Дажла дарёси тошган пайтларда баъзи қабрларни тошқин ювиб кетган бўлиши ҳам мумкин. Орадан ҳазилакам вақт ўтди — ўн бир ярим аср, минг йилдан зиёд-а..

Дарвоқе, кеча биз борган мазор "Халифалар қабристони" дейиларкан.

— Маъмун Тарсус (Шом)да вафот этган, Робиъа

она эса Мисрда яшаган, улар Бағдодда дафн этилмаган, — дейди доктор Нажий.

Мезбон илтимосимизга биноан бизни ўз машинасида Бағдоднинг шарқий қисми билан ғарбий қисмини боғловчи Карх кўпригидан ўтиб, Хисравий мавзеи орқали айлантириб келди. Дажланинг чап соҳилидаги Кутрубул маҳалласи яқинидан қайтдик, қабристон тарафга боролмадик.

— Бизнинг у ёққа ўтишимиз мумкин эмас, сизларга ҳам маслаҳат бермайман, — деди доктор Нажий. — Ўар қадамда хавф тугилиши, бирон кор-ҳол юз бериши мумкин. Замонлар сал тинчигач, биз ўрганиб, сизларга маълум қиламиз, иншоолло...

Бу гапга ишонмасликнинг иложи йўқ эди, бизга, хусусан раҳбарга қолса яна бир таваккал қилардиг-у, лекин мезбонимиз оёқ тираб туриб олгандан кейин на чора?

Дарҳақиқат, чорраҳалар ёнида, хиёбонларнинг катта йўлга яқинроқ жойларида тепасида аскарлар пулемётларини отишга шай қилиб ўтирган танклар, бошқа ҳарбий машиналар ҳам халққа таҳдид солиб, ҳам халқдан ўз одамларини мудофаа қилиб турарди.

Доктор Нажий билан келгусидаги илмий алоқалар хусусида фикр алмашилди. Ўша пайтларда Хоразмда Маъмун академияси қайта фаолият кўрсата бошлаган ва унинг 1000 йиллигини (аслида 1200 йиллиги бўлиши керак) нишонлаш масаласи кўтарилаётган эди. Бобур фонди воситачилигида икки тарихий илмий маскан ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида шартнома тузилди. Унда қўлга киритилган ютуқларни ўртоқлашиб туриш, туронлик олим-ижодкорлар, жумладан, Мусо Хоразмий фаолиятини янада кенгроқ ўрганиш, унинг дафн этилган жойини аниқлаш ва муносиб ёдгорлик ўрнатиш мақсадга мувофиқлиги қайд қилинди.

Дарвоқе, биз яна бир буюк ватандошимиз, 819 йили Мусо Хоразмий ва бошқа фозилу уламолар қаторида Бағдодга келган астроном, математик, географ, ажойиб ихтиро — Нил дарёсининг сатҳини ўлчайдиган асбоб — нилометр, фаннинг муҳим соҳаларига бағишланган ўнлаб машҳур асарлар муаллифи Аҳмад Фарғоний ва Бағдодда илмий-ижодий ишлар билан машғул бўлган бошқа Ўрта осийлик ижодкор-олимлар фаолияти, уларнинг сўнгги тақдирлари юзасидан ҳам суриштирув-қидирувлар олиб бориш ниятида эдик. Афсуски, Бағдоддаги ҳозирги қалтис ва пароканда вазиятда бу борада ҳам бирон иш чиқишига кўзимиз етмади.

Алқисса, "Байт-ул ҳикма" билан, Бағдод билан хайрлашиб, соат ўн тўртда жўнадик. Кун чиқишга қараб борарканмиз, кўчанинг икки бетидаги хурмозорлар ва улар оралигидаги қаровсиз ётган беҳад кўп гул кўчатзорларини кўриб таажжубга тушдик. Демак, бағдодликлар гулни жуда яхши кўришаркану уруш туфайли шунча гул боғлар, хиёбонлар ва кўча бўйларига экилмай қолиб кетибди чамаси...

Аммо, барибир менинг кўнглим тўлмаган эди. Мен Дамашқ, Бағдод каби қадимий ва ўта машҳур шаҳарларда нимадир ғайритабиий нарсалар кўраман, деб ўйлагандим. Илму урфон салобати ва шарофатини кутгандим чоғи... Лекин бугина эмас...





Дилфуза ШЕРМАТОВА

Ишониб яшайин Сенинг ўзингга...

ҚАЙТИШИНГДАН ҚЎРҚАМАН

Муҳаббатим, сени саждагоҳ билдим,
Ишониб қалбимда сақладим фақат.
Севгига: "Умрбод паноҳсан", дедим,
Суюнчим санадим сени, муҳаббат.

Лек ҳозир сен ҳақда чиқаролмам ун,
Юракни тирнайди ғамгин бир қўшиқ.
Наҳот сен қалбимда қолмадинг буткул,
Наҳотки ўткинчи эди бу ишқ?!

Йўқ, мен йиғлолмадим айлабон фарёд,
Қалбим ҳануз йиғлар, йиғлайди беун.
Қисмат аламларга қиларман сабот,
Лекин қайтишингдан қўрқаман бир кун.

Гуллардан йўлингга тўшаб поёндоз,
Қоронғи кунларда чироқлар тутдим.
Барчасин унутдим,
Мен сени кутдим.

Маънос нигоҳларинг соғиниб, толдим,
Сенинг йўлларингга интизор қолдим.
Севгим, аламларим ичимга ютдим,
Мен сени кутдим.

Ўзгалар қўлида гул қилай, деди,
Мен сенинг йўлингга қул бўлай, дедим.
Улар сўзларидан воз кечдим,

УНУТДИНГ

Боғдан саралаб терган гулларингни унутдинг,
Дилдан жўшиб куйлаган шеърларингни унутдинг.
Қўлим тафтида куйган қўлларингни унутдинг,
Муҳаббатинг унутдинг, сен ўзга ёрни кутдинг.

Нигоҳлар энди бошқа қора кўзга тикилар,
Севгига тўлиқ қувонч бўлмас, чок-чок сўкилар.
Йўлларимга гуллармас, хазон барглар тўкилар,
Муҳаббатинг унутдинг, бошқа бир ёрни кутдинг.

Юрагимга туташган орзуларим узилди,
Биз бахт сари борардик, у йўллар ҳам бузилди.
Муҳаббат деб аталган манзилимиз чўзилди,
Бу йўлларни унутдинг, сен бошқа ёрни кутдинг.

Кетдим!
Лекин сени ҳамиша кутдим...

Майли, мени алда бир сўзинг ила,
Ишониб яшайин сенинг ўзингга.
Келмасанг келма ҳеч ёнимга зинҳор,
Интиқ бўлиб яшай қора кўзингга.

Интизор куттишдан мабодо кўзим
Нурсиз бўлиб қолса, менлигимни бил.
Ногаҳон ажинлар ичида юзим,
Сарғайса у менман, мен томон келгил.

Силай десанг оппоқ бўлса сочларим,
Қўрқмагил, қаросин олгандир куттиш.
Мен пинҳон муҳаббат учун ёнаман,
Менга буткул ётдир сени унуттиш.

Баъзида ёмғирнинг томчилари-ла
Сенинг юзларингга оққим келади.
Кўкдаги ҳилол-ла ёнма-ён туриб,
Сенинг юзларингга боққим келади.

Шамол бўлиб сенинг қучоқларингга
Эркалаб-эркалаб учгим келади.
Майсадай сочларинг муаттар ҳидин
Туяман, мен сени қучгим келади.

Армонлар юракни чулғазанида
Ўзимдан воз кечиб қочгим келади.
Сел бўлиб қуявер, ёмғир йўлдошим,
Мен сени сипқориб ичгим келади...

СОҒИНЧ

Ёдимга онамнинг кўзлари тушиди,
Ғаниматим юзи шунчалар мунис.
Ёдимга онамнинг сўзлари тушиди,
Қулоғим остида янграйди ҳануз.

Онам-а, қалбимнинг қўшиғи эди,
Умримга баҳи этган зебу зийнатни.
Ҳаётим шодликка буркаган Онам,
Роҳатим деб билди битмас меҳнатни.

Дийдорим интиқиб кутган Онам-а,
Сизга шошган сари кўнайди ишим.
Юрағида меҳр тошган Онам-а,
Сиздан сўнг ҳам ўша-ўша юмушим.

Сизни, Онажоним, суйиб яшагум,
Хотиралар асло беролмас таскин.
Юрагим тўрига қўйиб яшагум,
Сизни десам, тўлиб кетар юрагим.

Онамнинг кўзлари шунчалар теран,
Шунчалар меҳри эди кўзлари.
Онамни соғиниб яшайвераман,
Қулоғим остида унинг сўзлари...

Изҳори дил қилсанг сен, ишқ ўтингда куйгандим,
Покиза муҳаббат деб қалб тўрига қўйгандим.
Севгидан чарақлаган нигоҳларинг суйгандим,
Сен барчасин унутдинг, бошқа дилдорни кутдинг.

Андижонга етиб келди тўйингизнинг садоси,
Бора олмай қийналди-я, ишқингизнинг гадоси.
Бир кўрсайдим...
Бир кўрсайдим, ярашдими куёвликнинг сарпоси,
Бўйингизга садқа бўлай мен муҳаббат адоси.

Энди мағрур бўлолмасман, ёшга тўлгандир кўзим,
Сизни бировга бериб, афсусланган ўзим.
Яна бир бор илтижоим, сиз менга тиланг тўзим,
Қалб осмоним тарк этган ушалмаган орзуйим.





Муҳаммад АЛИ
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

УСТОЗ НАЗАРИ

1966 йилда юз берган бир воқеа мен учун асло унутилмас бўлиб қолган. Ушанда устоз Абдулла Қаҳҳорнинг олтмиш йиллиги муносабати билан "Ёш гвардия" нашриётида машҳур адабнинг бир китоби нашрга тайёрланди. Бу китоб "Ёшлар билан суҳбат" деб аталар эди. Умуман, "Ёш гвардия" нашриёти ёшларга хос жанговар руҳи билан ажралиб турар, унда чоп этилаётган китобларни ҳали чиқмасиданоқ билиб олар эдик, интиқлик билан кутардик. Абдулла Орипов шу нашриётда муҳарри бўлиб хизмат қиларди, кўп янгиликларни ундан эшитардим. Мен Москвадаги Горький номидаги Адабиёт институтини эндигина битириб келиб "Шарқ юлдузи" журнали таҳририятида ишлаш бошлаган пайтларим эди.

Бир куни Абдулла Орипов ҳаяжонланганча кириб келди.

— Муҳаммад Али, дўстим! — деди у. — Биласизми, Абдулла ака бизлар билан суратга тушмоқчилар! Бизда чиқаётган китобларига киритиш учун.

У ёнидан буклоелик бир қоғоз чиқарди, унда Абдулла Қаҳҳорнинг ўз қўли билан суратга таклиф этилажак ёш ижодкорларнинг номлари (адашмасам, олтига ё еттига) ёзилганди. Устознинг дастхатини илк бор кўришим эди, устоз қора сиёҳда майда ҳарфларда ёзар эканлар. Энг қувончлиси, рўйхатнинг охирида менинг ҳам номим турарди! Кўзларимга ишонмадим. Чунки бу пайт мен китоб ҳам чиқариб улгурмагандим, илк китобим "Фозодаги ҳислар" ҳали муҳарриром Абдулла Орипов қўлида таҳрирда эди. Унинг устига, Москвадан эндигина келганман, биров таниб-танимайди... Кейин билсам, бир йилинда ўқиган шеърим туфайли қандайдир келажагимга умид боғлаб Абдулла ака мени ҳам рўйхатга киритган эканлар.

Бир йил олдин, устозимиз атоқли ўзбек адиби ва шоири Шўҳрат аканинг волидалари Холбиби опа саксон ёшга тўлдилар, адабнинг уйда катта тўй бўлиб ўтди. Шўҳрат аканинг кенг ва файзли ҳовлисида ёзилган дастурхон атрофида ўзбекнинг катта-кичик адиблари, зиёлилари тўпландилар. Бу ерда Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Миртемир ва бошқа таниқли ёзувчи-шоирлар савлат тўкиб ўтиришарди. Абдулла Орипов билан биз ҳам бир четда, сал пойгак томонда шакарғуфторлик қилардик. Устозларнинг бўй-бастларига боқиб, кўнгилмизда гурур туйардик, адабиётимизнинг қудратли кўрғонлари борлигидан ўзимизни бағоят масрур сезардик. Даврани Иззат Султон олиб борарди. Бирин-кетин устозлар сўз олишиб Холбиби опани қутладилар. Орада бизга ҳам навбат тегиб турди. Абдулла Орипов жуда чиройли шеър ўқиди, ҳамма уни юракдан олқинилади. Кейин менга сўз бердилар. Мен кутлов сўзини айтиб янги ёзган "Муқанна" деган шеъримни ўқиб бердим. Қарсақлар бўлди.

Тўйда қувончдан ўзини қайга қўйишни билмай юрган Шўҳрат ака кейин бизнинг ўқиган шеърларимиз Абдулла

Қаҳҳорга маъқул бўлганини айтиб берди. Шу орада бўлиб ўтган бир қизиқ ҳодиса ҳам ҳамон эсимда. Айвон олдида, тўрда Ойбек ва Миртемир, Абдулла Қаҳҳор ва Мақсуд Шайхзода ёнма-ён ўтиришар, биз уларга қараб-қараб қўярдик. Диққатимизни Ойбек билан Миртемир суҳбати ўзига тортди. Ойбек ака ниманидир завқ билан Миртемир домла қулоғига сўзлар, воқеа қизиқ бўлса керак, домла қаҳ-қаҳ отиб кулар, унга Ойбек аканинг кулгиси ҳам қўшиларди. Биз кузатар эканмиз, кулгидан ўзимизни тиёлмадик. Гап шундаки, Ойбек ака гапира олмас, Миртемир домланинг эса қулоқлари оғир эди... Ибратни кўрингки, икки устоз бир-бирлари кўнглини авайлаш учун ўзларини шундай тугардилар.

Бирдан Абдулла Қаҳҳор ҳовли этаги тарафга — бизлар томонга қараб кела бошлади. Биз Абдулла Орипов билан қитдай-қитдайдан анчагина олиб қўйганмиз, шижоатимиз шунга яраша эди...

— Ҳозир Абдулла ака билан қадаҳ уриштириб ичамиз! — таклиф қилди шоир менга қараб. Даража баландлигидан, унинг гапи каминага ҳам мақбул кўринди.

— Жуда соз-да!

— Лекин, — деб Абдулла Орипов шивирлаб, — устоз "Санданак"дан ичадилар. Тез топмасак бўлмайди.

Назаримда, биз "Санданак"дан бошқачароқ нарса ичаётган эдик шекилли, ҳарқалай нариги столлардан қидиришга тўғри келди.

Журьат етарли эди. Абдулла ака яқинлашишлари билан шартта иккимиз ҳам ўрнимиздан турдик ва йўлларини тўсдик! Дўстимнинг қўлида "Санданак" қуйилган қадаҳ хиёл чайқалиб турарди.

— Абдулла ака... энди... шунга олиб... — каловланди Абдулла Орипов.

Абдулла ака ниятимизни англаб етди-да, қаҳҳорона табассум билан бизларга боқиб:

— Бир ўпиб бераман... — деди ва қадаҳни оҳиста лабларига теккизди...

Ниҳоят Абдулла Қаҳҳор билан суратга тушадиган кун ҳам етиб келди. Ҳаммамиз "Ёш гвардия" нашриётига тўпландик. Сурат олинди ва у китобга киритилди, улкан адиб билан суратга тушиш шарафига муяссар бўлиш биз ёшлар учун унутилмас воқеа даражасига кўтарилди. Ҳаммамиз мамнун эдик.

Аммо хурсандчилигимиз узоққа чўзилмади. Мўъжазгина "Ёшлар билан суҳбат" китоби босилиб чиққанидан кейин, кўп ўтмай дўконлардан йиғиштириб олинди. Бунга Абдулла Қаҳҳорнинг китобда "Ён дафтардан" сарлавҳаси остида эълон қилинган: "Мен партиянинг солдати эмас, онгли аъсосиман" деган сўзлари сабаб бўлди. Чунки партияга ўйлайдиган, онгли аъзолар эмас, "фалончи!" деса сапчиб ўрндан турадиган кимсалар керак эди, Абдулла Қаҳҳор эса ундай бўлишни истамасди.





ХУРШИДА

Қийнама, муҳаббат...



ИШҚ

Мени демагани демасман,
Мени севмагани севмасман!
Дардли сасман, ўтли нафасман,
Лек севмасанг, мен ҳам севмасман?!

Менинг боғим шунчалар маҳзун,
Гулим маъсум, гунчалар маҳзун,
Кечир, эта олмасам мамнун,
Мен нотаваон ва ношуд касман!..

Куп қийналдим гулзорларимда,
Куп қийналдинг озорларимдан.
Нетай ишқининг бозорларида
Сотилмаган олтин қафасман!..

Юрагимда ишқим соф эди,
Орзуларим Қўҳқиқоф эди.
Надоматдан қандай наф энди —
Хазонларга кўмилган хасман!..

Ололмасам ҳам дардларингни,
Кўтаролмам ҳеч радларингни...
...Нетай, севдим жўмардларингни -
Дунё, мен бир меҳрпарастман!?

* * *

Атрофга боқаман — ғариб бу дунё
Ичра ишқ гавҳарин излайвераман.
Кўнглим эзаверар телба бир савдо —
Васлинг илинжида бўзлайвераман.

Ногоҳ гурур отлиғ бир хилқат келиб,
Равон йўлларимни бурар сўқмоққа.
Ноумид ҳисларим сенга интилиб,
Тинмай тутаверар мени сўроққа?!

...Биламан, барчаси беҳуда!
Асло
Тубан қилмишингни кечиролмас дил!..
Юрак ўртанади нафратдан, аммо
Сенсиз дайри дунга беролмам кўнгила..

Минг олам, дунёдан сен дея ўтмоқ,
Гарчи билмасанг ҳам садоқат қадрин.
Гарчи олмасанг ҳам гулларим тутмоқ —
Ўзга кўнгиллارга сочолмай атрин...

* * *

Дунё хиёнатга тўлиб ётибди,
Дунё риёларга тўлиқ, ўксима,
Порлоқ нигоҳингда кўз ёш қотибди,
Бир кул, азизам!

Мана, қуёш чиқди, юзинг эркалаб,
Мана, макр уйин тарк этдинг ахир!
Ўзинг ақлдисан, бағринг нимталаб,
Ийглама, ахир!

Маъсума гулларга чирмашмас илон,
Обини бургут этолмас даҳр.
Хур яшайсан, энди ҳеч инсон
Қилолмас таҳқир!

МАВҲУМОТ

Сен на гулсан, сен на дурсан,
Сен на ёғду.
Сен — рўё!
Сен на шодлик ва на қайғу,
На охир, на ибтидо!

Сенда шафқат, сенда ҳайрат
Топилмас ҳуш фазилат.

Сенда жамъи сеҳру қудрат,
Жамъи зоҳирий зийнат.

Сен сабаб хор юраклардан,
Чекингай ғам-аламлар,
Сен туфайли дилдан ситам,
Кўздан аримас намлар...

Сен на булбул ва на зогсан,
Сен на висол, на ҳажр...
Сен муаллақ манзилгоҳсан,
Сенга ер-кўк мунтазир...

Сенга ишқу ҳурматим ҳам,
Сенга қасду нафратим.
Сенга Ҳақдан етганда ғам,
Зикр этгайсан отим!..

МУҲАББАТ

Дилни кўп қийнама, муҳаббат,
Жонимни олақол, яхшиси
Йўлингда хорлигим етмасми,
Кўй мени, эй, кўнгила бахшииси!

Висолдан ўзга бу оламда
Гарчи йўқ орому фароғат,
Майлига кечайин баридан,
Фақат бас, қийнама, муҳаббат!

Майлига сочимни супурги,
Кўнглимни пойандоз қила қол,
Ўтинчим: бу дардкаш юракни
Ўртамай, жонимни ола қол!

Кўй, мендек оғсизни, муҳаббат,
Таслимман, этмасман қасд-гина.
Беаёв жангингда бил, фақат,
Беҳислар қилгайлар тантанан!





Улуғбек ҲАМДАМ

САБО ВА САМАНДАР

Романдан парча



Рассом Оловиддин СОБИР ўғли

*Ишқ ичра мени йўқ айла, ё Раб!
Навоий.*

1

Яна бағри чок-чокидан сўкилиб уйғонди. Яна кўкрагида ўша туйғу, ҳаётида ўша ғалаён, бошида эса ўша исён бор эди унинг. Яна дардига дунёдаги жамики малҳамларнинг кор этмаслигини суяк-суягигача англаб турарди. Англаганидан, кўзлари уйқули бўлишига қарамай, қайтиб ухлай олмаслигини ҳам билганидан хобхона эшигини оҳиста ёпиб, ошхона томонга ўтди. Муслук мурватини бураб, бир пиёла муздек сувни ютоқиб-ютоқиб ичди. Зора ичини куйдириб бораётган олов тафтини бир дам бўлсин, босса, юрагига, вужудига совуш лаззатини бахш этса!..

Қаёқда... У уф тортганча балконга ўтди. Ярим очик деразадан баҳор ҳиди шундоқ димоғига урилди. Деразани катта қилиб очиб юборди. Энди қушларнинг живир-живири қулоғига ҳуш келди. Бироқ... бироқ буларнинг ҳеч бири бағрини ёндириб бораётган дарддан чалғита олмас,

унга малҳам оромини бермас, беролмасди. Умуман, унинг ҳаётида неки содир бўлган ва бўлаётган эса ҳамма-ҳаммаси ўша... туфайли, ўша...нинг атрофида айланаётганди. Узоқ муддат юзини кўкламнинг юзига тутган ва кўзларини юмган кўйи бир байтни юз маргалаб такроқлади:

*Тушимда кўрдим сени,
Бирга олиб кет мени...*

*Тушимда кўрдим сени,
Бирга олиб кет мени...*

*Тушимда кўрдим сени,
Бирга олиб кет мени...*

Уҳ-уҳ-уҳ!.. Ҳатто ёзишга ҳам қийналасан, киши. У қўшалок сатрни неча йиллар, йиллар нимаси, неча ўн



йиллардан бери такрор-такрор айтади. Айтиш нимаси, эмранади: "Тушимда кўрдим сени," дейди, сўнг худди ўша кўрган кишиси қаршисида тиз чўкиб тургандек ёлборади: "Бирга олиб кет мени!.." Лекин бу фарёду нидолар жавобсиз, жавобсиз.. Эҳтимол, жавоб айнан шу ерда — сукутдадир, муттасил жавобсизликдадир, ким билади, дейсиз...

Шундан кейин ўша икки кўшалок мисранинг давоми туғилди ва ушбу эмраниш, ушбу... билмадим, нима деб атаса тўғрироқ бўлади, ушбу бўзлаш унинг ҳаётининг манифестига айланди...

*"Тушимда кўрдим сени,
Бирга олиб кет, мени..."
Эй афсона руҳ — севги!
Қисматимни суй энди.
Худойимни соғиндим..."*

*Тушимда кўрдим сени...
Хаёлингга тутулдим,
Турмушимни унутдим.
Борар жойим йўқ энди,
Бирга олиб кет мени!..*

*Дунё дағал, қаттиқдир,
Севган кўнгил ортиқдир.
Нима қилай? — Айт, гулим,
Сенсизликдир ўнг-сўлим.
Тушларимга қочгайман..."*

*Эй афсона руҳ — севги!
Дуо қилгил сен мени!..
Дунёларим куйса ҳам,
Дўст душманам кулса ҳам,
Юрагимни тарк этма,
Жисмим ичра фарқ этма..."*

Худойимни соғиндим..."

Неча марта унга "бу дунёда севги йўқ!" деб айтдилар, иддао қилдилар, гаров ўйнадилар, дағдага қилдилар, устидан кулдилар, ошқора ҳам пинҳона гап қилдилар — бўлмади. Файласуфлари келиб "Севги бу — дунёни англаш йўлидаги улкан зинапоянинг битта зинаси", десалар, руҳшунослари шивирлаб "Севги бу — тийилган эҳтироснинг хаёл суриши" дедилар. Ўҳ-хў, буларнинг айтганларини санаб адоғига етиб бўлармиди... Лекин йўқ, яна йўқ! Индамай эшитадию, бошини сарак-сарак қилади, бироқ билганидан қолмайди. Ахир қандай қолсин, юрак-бағри жизгинаги чиқиб ёниб турган бўлса, куйиб юрган эса... Ишқ, ишқ ва яна ишқ бўлса билгани, ҳис қилгани, ўйлагани, ўнгти ва туши... Шунинг учун ҳам у бу даҳри дунёда, бу дағал оламда олдинги сафдагилардан, биринчилардан бўлмади, бўлолмади. Эсу хушига на насиҳат кирди, ақлу ёдига на сарват. Девонаи Машраб бўлди гўё, балки айни Мажнунни даврон. Билмадим, билмадик... Билганимиз шуки, у ўз дардининг қули эди. Инчунун, ўз дардининг малҳамига ҳам эҳтиёжманд эди...

"Бугун Сени Кўрсам..."

Бўлди. Шу учта сўз унинг ниҳоясиз дардларига шифо бўлгучи ўша малҳам! Шу учта сўзда унинг бахти мужассам. Шу учта сўзда у ўз қисмати моҳиятини, инсонлик мазмунини англайди, ҳис қилади. Ва бу шундай англаш ва ҳис қилиш бўладики, бунинг таъмидан ҳушлари бошидан учеди, борлиғи қандайдир мутлақ бир оғушга фарқ бўлади ва бутунлик касб этади...

"Сени Кўрсам Бугун..."

Хувиллаб ётган яланғоч дунё шу билан мазмунга тўлади. Оҳ, бу қандай лаззат, қандай фароғат!.. Лекин нега одамлар ишқ қолиб, бу дунёга келиб-кетишнинг энг муҳим, энг бирламчи, энг керакли қадрияти — муҳаббат қолиб, атрофдаги жуда арзимас, жуда майда ишлар билан шуғулланишади — буни тушунмайди у. Ахир фақат ишқ туйғусигина тирикликни, тирик юришни, эрталаб уйғонишу кечкурун бошни болишга қўйиш заҳмати оқлайди. Фақат муҳаббатгина инсонга қуёшга юзланиб туриш жасоратини, ундан баҳра олиш ва мулоқотга киришиш ҳуқуқини беради. Фақат севгигина одамга чуқур энтиқиб "Мен инсонман!" дейиш ифтихорини ҳаё этади. Фақат угина...

Бўлди, бас!.. Сўзни узатган билан ишқсиз кўнгилларни севгига тўлдириб бўлмайди, ишқли дилга эса бир каломнинг, бир дардчил имонинг ўзи кифоя — у дарҳол муддаони англайди. Чунки унинг ҳам тупроғи сеникига ўхшаш, сиз битта мулкнинг, ягона султонликнинг фуқароларисизлар, битта динга — ишққа топингувчи диндош ва қавмдошсизлар. Йўқса, бошқа бир кишига ишқсиз бир бебошга кўнгилдагидан бир нима деб кўр-чи, у сенга худди жиннига қарагандек, еб қўйгудек бўлиб қарайди: "Қиладиган бошқа ишинг йўқми?" дея устингдан ошқора кулади. Сен ишқни "Тирикликнинг жавҳари" дея қанча улуғласанг, у "Бекорчининг эрмаги" дея шунча мазох қилади. Унинг тутуми сенга қанча тушуниксиз келса, сеники унга шунча ғалати туюлади. Шунинг учун ҳам бу дунёда ҳар кимнинг ўз қавми, қавмдошлари бўлади. Инсон фақат шундай қавмдошлари томонидангина қабул этилади ва сийланади, бошқа ерда у ҳатто ўз ака-укасига ҳам етти ёт бегона бўлиб қолаверади... Бас, шундай экан, сен ишқдан сўз айтмоқчи бўлсанг, ўз қавмингга — сени тушунадиган ва сен тушунадиган танланган кишиларгагина айтгинки, токи бегоналар ичра бегона бўлмагайсан.

2

Тонг саҳардан бери "У" деб келаётган кишимизнинг асл исми Самандар. У катта бир шаҳарнинг нуфузли университетларидан бирида адабиётдан дарс беради. Ёши элликларда, сочларига аллақачон оқ оралагангина эмас, балки қоралари билан аралашиб-қуралашиб кетган...

— Ия, бу ёғи қандоқ бўлди? — дея эътироз билдиришингиз тайин, ўқувчим. — Сиз ахир ишқ-муҳаббатдан ҳикоя қилмоқчи эдингиз-ку, қаҳрамонингизнинг бўлса ёши бир жойга бориб, бошини қиров босиб қолибди?..

— Ҳамма гап шунда-да, — дейман жавобан мен Сизга. — Ахир бундай бўлмаганда мен юрак ютиб сизга бир сўз демоққа журъат этармидим? Ҳамма гап ана шу бошини қор қоплаган, ёши эликни урган Самандарнинг... алламбало қисматида, ажабтовур кўнглида, кўнглидаги ҳали-ҳануз босилмаган, босилиши яқин келажакда қутилмаётган олов — муҳаббатнинг тафтида... Сиз шошманг, мени ҳам шоширманг, ҳаммасини бир бошдан, бир канордан айтиб бераман. Шунда биз Самандарнинг тим қора сочлари шамолларда учиб ўйнаган йигирма ёшлик чоғларига ҳам дуч келамиз, севгилиси билан қўл ушлашиб, совуқ ҳисоб-китобга ўч дунёнинг қилгилликларига қарши исён этганча озод шамоллар қўйнига қочиб кетган дамларини ҳам эслаймиз... Фақат шошманг, мени ҳам шоширманг...

Ҳозир эса унинг ёши эллиқда. Ана ўзи! Университетдан қўлида папкаси билан паришонхотир бўлиб чиқиб келаяпти. Ана, ҳар галгидек орқасидан бир талаба қиз шошиб келаяпти:

— Домла, тўхтанг, соатингиз қолиб кетибди.

Самандар бурилиб қараб, қизга ташаккур айтди, дарс ўтаркан, одатича ечиб, стол устига қўядиган ва кўп бор унутиб қолдирадиган соатини олиб чап билагига тақди. Сўнг йўлида давом этди...

Ҳайҳот, бу йўлнинг адоғи бормикан? Бунча узун бўлмаса ҳижроннинг ушбу йўли?!.. Қарийб ўттиз йилдан бери тинимсиз, тинимсиз ва яна тинимсиз босади Самандар уни, бироқ аримайди йўл қурмагур. Қарийб ўттиз йилдир Самандарнинг кўзлари йўлнинг узоғига қадалган... Ўттиз йилдир, балким бу йўллар ўз йўловчисидан зериккандир, йиллар ҳам толиққандир, аммо қаҳрамонимизнинг оёқлари ва кўзларида ҳорғинлик сезилмайди, ҳаракатларида иккиланиш билинмайди... Аксинча... аксинча, у ўттиз йилдир борган сари ўз ишқиди қатъий, ўттиз йилдир севгилиси сари талинади, ўттиз йилдир уни қуйлайди, мадҳ этади, унга атаб қасидалар битади, романлар нашр этади. Ишонмайсизми, мана унинг ўзига — пулли тўхташ жойидаги машинаси томон одимлаб бораётган Самандарга яқинроқ боринг. Ҳа-ҳа, ҳадиксирамай бороверинг, йўқса, бизни муболағида, ҳаёт ҳақиқатини бузиб кўрсатишда айблаб юрасиз... Унга қарасангиз-чи, азиз ўқувчим, ахир у ҳеч кимга эътибор бермай, папкасини қўлида силтаганча баланд овозда ўз-ўзига шеър айтиб, талабалару ўқитувчилар, ишчилару ҳайдовчилар орасидан дадил одимлаб бораётди:

*Йўлчиман, манзилим денгиздан нари,
Ложувард уфқнинг тубига яқин.
Кўнглимда дардларим дарёдек оқин,
Чайқалар кўзларим тикилган сари.
О, йўллар!*

*Чу, қора тойчоғим! Чу, қора йўрғам!
Муродга қасд қилиб югурган етур.
Бўронни севмаса, дил нечун тепур?
Тириклик не керак бемехнат, беғам?!
Чу, қора йўрғам!*

Во дариғ, дейман менки, одам боласи наҳотки шундайин ишққа қодир эса?! Наҳотки бундайин ишқнинг ўзи бўлса?! Ахир замонлар неча бор турланиб, рост туйғулар устига ёлғонлари қат-қат ётмадимми? Бани инсон ҳам сотқин ҳислар ила тил бириктириб, чинларининг қачонлардир мавжуд эканини, уларнинг бағрида ўзини чексиз саодатли бўлганини унутиб юбормадимми?!.. Во дариғ!.. Агар Самандарнинг қалбида ҳалигача ўшандайин ишқ баралла яшаётган эса, Яратганнинг олдидаги урвоққина иймоним билан қасамки, бу йигит кўчани тўлдириб юрган одамзоднинг қавмидан эмас! Йўқ!! У ўзга сайёраликдек ноёб биз учун, бизнинг замонлар учун!..

Бу пайтда Самандар машинасининг олдида етиб келиб, эшигига калит солиб очаётганди... Очди, қўлидаги папкасини ёнбошдаги ўриндикқа ташлади-да, кетидан ўзи ҳам чўкди. Рул чамбарагини кучганча узоқ муддат шу кўйи ўтириб қолди. Ниҳоят, қуқур хўрсинганча, моторни ёкди. Сўнг тез қўзғалиб уйига йўналди. Фақат шу лаҳзада, азиз ўқувчим, гапларимга кириб унга эргашган, унинг ёнида бўлганингизда эди, ярим очик ойнадан озгидан чиққан боғги шеърнинг парчалари қулоғингизга чалиниб қоларди:

*Муродга қасд қилиб югурган етур,
Бўронни севмаса дил нечун тепур?
Чу, қора тойчоғим? Чу, қора йўрғам!..*

Ажаб, машинасига энди эътибор қилибман, унинг ранги худди шеърдаги йўрганикидек тим қора экан...

3

Самандар ҳақида бас энди, ёзувчим! Тарозунинг иккинчи палласига назар ташлашнинг фурсати етди, чоғи. Самандарни қийнаётган, неча ўн йилдан буён хаёлини таг-томири билан сўгуриб олган ва шу юрак умри давомида ўзига мангу миҳлаб олган борлиқ — худойимнинг ажойиб яратиги — Сабо тўғрисида ёзиш вақти келди, ахир! Сабо, Са-бо!.. Бу исми айтгани сари одам беихтиёр парвозга шайланаётган қушдек енгил сезади ўзини. Йўқ, у айнан мана шу қуш янглиғ парвоз қилади ҳам. "Са..." деганда ҳашёр тортади, "бо!" деганда кўкка қараб шайланади, қушдек париллаб учади, учади, учаверади... Сабо самога боради, унга қўшилиб сингиб кетади. Сўнг сиз ажратолмай қоласиз — сабо қайдаю само қайда?

Бўлди, бўлди, бўлди!.. Сизнинг ачиб кўпчиган хамирдек ёйилган мийингизни ва ундаги аччиқ кинояни кўриб турибман. Биламан, сиз билан биз ўз замонамизнинг фарзандларимиз. Замона эса сал аввал ёзганимиздек, севадиган, севиладиган эмас. Ёрини исмини талаффуз қилганда қалби қушдек осмонда чарх уриб учадиган одамларни ҳаётимизда учратмаганимиз балки. Шунинг учун ҳам "Сабо!" дея ёки бошқа бир исми айтиб, қулоғимиз остида бонг урсалар-да бир сесканиб қўймайдиган ҳолга тушиб қолганмиз ва бундан албатта гурурланамиз. Бизнинг қаҳрамон эса нодир киши! Шу маънода у бу дунёнинг, бу замоннинг фарзанди эмасдек. У ўз ички оламининг — кўнглининг боласи. "Сабо!", дея уйғонади у, "Сабо!" дея кўз юмади ҳам. Унинг бисмиллоси — Сабо, тавбаси — яна Сабо...

Бу-да эриш туюлади сиз билан бизга. Лекин на чора, севги, чинакам муҳаббат шунақа бўлади шекиллики, баъзан севишганларнинг хатти-ҳаракатию бир-бирларига айтаётган изҳори диллари бизнинг — оддий одамларнинг назарида шаккокликдек бўлиб туюлади...

Ўшандаям айна баҳор чоғи эди... Атроф энди тетапоя бўлиб, тилга кираётган боладек ширин ва жозибали моҳият касб этаётган дилтортар палла. Бундай вақтда, одатда, талабаларнинг кўзлари дераза ортига миҳланган бўлади. Энди ниш урган, тепасида асаларилар учиб кўнган ўрик ва шафтоли гулларида, хаёллари ҳам шунга монанд қаёқлардадир — олис-олисларда қочиб юради. Ўқитувчининг, — минг қилса ҳам, ҳисобсиз педагогик маҳоратининг ялтироқ, кўз ва қулоқ чалгитувчи қорғонларига ўраб чирмаса ҳам, барибир, — айтган гаплари, ўқиган маърузаси вужудларида ёшликнинг қайноқ ва саргузашталаб қони янги вулқоннинг лаваларидек қайнаб турган йигиту қизларнинг қулоқларининг бунисидан кириб, унисидан чиқиб кетади.

— Тезроқ таътилга чиқсаг-у, — Сабонинг елкасига эснаганча бошини қўйди дугонаси Назира.

— Шаҳло қани? Бугунам келмаса, зерикиб ўламиз иккаламаз... — дугонасининг бошига бошини аста уриб деди Сабо.

— Қанақадир бир домланинг дарсига кетган бўлса керак. Ўтган ҳафта ҳам шундай бўлувди, эсингдами? — маъруза ўқиётган ўқитувчининг ўзига қараб-қараб қўяётганидан сергак тортиб, бошини кўтарди Назира.

— Ҳа, ким экан у домла, бунча қизиқмаса?..

— Адабиётдан киради. Келишгангина... — Ўқитувчининг ҳадеб ўзларига қараётгани туфайли лаб-лунжини тўғрилаб, маърузани эшитиб, ёзиб бораётгандек дафтарига энгашди Назира.

— Фууу, Шаҳлонинг йигити бор-ку, бошига урадимиз ўқитувчини?..

— Дарсига қизиқаётгандир...



Иккала дугона бир-бирига қараб қиқир-қиқир кулишди...

— Файзиева!.. Ёнингиздаги ўртоғингизни олиб, ташқарига чиқиб кетинг?... — Ўқитувчининг дағдағали овози янгради ҳавода. Сабо билан Назира бирдан жим бўлиб бошларини эгиб олишди.

— Кутяпман, дарҳол чиқиб кетинглар!.. — ўқитувчи сўзида туриб олди, — дарсни тўхтатиб қўйдинглар. Қани, тез-тез!

Дугоналар ноилож сумкаларини елкаларига олиб, аудиторияни тарк этишаркан, у ер-бу ердан қизларнинг қиқир-қиқир кулгани эшитилди. Сабо орқасига ўтирилиб тилини чиқарди-да — "Вувв!" дея эрмак қилганча эшикни қарсиллатиб ёпди...

4

Самандар ётоқхонанинг деворлари униқиблар кетган хонасида дафтарга нимадир ёза бошлади. Узоқ ёзди. Ўчирди. Яна ёзди... Ниҳоят, ёзганини овоз чиқариб ўзига ўзи ўқий кетди:

Мен сендан олдин худойимнинг даргоҳига бораман, иншаоллоҳ! Чунки қалбим сезади буни... шунда, биласанми, устингдан нақ худонинг ўзига арз қиламан: "Мен уни ўлгунимча севдим, бутун борлигим билан, энг сўнгги ҳужайраларимгача унга талпиндим, уни дедим, уни алқадим, уни кутдим... Лекин... лекин у келмади: Ишни баҳона қилди, удумни, қариндош уруғлару дўст-биродарлар гап-сўзларини баҳона қилди... Хуллас, ўз севгиси учун ҳеч нима қилмади, курашмади, келмади... Ҳолбуки, бу ёқда менинг кўзларим кутавериб тешилиб кетганди, куч-қувват, сабр-тоқатгина эмас, қурб... қурбим ҳам қолмаганди, битиб соб бўлганди. Мен қуруқ савлатим билан қолгандим. Турган мен эмас, балки бурунги Самандарнинг сояси эди. Бироқ, барибир кутавердим. Кутишда ва умид қилишда давом этавердим. Келмаслигини билардим, лекин тақдирдан мўъжиза кутардим, эшитяпсанми, мўъжиза!..

*Келмаслигим билсам-да, ахир,
Кутавериб кўзим тешилар.
Қайдан менда бу савил сабр? -
Азобларим минг бор эшилар...*

*Тун оқармас — борар куюқлаб,
Борган сари мен-да ожизман.
Фақат бирдан бўзарган уфқдай
Содир бўлса дейман мўъжиза...*

Содир бўлмас бироқ мўъжиза...
Шундай қилиб, мен сени Худога айтаман, шикоят қиламан устингдан, эшитяпсанми?...

*Сени кутдим... кўзларимда ёш...
Ёш демаки, сўнётган қуёш...*

*Оламларга борар йўлимсан,
Юрак бағрим, оёқ-қўлимсан.*

*Тўшунмайсан фақат кўнглимни,
Ёвуқ келган меҳмон — ўлимни...*

*Шундан ичда фарёдлар ўсар,
Ўсиб мени оламдан тўсар...*

*Зулмат чўкса бир кун дунёга,
Арз этгумдир, билгил, Худога...*

Ҳа-ҳа, арз этаман. Арз этиб, айтаманки, бу қизни нигоҳимдан узоқ қилма, токи уни яна севиш мумкин

бўлсин, қаерда бўлмайин, руҳим қай дунёга оқиб бормасин, севиб оёқларига йиқилиш, бўзлаб оғриқларимни — фарёдларимни айтиш саодати мени тарк этмасин!.. Майли, у менга боқмасин, парво этмасин, лекин уни номавжуд этма... Уни кўриб, ҳис қилиб туриш бахтидан мени маҳрум қилма, Парвардигор!.."

5

"Мен сени севаман! — деди хаёлан деразадан пастдаги ўрикнинг оқ пушти рангларига боқиб турган Самандар Сабога мурожаат этиб. — Сен менинг борлигимсан, бу дунёга келиб топганим ягона жаҳоҳирим — сенсан! Агар қачондир ҳеч вақосиз қолсам, йўқотганим ҳам сен бўласан! Бу навосиз дунёда, ҳаёт ва хаёлларимда, тилим ва дилимда янграган бирдан бир навом ҳам, отам ва онамдан, туғилган гўшамдан айро тушиб, шафқатсиз турмушимдан, дўсту биродарларимдан аччиқ зарба еб, қаён боришимни билмай, ҳатто хаёлан қочиб бориб, бир ютум таскин симирадиган жой тополмай ўртаниб қолганимда... кутилмаганда йўлимдан пайдо бўлган нажот фариштаси, озурда бўлган юрагимни қўярга яккаю ягона маъвом ҳам ўзингсан!.. Сени кўриш учун қабоқларимни очишга ҳожат йўқ. Чунки сенга талпинган, сени истаган юрагим сени дунёнинг чангалидан — ташқаридан юлиб олиб, ичкарига яширган. Қорачиғларим ўрнида жилваланган сўнмас қуёш, аслида, сен!.. Оламга боқсам, сенга қўшилиб нурланиб кетаман. Олам ҳам ўша нурга чулғанади. Шунинг учун мен қилаётган ишимга, яшаётган кунимга таҳрир киритмоқчиман: "Муҳаббат дарси"ни ўтмоқчиман. Ҳа-ҳа, айнан, ўшани — "Муҳаббат дарси"ни! Шу тобда кўзимга бошқа нарса илашмаяпти. Қалбим, ақлим, вужудим... ҳамма-ҳаммаси фақат сени деяпти, "Сен!" деяпти!.. Тоғлардан тошларга урилиб оқиб тушиб келаётган сой бўйида ўтирганмисан?!.. Шунда энг аввало ҳисобсиз шакл ва ранглардаги тошларга урилаётган сувнинг шовуллаши эътиборингни тортади. Бу шунчаки шовуллаш эмас, балки асрлар оша яшаб келаётган тоғларнинг кўнгилидоси, сирли кўшиғидир. Сен ҳам менинг ана шундай кўшиғимсан! Токи тирик эканман, сен ҳам худди тоғлар бағридан сўкилиб тушаётган ва қўшиқ бўлиб шовуллаётган сой янглиғ юрагимдан ситилиб оқаверасан, севгилим!!.."

Самандар бошини ширин хаёллардан бўшатди. Симкаравотга узанди. Кейин туриб ўтирди. Кўзларини чиппа юмиб, калласини сарак-сарак қилди, сўнг кескин силкитди — гўё бу ҳаракати билан "Сабо" деб аталмиш тотли оғушдан ўзини тамоман халос этмоқчидек бўлди. Кейин аста қўзғалиб, тагин дераза қаршисига келиб, ташқари боқди. Етгинчи қаватдан атроф кафлдагидек аниқ кўринарди; дарахтлар худди пойида тўлғанаётгандек шамолда силкиниб турар, оловранг қуёш чексизликка чўкиб борар, унда-бунда дам олиш кунинда ташқари чиққан ўқитувчи, аспирант ва талабалар ҳафсаласизгина одимларди. У узоқ муддат дераза қаршисига тубсиз хаёлларига толган кўйи уммонга лангар ташлаганча туриб қолган кемадек тек қотди. Сўнг шундоқ ёнбошдаги стол устига эгилиб, яна нималарнидир ёзди, ёзаверди...

Бирпас ўтгач, қаддини кўтарди, қўлига эндигина ёзгани бир вароқни олиб, хонанинг у четидан бунисига қадам босиб баланд овозда ўқиди:

*Тубанда шовулар дарахтзор,
Пойларимда ботади қуёш...
Кутаяпман, барибир, такрор...
Тугаяпти тоғдек бу бардош!..*

*Фақат юрак ҳамиша бола —
Ҳар лаҳзада мангу яшарман!
Мен биламан — ўлмасман асло,
Мен соғинчман, ўлим-чи — Ватан!..*

Ҳамон хона ичра чир айланиб юраркан, Самандар қўлидаги қоғозни стол устига ташлади-да энди яна-да баланд овозда шеърни ёддан ўқий кетди. Кейин яна, яна ўқиди. Ниҳоят, охириги мисрада тўхталиб, такрорлай бошлади:

*"Мен соғинчман, ўлим-чи — Ватан!"
"Мен соғинчман, ўлим-чи — Ватан!"
"Мен соғинчман, ўлим-чи — Ватан!.."*

Самандар кескин ҳаракат билан ўзини каравотга отди. Юзларини ёстиққа босганча овоз чиқариб деди: "Унда муҳаббат нима бўлади? Ахир, эндигина "Муҳаббат — менинг бору йўғим, ўзимни қўярга жойим, бирдан бир масканим!" дея ширин хаёлларга берилгандим-ку!.. Қаердан келди бу... ўлим?... Нега унинг ўрнига муҳаббат сўзини қўя қолмадим? Мен соғинчман, муҳаббат — Ватан!" ёки "Муҳаббатим, эй чексиз Ватан!" дея олмадим. Нега тилимга шу даҳшатли сўз — ўлим қалқиб чиқди! Нега, нега, нега?!.. — у шиддат билан ўрнидан сапчиб турди-да, хона ичида боягидан ҳам тезроқ айлана бошлади.

— Йўқ, йўқ, бўлиши мумкин эмас! Мен муҳаббат билан ёнаётган бир дамда ўлимнинг хаёлимга, ақл ва юрагимга бостириб кириши мумкин эмас. Бу — ахир, адолатсизлик! Ўлим! — дея бирдан тўхтади хона ўртасида Самандар. — Муҳаббат!.. Ўлим билан муҳаббат... Бу икки олам ўртасида қандай боғлиқлик бўлиши мумкин? Уларнинг қай бири қиррасида шундай бир кўприк борки, биридан иккинчисига ўтиш мумкин бўлса? Ҳа-ҳа, ўлимга ҳали бор, ўлиш учун ҳам инсоннинг маънавий ҳаққи бўлмоғи шарт! Шундоқ — онадан қандай тугилган бўлсанг, ўшандайлигингча — хомлигингча ўлимнинг қароргоҳига кириб бориш — уят! Унгача одам дегани узун ва машаққатли, шарафли ва сурурбахш йўлни босиб ўтмоғи лозим... Хўш, бу йўлнинг исми нима? Ўша эмасми кўприк дегани? Наҳотки... наҳотки муҳаббат бўлса? Ҳа-ҳа, у — муҳаббат-да! Фақат шу йўлни босиб ўтган инсонгина ўлимга тайёр бўлади, фақат севган ва севилган кўнгил, ишқ оловида охириги ҳужайрасигача ловуллаб ёнган кишигина ўлимга тик боқа олади... Ўлим!.. Ўлим... Эҳтимол, фурсат келиб, инсон ўлимни ўлдириб — мангуликка йўл солар... Унда нима бўлади? Дунёда фақат бир юмуш — Муҳаббат қоладими?... Агар одамзот ўлмаслик йўлини қилса — қариб-чириган баданни либос янглиг бошқасига алмаштириб кетиш ҳийласини топса, Худога нима бўлади?!.. Ахир, кишиларнинг Яратганга ҳеч қандай эҳтиёжи қолмайди-ку! Оллоҳ парчаланиб, маъжозий-рамзий эмас, тўғридан-тўғри маънода ҳар бир одамнинг юрагига жойлашмайдими унда?!.. Инсон чинакамига ҳур бўлиб, ўлим ва қабр даҳшатида, касаллик ва ожизлик чангалидан озод бўлмашими?..

Тўхта!.. Тўхта, дейман Самандар! Биз ҳали узоқ келажак ҳақида бугуннинг маърифати даражасида туриб бундаин кескин фикр юритишга тайёр ва ҳақдор эмасмиз. Гарчи, айтилганларга ўхшаш нимадир содир бўлиши муқаррар эса-да, менинг аини тобдаги вазифам — аини дамдаги маърифат савиямга уйғун келмоғи шарт. Акс ҳолда "Мен не дейману кўбизим не дейди?" ҳолига тушмоғим тайин. Сўзни узатмай дангал айтишим ва қилишим мумкин бўлган бугунги ишим эса битта, у ҳам бўлса — ИШҚ! Ўлимгача менинг бирдан-бир юмушим шу, ишқидир!.. Ўлим келгач, мен учун ҳамма ишни унинг

ўзи бажаради. Айтадилар-ку, биз бор экан ўлим йўқ, ўлим келгач эса биз йўқ, деб. Бас, шундай экан, Самандар, сен ўзингни муҳаббат сари от, муҳаббатдан сўйла, севгингни, маҳбубангни, тараннум эт. Қолган барчаси ёлгон ва кераксиздир юмушидир ушбу дамда...

6

Қанча кўп яшаганинг сари ҳаётнинг маъниси ҳам сендан шунча узоқлашиб бораверар экан. Аслида, гўё маъни сари йўлга чиққансан ва ўтиб кетаётган ҳар бир кунинг сени ўша манзил томон элтиши лозим эди. Бироқ тиришиб олдинга интилишинг баробарида манзил ҳам сендан йироқлашиб борапти-ку... Ҳа-ҳа, айнан шундоқ бўлапти. Буни қандай тушуниш мумкин?..

Тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ҳаммаси эриб кетди ёки тумандек тарқаб кетди. Бир-бирига ўхшаган кунлар еб битирди орзулар тоғини...

*Бир-бирига ўхшаган кунлар,
Юрагимни совутиб борар,
Бир-бирига ўхшаган кунлар.*

*Орзуларим тоғ қадар эди...
Кейин эса уни еб қўйди,
Бир-бирига ўхшаган кунлар...*

*Хаёл сурмай қўйдим биродар,
Тасаввурлар турмушранг бўлди...
Қўрқадурман энди эртандан.*

*Мусичанинг "ку-ку"ларию,
Қарғаларнинг "қағ-қағ"лари ҳам,
Бир хил, бир хил таралар кўкда.
Улғайишни орзу қилгандим,
Тушларимда энди болалик...
"Нажот, најот!" дейди мажруҳ рух...*

*Ҳаммасига розиман, фақат
Муҳаббатим қайтиб берсанг, бас,
Бир-бирига ўхшаган кунлар!..*

*Бир-бирига ўхшаган кунлар,
Юрагимни совутиб бўлди,
Энди эса овутмоқ истар...*

Азим дарё эди у. Тўлиб тошиб оқаятганди. Соҳилидаги бутун бир воҳага ҳаёт бахш этиб, ўзи ҳам бундан яйраб-яшнаб бораётганди. Бироқ бирдан тиниб қолди... Қарғиш теккандек тўхтаб қолди бу асов дарё. Ҳа-ҳа, айнан қарғиш теккандек. Йўқса, нима жин урдик, оқиб келган, оқиб турган дарё ҳе йўқ, бе йўқ туйқусдан оқмай қўйса...

Ҳаммаси изига тушиб бораётганди: шахсий ҳаёти ҳам, касбий муаммолари ҳам. Ҳатто яхши-ёмон кунларда суянса бўладиган ошна-оғайнилар сараланиб, аниқ-тиниқ юзага чиқиб қолганди. Хуллас, рисоладагидек кеча бошлаганди унинг, сиз билан бизнинг қахрамоннинг кунлари. Лекин... кутилмаганда ҳаммаси саробга айланди ёки мавжуд нарсалар ўз ўрнини йўқотмаган эса-да, аини чоғда ҳеч қандай аҳамият ҳам касб этмай қўйди. Улар бор эди. Бор эдию, қахрамонимиз Самандарнинг кўнглини заррача қувонтирмас, унга тасалли ва дармон бўлолмасди энди... Тавба, бундан чиқди, атрофимиздаги нарсалар ўз-ўзича қадр-қимматга эга эмас экан-да, уларни севимли ва азиз қилаётган, қандайдир қадр юклаб, мазмундор қилаётган бизнинг ўзимиз экан-да!..



Тўхта эй сен, Ёзгучи! Мунча ошиқмасанг, мунча ҳовлиқмасанг! Ҳаммасини бир бошдан бошлаш керак. Шошилмасдан, бир-бирига қориштирмасдан. Йўқса, дардингни на тушунтириб ўзгага, на ундан қутулиб ўзингга роҳат бера оласан... Ахир бу кетишда сен ўз туйғуларингга тиқилиб қоласан-ку! Уларнинг ҳаммаси бирваракайига сенинг бўғзингга сиймайди... Шунинг учун шошилма, бир бошдан ва аста-аста ҳикоя қилки, ниҳоятда ҳам ўзинг соғ қолгайсан, ҳам ўқувчини асрагайсан...

7

Гарчи ҳали бир марта ҳам ерга қор тушмаган эса-да, аллақачон қиш кириб келган, ҳаволар фуфайка кийиб, қалин пайтава ўраб этик кийиш учун етарлича совиган, сувлар музлаган, кўкда кўчманчи қушларнинг хайрлашув кўшиқлари аллақачон тугаб, қарғаларнинг қағиллаб қолганига кўп бўлган эди. Лекин... лекин мингтепаликлар пахта далаларидан ҳануз чиққани йўқ. Шу тобда пахта нима қилади, демоқчи бўлсангиз, биз бажониديل ҳокимтўралар манзилини кўрсатиб юборишга тайёрмиз. Магар бундай "номаъқулчилик"ни ўзингизга эп кўрмасангиз ҳамда ҳали ҳам ҳикоямиздан зерикмаган бўлсангиз, шаҳарда кийиладиган олифта ва нафис либосларингизни қишлоқбобларига бурнингизни жийирмайгина алмаштиринг-да, юринг биз билан ўша изгиридли пайкалларга! Зеро, мингтепаликларнинг ўзaro суҳбатига ҳам ҳар қандай фикрловчи кишини ўзига ром қиладиган, ўйлатадиган, ниҳоятда ўз ҳаёти устида бош қотиришга ундайдиган нимадир бор! Юринг, дўстим, ўша "нимадир"ни билиш учун қимматбаҳо ипак бўйинбоғларимизни бир кунга ечиб, сигарет ва тувак гуллар ҳиди тутиб кетган иссиқ хоналаримизни бир зумга тарк этиб, ҳеч бир инсон зотига ярашмайдиган кибр-ҳавони унутиб... анави эгатларга пахта кўчатларидек сочилиб кетган, бир пайтнинг ўзида ҳам қувноқ, ҳам гамгин, ҳам кулдириб-кулиб чарчамайдиган, ҳам дардини айтиб, йиғлаб адо қилолмайдиган дилкаш юртошларимизнинг қошларига борайлик...

Бир-бирларимизнинг совуқ ва ҳиссиз ҳисоб-китоблар заҳматларида тирриқ бўлиб қолган ангоримизга боқа-боқа зериккан, толиққан қалб кўзингизни энди кийим боши бутунлай сидириб олиниб, қаҳратон қишнинг қаҳрли қиличидек тик турган новдаларидан сирғатиб туширинг-да, теришга пахта, шу билан бирга буни гапиришга, тушинтиришга ҳуқуқи ҳам йўқлигидан у ер-бу ерда фартукларининг устига омонатгина чўкиб турганча инсон қалбини, унинг нозик ҳисларини мушоҳада тарозусига қўйиб кўраётган мингтепаликларнинг юрагига бошлангки, айнан шу ерда бир умр излаб тополмаганингиз тирклик маънисига урилиб кетсангиз, ажаб эмас!..

— Мен Нодир ака ва Нилуфар опалар олдида бошимни эгиб таъзим қиламан, лекин уларнинг қилган ишларини оқламайман, — дерди Азиза қизишиб, — ахир ота-онасини бутун қишлоқнинг кўзи ўнгига уятга қўйишди...

— Бунинг нимаси уят, Азиза, мен тушунмайман!? — эътироз билдирарди Самандар қиздан кўпроқ тўлқинланиб. — Қайтага менга қолсайди, ўзбек йигити Нодир ва ҳўжа қизи Нилуфарга атаб мамлакатнинг ўртасида ҳайкал ўрнатардим.

— Йўқ-йўқ, бўлмайди! — кескин сўзлади Азиза. — Қанақа қилиб, нимага асосланиб? Сиз шу халқнинг орасида яшаёпсиз, унинг тузини ичяпсиз, унинг қўлида вояга етяпсизми, ўрни келганда ҳурматини ҳам жойига қўйиб қўйинг-да, дўстим.

— Ҳурмат қилиш билан кўр-кўрона буйсуниш бошқа-бошқа нарсалар, Азиза! Тушунсангиз-чи, Нодир

билан Нилуфар ўз ота-онаси ёки ўз халқининг одатларига қарши чиққанлари йўқ, бу нарсалар уларнинг етти ухлаб тушларига ҳам кирмаган. Улар бор-йўғи бир-бирларини яхши кўришган. Севги гуноҳми?..

— Гуноҳ! Агар у ота-онанинг истакларига зид бўлса, урф-одатларимизни оёқ ости қилса, қавму қариндошнинг юзини ерга қаратса!..

— Сиз... ўзингиз Нилуфарнинг ўрнида нима қилган бўлардингиз?

Кутилмаган қалтис саволдан Азиза довдираб кетди, юзлари дув қизарди, киприклари пирпираб учди...

— Мен... Мен... ҳўжа қизи эмасман-да...

— Тушуниб туриб гапни чалғитманг, Азиза! — қатъий турди Самандар.

— Мен... Нилуфар опанинг ўрнида кўрпамга қараб оёқ узатган бўлардим.

— Яъни?

— Яъни... — ўсмоқчилади Азиза, — яъни ҳеч қачон Нодир акани севиб қолмасдим.

— Қанақасига? Юракка буйруқ бериб бўларканми? — ҳайрон бўлди Самандар.

— Ҳа, бўлади. Чунки қорачалардан бўлган Нодирга мени бермасликларини билиб туриб, яна уни яхши кўришим мумкин эмас! — қатъий деди қиз.

— Сизнингча, севгини ҳам бошқарса бўларкан-да... — ўзича мушоҳада қила бошлади Самандар, — мен негадир бошқача ўйларканман.

— Қанақа? — қизиқишини яшириб ўтирмади Азиза.

— Аниқ бир нима айтолмайман, лекин чинакамга севиб қолган одам деволага ўхшаб қолса керак, деб биламан негадир. Лайли ва Мажнунни эсланг. Улар севги йўлида на зеб-зийнатни ва на мансаб-мавқени ўйлашди, келажакларини чўтга солиб кўришмади. Чунки улар юракларини эмас, юраклари уларни бошқарар эди...

— Кейин нима бўлди, иккаласи ҳам ўлиб кетишди-ю ёруғлик кўрмай. Бу ёқда ота-онаси, қариндошлари... Қўйсангиз-чи, Самандар, бунақа севгининг кимга кераги бор?..

Самандар бир муддат индамай турди-да, сўнг паст овозда шёър айта бошлади:

*Кўнглим гам ила тўқ айла, ё Раб!
Ишқ ичра мени йўқ айла, ё Раб!*

*...Лайли ишқин танимда жон қил,
Лайли шавқин рангимда қон қил.*

*Дардини нажотим эт, Илоҳий,
Ёдини ҳаётим эт, Илоҳий!..*

— Самандар, ахир севгида Лайли ва Мажнун бўлиш қийин. Кейин улар ўтган замонларда яшашган, — отдан тушса ҳам эгардан тушгиси келмасди Азизанинг.

— Нима қибди ўтган замонларда яшаган бўлса, Азиза?

— Ҳозир унақа севгининг бўлиши... билмадим... мумкин эмасдек туюлади менга. Қолаверса, Лайли-Мажнун китобда бор, ҳаётда эмас.

— Нодир билан Нилуфар-чи, улар ҳам китобдами? — Самандар Азизага ниҳоят таслим қилдим дегандек голибона қаради.

— Улар ҳам худди Лайли ва Мажнундек севги йўлида ўлиб кетишди-ку! Бунинг нимаси яхши!?

— Нимаси ёмон, Азиза! Муҳаббат учун аслида ўлиш эмас, яшаш керак. Лекин на илож, ошиқ ва маъшукларнинг пешонасига ўлим битилган бўлса?

— Майли, Самандар, сизни гап билан енгиб бўлмайди ўзи. Лекин барибир, мен ҳам ўз сўзимда

қоламан: йигитдир, қиздир, ҳамма бу дунёда ўзига мосини топиб яхши кўриши керак, бўлмаса... — фикрини чала ташлаб хаёлга берилди Азиза.

— Нима бўлмаса, Азиза?..

— Бўлмаса, бўлмайди, Самандар! — нигоҳини ердан олиб йигитнинг кўзига тикди қиз...

Самандар ўзига қадалган нигоҳнинг залворини узоқ вақт ўз кўзларида ушлаб туролмай, беихтиёр атрофга қаради. Лекин ичида нимадир "шув" этиб кетди. Юзлари бир ўзгариб олди...

— Муҳаббат... кишига бахт келтириши керак, — ўртага чўккан жимликни бузиб тилга кирди Азиза, — агар келтирмаса, ақл-идрокка суяниб ундан воз кечилади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, Самандар, икки киши бир-бирини севса-ю, бу туйғу уларга фақат кулфат, алам ва надомат келтирса, бунинг нимаси яхши? Севги ҳам аслида одамлар учун, уларнинг бахту саодати учун, тўғрмасми? Шундай бўлгач, нега энди у инсонга хизмат қилиб, кўнглини овлашнинг ўрнига, мудом унга гусса келтириши керак?.. — Азиза шу тахлит яна узоқ вақт ўз қарашларини баён этди, лекин улар Самандарнинг қулоғига ортиқ кирмас, аксинча, у хаёлан Мажнуннинг қиблага юзланган ҳолда Оллоҳга йиғлаб қилган илтижолари билан бирга яшарди:

*Лайли ишқин танимда жон қил,
Лайли шавқин рангимда қон қил.*

*Дардини нажотим эт, Илоҳий,
Ёдини ҳаётим эт, Илоҳий!..*

Шу пайт йигитнинг хаёлида бир зумгина нотаниш бир парирўй, гўзал бир маҳвашининг дилрабо лиқоси жонланди. У бунинг нима эканлигини тушунмади: хаёлми, тушми ва ё бошқа бир нарса? Аммо уни аниқ кўрди! Йўқ, у китобларда минг бир қиёфада тасвирланган Мажнуннинг Лайлиси эмасди. Тўғри, қаеридир ўхшарди, қизнинг нигоҳлари қаърида нимадир, қандайдир жунунваш ўт уни Лайлига монанд айларди, аммо унинг ўзи бошқа эди, Лайлининг ўзгинаси эмасди. Самандар кўзига кўриниб, сўнг яна шундай хизда ёйиб бўлган ой-рухсор қиз Худойимнинг тамоман бошқа яратиги эди...

8

Муҳаббатни Одам Атодан қолган дейишади. Муҳаббатни Одам Ато замонидан бери алқашади. У ҳақда узундан узун, шириндан ширин, аччиқдан аччиқ дostonлар битишади, ёд олиб куйлашади, куйлаб йиғлашади. Даврлар ўтди, одамлар, улар яшайдиган тузумлар ўзгарди, лекин муҳаббат ўзгармади. У ошиқ ва маъшуқ қалбини яна аввалгидек ларзага солишда давом этаверди. Тош асридан бери ҳар юз йилда афту ангоридан тортиб кийим бошию яшаш тарзигача ўзгариб-турланиб келаётган инсон айнан шу ерга — муҳаббат чегарасидан ўтганда гўё "соқов" бўлиб қолаётгандек: унинг минг йиллар мобайнида тўплаган илму амали ҳеч вақога ярамаётгандек: инсон худди форларда яшаган бобокалони янглиғ ҳуши бошидан учиб севаётгандек... дунёларни унутарчасига бу сеҳрли гуссага мубтало бўлаётгандек...гоҳида...

Вомик ва Узро, Тристан ва Изольда, Тоҳир ва Зухро, Ромео ва Жульетта, Лайли ва Мажнун, Отабек ва Кумуш... бунинг каби яна ўнлаб ишқий дostonлар муҳаббат шарафига буюк одамийзот кўтарган гўзал қадаҳлар эмасми?! Эй, кўнгли пок, кўзи пок ўқувчим! Мингтепаликларнинг мана бир неча йилдан бери тилларидан тушмай келаётган Нодир ва Нилуфар қиссаси эса ана ўша дostonлар силсиласидаги битта мўжаз

ҳалқадирким, ундан бохабар бўлмай туриб, қаҳрамонларимизнинг юракларига яқинлашмоқ мудҳиш гуноҳдек кўринади бизга. Таъбир жоиз бўлса, ушбу қиссани ҳикоя қилмоқ ва уни тингламоқ муқаддас саждагоҳни зиёрат қилишдан олдин ўқиб олинадиган икки ракаат намоздир гўё!.. Мингтепаликларнинг техника асрида курум босиб қолаётган қалбларини титратиб, тоғлар ҳавосидек тоза нафасда бир чайиб олган севги қиссаси ҳам салаф дostonларек маҳзун ва соҳир жанрлайди!.. Лекин дунёга ва унинг туганмас ҳою ҳавасларига туптуриб, юзини қиблага буриб, Яратганга илтижо этаётган девонадек ўз дардини ҳикоя қилаётган ровийни эшитар экан, ажаб эмаски, тингловчининг юзларида бир қарашда мангуа муҳрлангандек туюлган асрий музликлар аста эрий бошлади... Ажаб эмаски, тома-тома кўл бўлур деганларидек, томчи-томчи эриш ҳам инсоният қалбидаги минг йилликларда пайдо бўлган муз тоғларини ташқарига суриб юборса!.. Ҳай, майли, "Бисмилло"ни айтайлик-да, вужуд кўзларимизни юмайлик, зора қулоқларимизга кирган муҳаббат эртаги ила қалб кўзларимиз очила борса...

9

Улар бир қишлоқнинг фарзандлари эди. Устига устак ёнма-ён кўшни. Йигит далага кетаётиб ҳам, қайтаётиб ҳам гоҳ эшик-ялангта сув сепаётган, гоҳ уни супуриб, сидираётган, гоҳ кичик укасини кўтариб овутаётган, гоҳ бўйи етиб қолган дугоналари билан ариқ бўйида чақчақлашиб турган ҳолда кўрарди. Ҳаммаси бирданига эмас, балки секин-секин бошланди. Худди юртга кўкламнинг билдирмайгина кириб келганидек. Улар бир-бирларини болаликдан билишарди, лекин вақти келиб бошларига мана шундай умумий ғавго — ишқ савдосининг тушиши ҳеч бирининг хаёлига келмаганди. Эҳтимол, севгининг қудрати, сеҳри ва жодуси шунда: кутилмаган жойдан ҳужум қилиб қолишида ҳамдир!..

— Ассалому алайкум, Нодир ака, — Нилуфар ташқарида — ўзлари ва Нодирларнинг уйлари ўртасидаги муслук тагидан пақирини олди, — сиз олволақолинг, меники шошиличч эмас.

Нодир алик олиб, пақирини оқиб турган жўмрак остига кўйди-да, қаддини тиклаётиб миннатдорчилик билдиридю сўради:

— Даданг ишдан келдим?

— Энди кебқолади, — атрофни ўз хушбўйи билан ром айлай бошлаган ариқ қийисидидаги ялпизлардан кўз узмай жавоб берди Нилуфар.

— Институтга ҳужжат топширмоқчийдим, битта қорғозга имзоси керак бўпқолди, шуни маслаҳатлашмоқчийдим. Нима деб ўйлайсан, Нилуфар, ишхонасига борсамми ё уйлариңгтаёқ кириб кўйсамми? — тўлиб бўлган пақирини бошқасига алмаштириб кўйди Нодир.

— Ишхонасида одам кўп бўлади, уйга кира қолинг. Қайси ўқишга топширмоқчисиз, агар сир бўлмаса?

— Ҳуқуқшуносликка.

— Вой!.. — қиз "ялт" этиб йигитга қаради. — Сиз ҳамми?!..

...Вақти-соати келмагунча кўкдаги қора булутлардан бир томчи сув ерга тушмайди. Замин ўз бағрини баҳор қўёшида етарлича иситиб олмагунча бирон гиёҳ ундан бош кўтариб чиқмайди. Тўлиб турган пиёлага бир томчи сувнинг томиши унинг тошиб кетиши учун кифоя... Худди шундай, қизнинг "ялт" этиб йигитга бир бор қараш ва "Сиз ҳамми!" дея ҳайрат ва ҳаяжон ичида унга саволчан тикилиб қолиши уларнинг шу лаҳзадан кейинги ҳаётларини илдизан ўзгартириб юбориши



яратганининг ўзидан бошқа кимнинг ҳаёлига кебди, дейсиз! Ҳа-ҳа, айнан шундай! Йўқса, Нодир билан Нилуфар бир-бирларини энди кўриб тургани ҳам, кўзлари бир-бириникига илк бор тушиб қолгани ҳам йўқ! Лекин ҳаммаси энди... илк бор бошланаётир... Нодирнинг — Нилуфарга, "Ҳа энди, бир раҳбарнинг нозиккина танноз қизи-да" дея ҳеч қачон эркакнинг кўзи билан қарамаган йигитнинг тили энди гўё тушов солингандек тузукроқ айланмас ҳолга тушди. Айлангани фақат боши эди... Нигоҳлар... ҳеч қачон, ҳеч қаерда ва ҳеч бир ҳолатда бир-бирида тўхтаб қолмаган бу нигоҳлар энди бири иккинчисининг пинжиги кириб кетишга тайёр мазмун ва моҳият касб этиб, ўз соҳибларининг жинсию ғурур-пурурини унутганча жодуланган каби қотиб турарди. Ҳайҳот, яратган Эгам, ўзинг тушунтир ўқувчигаким, йўқса, бу ожиз бандангнинг тили айлангани билан, неча маҳалдан бери сўзни узатгани билан асл моҳиятга яқин келай демаяпти. Ушбу тобда Нодир ва Нилуфар қалбларида нималар содир бўлганини, улар нечун кўққисдан бир-бирларига сеҳрлангандек термулиб қолишганини англатиб беролмаяпти...

— Нилуфар, қизим, сувни тезроқ обкелмайсанми, овқатим тағига обкетди-ку! — ичкаридан онаси Ҳилол опанинг овози келди.

— Вой, ўлмасам!.. Нодир ака, майлими сувингиздан олсам... — Нилуфар йигитнинг жавобини ҳам кутиб ўтирмай сув тўла пақирнинг яримини ўзиникига ағдарди-да, дарвоза томон чопди...

— Ҳа... — Нодир буни Нилуфарнинг "Сиз ҳамми?" деган саволига айтдими ёки "Майлими, сувингиздан олсам?" деганигами, ўзи ҳам билмай, айна пайтда ўз челагида чайпалиб қолган сувга тикилганча турарди...

10

Шундан кейин ҳаммаси бошланиб кетди. Қишлоқ эмасми, йил ўтар-ўтмас одамлар орасида рост-ёлғон гаплар тарқалди. Нима эмиш, "Нодир билан Нилуфар бир-бирларини кўрмаса туролмайдиган бўпқолишибди, девормиён қўшни бўлгани Нодирга жуда қўл келибди, уйда ҳеч ким йўқлигида дийдорлашармишлар, айшишрат авжига чиқармиш, Нодир Тошкенти азимдек узоқ жойдан ҳар ойда Нилуфарни деб келармиш, ўқишида домлалари ундан норози эмиш, институтдан ҳайдалиши ҳам мумкинмиш, Камол раҳбарнинг яшамагур қизи Нодир ўқийдиган ўқишга кирармиш, энг муҳими, унинг бўйида бормиш... вуй-й, ота-онаси нима деган одам бўлади энди? Қишлоқ жойда қандоқ қилиб бош олиб юриди? Тагин раҳбар одам бўлса..."

Ҳа, қўйиб берсангиз, одамлар нималарни жавраб ташламайди, дейсиз. Сиз бошлаб берсангиз, яъни миш-миш учун сабаб яратсангиз бас, у ёғини ўзлари мустақил давом эттириб кетишади. Эслайсизми, бир машҳур кинофильмда шоҳ ҳузурда мусиқа чалиб кўнгил овлаётган муганнийлар ўзлари билмайдиган мусиқани чалишга амр этилганда "шоҳ"нинг "яқин мулозим"ига илтижо қилишади: "Сен бошлаб бергин, отахон, у ёғини ўзимиз обкетамиз!". Ёдингизга тушди-а? Ҳаётда ҳам одамлар тахминан шундай: сиз миш-миш учун ҳамиртуриш берсангиз бўлди, ўзлари ҳар хил қилиб нон ёпишволади, сиз мато олиб беринг, улар ўз бўй-бастларига кўра кийим бичиб олишади...

Нодир ва Нилуфарнинг одамларга олиб берган матоҳининг исми муҳаббат эди, тамом-вассалом! Бошқаси "Халқ оғзаки ижоди"дан ўзга нарса эмасди. Ҳа-да, Нодир бирон марта девор оша Нилуфарнинг олдига тушган эмас, девор оша фақат қизнинг хиргойиларига жон деб қулоқ осади, лекин уни кўриш учун

мўраламайди ҳам, кўпчилик бўлган оила аъзоларидан бирининг кўзи тушишидан кўрқанидан эмас, йўқ, ўзига эп кўрмаганидан, бундай муносабат билан Нилуфарга гап тегишини истамаганидан мўраламайди... Қолаверса, қиз билан дийдорлашиш у ёқда турсин, кўлини ҳам тутгани йўқ, ҳатто "Севаман!" деб айтгани йўқ. Аммо шун яхши биладики, Нодир қизни қанчалик севса, Нилуфар ҳам уни шунчалик, эҳтимол зиёदारоқ севади, йигит бунга шубҳа қилмайди. Нодирнинг кейинроқ англаб етганига кўра йигит ва қиз бир-бирини севса, бу муҳаббат ҳеч қандай гап-сўзсиз ҳам ўз-ўзидан тушунилиши шарт! Унга ҳеч ким изоҳ бермаслиги, бир тараф иккинчи тарафга "Сени севаман, сен-чи?" қабилда ёзғирмаслиги лозим. Йигит ва қизнинг ҳеч қандай келишувларсиз босган ҳар бир қадами, ҳар бир ҳаракати уларни зимдан бир-бировига тобора пайвандлаб бориши зарур... Ҳа-ҳа, айнан шундай ўйларди у. Чунки унинг пешонасига битилган муҳаббат ҳам айнан шундай тугилган ва шундай яшаётган эди...

Фурсат — югурик сув, ҳаш-паш дегунча Нилуфар ҳам Андижондан шаҳри азим Тошкентга келди, юридик институти талабаси бўлди. Энди у Нодир билан истаса ҳар кун кўриша олар, унинг кўзларидаги тубсизликка фарқ бўлиб, суҳбат кемасида уфқларга қадар сузиши мумкин эди. Бироқ йўқ! Олис Андижоннинг узоқ Мингтепасидан бўлган бу қиз ундай қилолмайди. Гарчи ўртада ҳеч бир томон кўнглига шубҳа солмайдиган бир самимият яшаса-да, Нилуфар қиз бола, ўз ифратини, қизлик ор-номусини сақлашга, Нодир билан муносабатида меъёрни сақлашга уринади. Ўз навбатида Нодир ҳам ортигини талаб қилмас, ҳафтада бир-икки кўриб, гаплашиш имкониятининг ўзи унинг бахтдан сармаст бўлишига етарли эди...

Шу зайлда кунлар кетидан кунлар, ойлари ортидан ойлари ўтиб, ёзга ҳам чиқишди. Нодирларнинг имтиҳони бир ҳафтача эртароқ тугади, лекин Нилуфарни кутиб қолди. Мингтепага у билан кетишга нима етсин!..

Ҳафта ҳам ўтди. Мана, ниҳоят, улар "Олтин водий" поездининг энг яхши купесидида чой ичиб, чақчақлашиб кетишяпти. Ҳамроҳлари элликлари қоралаган эру хотин. Яқинда Тошкентга узатилган қизини йўқлаб боришган экан.

— Бир олам хавотир билан келгандик, йўқ, Худога шукр, қизимни кўриб юзимиз кулди, — дейди икки гапнинг бирида аёл.

— Нима дегандим сенга, — дейди унга сайин эри, — кўрқма, қуда билан бирга ўқиганман, яхши, ўзимизга ўхшаган одамлар, қизимизни қизидек олиб юришади, демаганмидим?

— Дегандингиз, дадажониси, дегандингиз, лекин Анжон қаердаю Тошкент қаерда, қизимизни шундоқ узоқларга бевораманми, деб кўрққандим-да!

— Ҳозир сенга отабекларнинг замони эмас, кумушларнинг олдига бориш учун оилаб йўл юришга ҳожаат йўқ, — эр афтидан минг бор тақдорлаган эски пластинкасини яна айлантирарди, — поездга ўтирсанг беш-олти, самолётга ўтирсанг ярим соатда Тошкентга етасан. Агар шунисига ҳам чидамасанг, нима кераги бор қуда-анда бўлиб, а, тўғрими куёвбола? — У Нодирга фикрларини тасдиқлашиб олмоқчи бўлди.

Нодир индамай елка қисди. Нилуфар бир кўзгалиб олди.

— Қизим, сизлар бир жойданмисизлар а?

— Ҳа, бир жойдан, — деди қимтинибигина Нилуфар гап ўзлари томон буриляётганини сезганидан.

— Тошкентда ўқийсизларми? Қайсинда?

— Ҳуқуқда.

— Иккалангиз ҳамми?

— Ҳа...
— Зўр-ку! — деди аёл завқини яширмай. — Турмуш қурганларингга қанча бўлди?

— Биз... — Нилуфарнинг гапи оғзида қолди.

— Тўйимиз бир ҳафтадан кейин!.. — Нилуфарнинггина эмас, Нодирнинг ҳам юзлари қип-қизариб кетди бу кутилмаган гапдан.

— Вой, дадаси, буларни қаранг ширинлигини, ҳали тўйлари ҳам бўлмаган экан, биз бўлсак сизларни келин-куёв деб ўйлабмиз, вой, қандай яхши!.. — аёл негадир ўз-ўзидан жўшиб кетди, туриб Нодир ва Нилуфарнинг пешоналаридан ўпди. — Илойим, бахтли бўлинглар! Қаранг, дадаси, бирам бир-бирларига мос!..

11

— Қачон экан тўйимиз, мен яхши эшитмай қолдим? — Асакада поезддан тушиб, таксида уйларига келишаркан, Нилуфар Нодирдан гина қилиб сўради.

Нодир жавоб ўрнига жилмайди.

— Нега куласиз? — оху нигоҳлари билан боқди Нилуфар. — Жавоб беринг. Менинг ўз тўйим ҳақида билишга ҳаққим бордир, ахир қаерда ўқиётганимизни унутманг! Ўз ҳақ-ҳуқуқларимнинг поймол этилишига қараб турмасман!..

Нодир яна кулди. Бироздан кейин Нилуфарнинг ҳам юзларида табассум пайдо бўлди. Сўнг эса бадқовоқ ҳайдовчини ҳам унутиб, бир-бирларига қараганча қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишди...

12

Водариг, "Бир ҳафтадан кейин тўй!" деганда Нодирнинг гапига фаришталар омин деган экан, чинданам Нилуфарнинг уйида жуда ҳам яқинлашиб қолган тўй тадориғи кетаётган эди. Фақат бу тўй Нодир ва Нилуфарнинг эмас, Муроджон ва Нилуфарнинг эди!..

Нилуфарнинг тўйдан бутунлай хабари йўқ, деб бўлмасди. Отаси Камол ака ҳокимнинг ўғли Муроджон тўғрисида бир неча бор гап қистирганди. "Шундай йигит куёвим бўлишини орзу қиламан!" деганди. Хотинига ҳам ўз фикрини юқтирганди. Нилуфар, очиқ кунда гумбурлаган момақалдиқдек кутилмаганда "хужум" қилган "янгилик"дан эсанқираб қолган Нилуфар қиз энди хотирасини титқилаб, Муроджон ҳақида онаси Ҳилола опанинг ҳам ул-бул деганини эслади. Лекин буларнинг барчаси ўзига билдирмай, рухсат ҳам олмай тўй бошлаб юборишларига асос бўлмасди қизнинг назарида... Умуман, Нилуфар Муроджон ҳақидаги гапларни жиддий қабул қилмаганди. Ахир, ўқининг эндиғина биринчи йилини тамомлади. Қанақа тўй ҳақида ўйлаш мумкин?..

— Аяжон, нима қиляпсизлар ўзи? Мен... ахир одамман!?! — Кўзларидан беихтиёр қуйилиб келган ёшларга тиқилиб аранг деди Нилуфар, — тўғри, сизлар туғиб катта қилдиларинг, едириб-ичирдиларинг, тонмайман, бунинг учун бир умр хизматларингни қилай, лекин менинг ҳам кўнглим бор, мен ҳам умид билан яшаяпман, нима қилганларинг бу, аяжон?!..

— Қизалогим, йиғлама! Сен ҳали ёшсан, ҳаётнинг аччиқ-чучуғини, баланд-пастини яхши билмайсан. Даданг икковимиз шу ишни сен учун, сенинг келажагинг учун қилдик. Куёв болани яхши танимасанг, тўйдан кейин билиб оласан. Ота-бобомиз замонидан бери шундай бўлиб келган, сен ҳеч қуюнма. Дадангга тегаётганимда ҳам худди сенга ўхшаб йиғи-сиғи қилганман, мана энди мени дадангдан айириб кўр-чи!.. Кел ўзимга, қизим, сени кўп соғинганман. — Ҳилола опа Нилуфарни кучмоқчи эди, бўлмади: қизи тисарилиб ўзини орқага олди. — Нилуфа-а-ар! — ҳайрон бўлиб қўлини олдинга чўзди она.

— Йўқ, ая, бунақаси кетмайди. Мен ўлсам ҳамки, Муроджонга тегмайман!.. — борган сари ўзини йўқотиб бораётган Нилуфар жаҳл билан давом этди. — Ўзим тузукроқ танимаган, билмаган одамим билан қандай қилиб бир умр яшашим мумкин, ўйлаб кўрдингизми ҳеч? Ёки кўзларинг дадасининг мансабию, Муроджонга қолдираётган мол-дунёсидан бошқа нарсани кўрмай қолдимми?..

— Нилуфар!.. — Ҳилола опа бир ҳамла қилиб қизининг юзига тарсаки тортиб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Кейин зумда юрагини ёмон бир гашлик чулғаб олди. Бир қизига, бир очиқ кафтига боқиб гарангсиради. Ахир, у болаларини ҳеч қачон урмаган эди...

Нилуфар кутилмаган зарбадан юзини иккала кафти билан яширганча ўтириб қолди. Негадир йиғламай қўйди. Дастрўмоли билан аввал кўзларини, сўнг бежирим бурнини чимдиб артди.

— Аяжон, мен сизни, дадамни жуда-жуда яхши кўраман. Мени ҳам яхши кўришларингга ишонаман... Менга ёмонлик соғинмасликларингни биламан, — паст, лекин ишонч тўла овоз билан гап бошлади Нилуфар, узоққа чўзилган сукунатдан сўнг, — ҳаммаси учун ўла-ўлгунимча чўрингиз бўлишга тайёрман. Фақат биргина ўтинчим: мени мен севмаган одамга турмушга берманг! Бир умр кўнглим бўлмаган кишининг кўзларига қараш дўзахидан қутқаринг мени, аяжон!.. — Нилуфар бўсағадаги тупроқ жойда судралиб келиб, онасининг оёқларига сарилди...

13

— Бас, эшитишни хоҳламайман! — қаршисида йиғламсираб турган хотинига ўшқирди Камол раҳбар. — Қачондан бери ўзбеклар қизнинг кўнглига қараб турмушга берадиган бўпқолди? Қизбола деган аввал "Йўқ", дейди, йиғлаб-сиқтайди, лекин ахирги кўниб кетаверади. Ҳамма вақт шундай бўлган...

— Дадаси, ҳамма вақтийзи қўйинг, менга қизимнинг тақдирини ҳал қилиб беринг. Келгандан бери ўзини еб адо қилди қизи тушмагур. Унинг шашти ўзгача, ҳамма вақтингизнинг қизларига ўхшамайди Нилуфарнинг гаплари. Мундоқ ўзингиз ҳам гаплашиб кўринг, отасиз, ахир! Ҳадеб "Қизинг, қизинг!" дея мени оловга тикасиз. Менимча, ўйлаб иш қилиш керак, дадаси, йўқса, Нилу ўзини бир бало...

— Ҳе, нафасингни ел олсин сенинг! — Камол раҳбар хотинини жеркиб берди.

— Сиз шунақа дейсиз-у... лекин... лекин...

— Нима лекин? Латта чайнагандек чайналавермасдан шартта гапир!

— Нилуфар Нодирдан ўзгасига тегмайман деяпти... — Ҳилола опа рўмолининг учи билан кўзёшларини артаркан, яна ҳам қаттиқроқ йиғлади.

— Яна манави ялангоёқми? Падарлаънати! Неча марта айтдим яхшилиқча, "Одамлар гапиряпти, қизимдан узоқ юргин, барибир сенга бермайман, бекорга гап-сўз бўлганларинг қолади", деб. Ўзи билганидан қолмабди-да! Энди мендан кўрадаганини кўради! Сен бор, қизингни қақир, ўзим гаплашаман, шарманда қилмасин энди элу юртнинг ичида...

14

Камол раҳбар кўрдик, иш хотини ваҳима қилгандан ҳам жиддийроқ экан. Қизи билан одамзод ўйлаб топган ҳамма тилларда гаплашиб чиқди: тушунтириш, кўрқитиш, ёлбориш... Аммо бу тилларнинг ҳеч бири кор қилмади. "Отангман, муқаддас китобларда "Ота рози, Худо рози" дейилган, Худодан кўрқсанг, айтганимни қил.



Кўрқмасанг охиратинг куяди" деб ҳам кўрди, бўлмади. Ниҳоят, ошқора кўзига ёш олиб, "Қизим, тушунсанг-чи, кудамиз ҳазилакам одам бўлмаса, кимсан ҳоким тўра бўлса, биз хўп, деб қўйган бўлсак, энди нима бўлади? Одамларнинг олдида юзим шувут бўлиб, бу ёқда ишдан айрилиб қолмайманми? Ҳадеб ўзингни ўйлайвермай, укаларингни, синглингни ҳам ўйла. Ҳаммаларинг ўйлайдиган, чиқарадиган ёшга етиб қолдиларинг... бир ўзим ишлаётган бўлсам, қизим..." Йўқ, буларнинг ҳеч бири, ҳатто отанинг яноқларини ювиб тушган кўзёшлар ҳам қизнинг юрагидаги музни эрита олмади. "Нодирдан ўзгасига тегмайман, тамом-вассалом", деб туриб олди. Шундан сўнг Камол раҳбарнинг тарвузи қўлтиғидан тушди, "Йўқол, кўзимга кўринма!" деб бақирдию ичкари кириб бошини ёстиққа тикиб ётиб олди...

"Тавба, — дерди у ўзига-ўзи хотини ва қизи билан бўлган кўнгилсиз суҳбатларни мушоҳада қиларкан, — одамлар шунча ўзгариб кетдимиз ё биз замондан орқала қолдикми? Ахир, илгарилари қизбола деган "миқ" этмай тегиб кетаркан эди. Яна бахтли бўлганини айтмайсанми! Энди-чи? Тавба, деб ёқангни ушлашдан ўзга иложинг қолмапти энди... Йўқ-йўқ!.. — Камол раҳбар сапчиб ўрнидан туриб кетди. — Бу тўй бўлади! Қизимни сочидан судраб бўлса ҳам ҳокимнинг ўғлига бераман! Ахир, номус, болаларимнинг келажоғи... ўртада турганда бунақа сусткашлик қилиб бўлмайди..."

15

Бу вақтда Нодирларникида ҳам Нилуфарларникидан кам бўлмаган тортишув бораётганди. Чунки Камол раҳбар бир неча бор чиқиб Нодирнинг дадасини сиқовга олганди: тенг тенги билан, тезак қоғи билан қабилида кўп аччиқ гапларни айтиб, ўғлингни тийиб ол, бўлмаса қаматиб юбораман, дея дағдаға қилганди. Содда деҳқон одам бўлгани учун Абдуғани ака дарҳол ўғлини чақириб, Нилуфарга уйланиш ниятидан қайтишини ёлбориб маслаҳат берди. Нодир дадасининг гапларига "Майли, мен бир Нилуфарнинг ўзи билан гаплашиб кўрай" деб қисқагина жавоб қилди. Абдуғани ака у ёқда Нилуфарнинг нималар қилаётганини оз-моз эшитгани боис ўғлининг бунчалар осон ён босаётганидан боши осмонга етарчасига хурсанд бўлди. "Ота ўғил!" дея келиб, Нодирнинг манглайидан ўпиб ҳам қўйди. Ҳаёти давомида арбобларнинг қўлидан нималар келишига ўзи ва ўзгаларнинг тақдири орқали кўп бор гувоҳ бўлганидан юрагини чулғаб олган кўрқувни Нодирга билдирмай қўя қолди...

16

— Нодир ака, ота-онамиз нима қилишяпти ўзи, ҳеч тушуниб ололмапман! — куюниб гапирарди Нилуфар улар "Кичик Фарғона канали" бўйида кўришганда. — Сўрамасдан-нетмасдан, юзинг борми, кўзинг борми демасдан, орқаваротдан тақдирингни ҳал қилиб ташлаверишаркан-да? Китобларда Лайлию Мажнунни, Тоҳиру Зухрани ўқиганимда ғалати бўлиб кетардим. Хўп ситамкор даврлар бўлган-а, деб қўярдим ўзимга ўзим. Энди қаранг, ўшаларнинг қуни ўзимизнинг бошимизга тушиб турибди. Яна энг алам қиладигани, шу кунни менинг бошимга ўз ота-онам солаяпти. Тавба, орадан замонлар ўтмагандек, куйган кўнгиллар қисмати ҳеч кимга дарс бўлмагандек...

— Нилу, тўғриси айт, — деди кучоғида ёшли кўзлари билан ўзига тикилиб турган севгилисининг яноғига тушиб турган зулфини беозор ўйнар экан йигит, — фақат тўғриси айт, нима қилмоқчисан?..

— Муроджонга тегмоқчиман! — дабдурустан тўнини тескари кийиб, ёвқараш билан боқди Нодирга

Нилуфар. Ва шу заҳотиёқ инжа белларини кучиб турган бақувват билакларнинг бўшашиб кетганини сездди. Сездую ўзи ҳам айтилган гапнинг залворидан кўрқиб кетди. — Жиннимисиз?! — деди шошиб. — Мен... мен сизни дейман, ўлсам ҳам сизни дейман!.. — қиз уятдан "дув" қизарган юзларини йигитнинг кўкрагига босиб яширди ва шу ҳамоно боягина бўшашган билакларнинг белларида яна-да жипсроқ сарилганини ҳис қилди...

— Хайрият... Худойимга шўкур!.. — қизнинг қулоғига шивирлади йигит. — Мен кўрққан эдим... мен жуда ҳам кўрққан эдим... — овози титраб, нимадир бўғзига тикилди сўзларида адашиб Нодир...

— Нимадан... нимадан кўрққан эдингиз? — бошини кўтариб йигитнинг кўзларига меҳр билан тикилди қиз.

— Тақдир экан, нима ҳам қилардик, қўлимиздан нима ҳам келарди, дейишингдан, ота-онамнинг, удумларимизнинг ройига қарши боролмайман, кечиринг, дейишингдан... энг ёмони... сени йўқотишдан... сенга бўлган севгим билан ёлғиз қолишдан...

— Йўқ, йўқ!!! — йигитнинг оғзини кафти билан тўсди қиз. — Бас қилинг!

— Йўқ, йўқ, ҳалақит берма, сен бир зум тўхта, мен гапимни охирига етказай, — йигит қизнинг кўлларида тутиб ўпти, — йўқса, кейин мен бир умр пушаймон қилишим мумкин, эшитяпсанми, бир умр!...

Бу орада ўзбек ва қирғиз тупроғини қоқ иккига бўлиб ҳам айна чоғда уларни бирлаштириб оқаятган канал суви тобора пишқириб, гувланиб, кучайиб тўлғонарди. Сувнинг кўплигидан ва оқимнинг зўрлигидан канал ойнинг нурида худди оқ асов отдек ўйноқлар, зулматда сермалаётган порлоқ қиличдек ажабтовур ялтлар, кўзи тушган киши хаёлини соҳир хаёлларга етакларди... Лекин қиз ва йигитнинг бу билан иши йўқ эди, уларнинг томирларида яна-да азимроқ, яна-да асовроқ бир куч — Ишқ дарёси пишқириб оқаятганди. Бу дарё худди анави, икки айри-айри юртни бирлаштирган канал янглиғ йигит ва қиз отлиғ икки вужудни, икки алоҳида-алоҳида руҳни — икки рангин оламни бир этиб тўлқинланарди...

— Биласанми, — Нодир бурилиб, пишқириб оқаятган сувга юзланди, кўллари чўнтағига омонатгина солиб, — биласанми Нилу... — у гап тополмай ёки топган гапини айта олмай чайналарди.

— Нима, Нодир ака, нима!?!.. — қиз гўё қандайдир кўнгилсиз гап айтиладигандек чопиб келиб йигитнинг ён томонида тўхтаб сувга михланган нигоҳини тутишга уринди. — Ёки сиз ҳам дадам билан аямнинг гапларини айтмоқчимисиз, гапиринг тез, жим турманг, гапиринг! — Нодирнинг билагидан тутиб силкиди қиз.

— Биласанми, — Нодир кескин ҳаракат билан Нилуфарнинг иккала елкасидан тутиб кўзларига қаратди, — Муроджонга тегмай... кейин афсус қилмасмикансан? Ахир, унинг имконлари олдида мен бир фақир бўлсам, сенга, туғилажак фарзандларимизга берадиган, инъом қиладиган ҳеч вақоим бўлмаса!.. Борлиқ давлатим шу икки кўлим, — Нодир кўллари кизнинг боши узра кўтарди, — ва яна сени деб ураётган шу юрак бўлса!.. — шивирлади Нодир чап кўксини кафти билан тутиб.

— Энди сиз мени кўрқитяпсиз, — Нилуфар шовқин солиб оқаятган сувнинг бўйига яқинроқ келди, Нодир уни тасодифан сувга тушиб кетишидан худди асраб қолмоқчи бўлгандек орқасидан эргашди, — агар тақдиримда Муроджонга тегишдан ўзга йўлим қолмаса, шу қутуриб оқаятган сув мени ютсин, розиман!..

— Мени нотўғри тушунма фақат, Нилу! — Нодир келиб қизнинг кўллари тутди. — Бундай дейиш, олдиндан ўтиш... менинг бурчим эди. Чунки сен мени танлар экансан, Муроджондан, унинг ёнидаги чиройли,

дабдабали ҳаётдан ҳам воз кечган бўласан. Буни нима эканлигини мен жуда яхши тушунаман. Агар қароринг қатъий эса, кўнглингда ўзинг айтгандек, заррача иккиланиш, тараддулланиш бўлмаса, мен сенинг қаршингда, муҳаббатинг, беғаразлигинг олдида бош эгаман!.. Мана шу юксаклигинг учун, ҳар қандай эр-какни-да йўлда қолдириб кетгувчи жўмардлигинг учун, самимиятинг, севгинг учун... ҳамма-ҳаммаси учун агар сени бахтли қилмасам... мени ҳам шу тошқин, шу бебош сув ютсин, розиман!..

17

Сув бўйида севишганлар бир-бирларига ўла-ўлгунча айрилмаслик ҳақида оташин қасамлар ичишар экан, бу ёқда Нилуфарнинг уйида Камол раҳбар ҳоқимнинг одамларига бошига ўлим келса ҳам сўзидан қайтмаслигини такрорлар эди.

— Агар тўй бўлмаса, ўзингизнинггина эмас, ҳоқим тўранинг ҳам обрўсини тўккан бўласиз! Бунинг нима эканлигини, қандай оқибатларга олиб келишини тушунириб ўтиришининг ҳожати йўқдир? — ёши каттароғи Камол раҳбарнинг кўзларига маъноли тикилди.

— Йўқ-йўқ, ҳаммасини тушунаман, биламан. Кўнглингиз тўқ бўлсин! Одамларнинг гап-сўзларига ишонманглар, ҳаммаси рисоладагидек бўлади, ҳаммаси... — Камол раҳбар икки қўли кўксига, мезбонларни кузатиб чиқди.

18

Шундан кейин ҳаммаси ғоят жиддийлашиб кетди. Нафақат Камол раҳбару Ҳилола опа ўз қариндошларини кўшнилари билан, балки бутун қишлоқ ушбу оламшумул тўйга тайёргарлик кўра бошлади: ким меҳнати билан, ким зийнати билан, ким қўли билан, ким оёғи билан дегандек... Ҳудо қўл ва оёқдан "қисганлар" эса узун тили билан... Хуллас, бекор турган, бутун туманга донги кетиб улгурган тўйдан "куруқ қолаётган" одамнинг ўзи йўқ. Бундай дабдабаю асъасага дуч келгач, кечагина сув бўйида бир-бирларига ваъда бериб, озод ва бахтли келажаклари тўғрисида узун-узун хаёлларга толган Нодир ва Нилуфарнинг капалаклари учиб кетди. Улар бунақа бўлиши мумкинлигини етти ухлаб тушларида ҳам кўрмаган эди. Бир-бировларининг муҳаббатларининг чинлигига, софлигига амин бўлишгач, энди ҳаммаси хамирдан қил суғургандек осон кечади, уйга бориб ота-онамизнинг бағрида икки-уч дийдиё қилсак бас, Муроджон балоси бошимиздан арийди, дея хомхаёл қилишган эди. Энди... Энди маълум бўлишгач, улар нафақат ота-оналари билан, балки улкан бир қишлоқ, қишлоқ нима бўпти, бутун бошли туман билан келишиши, уларни ўз сўзларига ишонтириши, тўйларига розилик олиши шарт бўлиб чиқмоқда. Бу иш эса игна билан қудуқ қазишдек гап эди Нодир ва Нилуфарга. Шунинг учун ҳам улар чорасизликдан қарахт бўлиб, нима қилишларини, қандай тадбир билан тугунни ечишларини билмай ҳолсизландилар. Бошларига тушган мусибатдан, ноҳақликдан ҳатто бир-бирларига ҳам талпина олмай, ҳар бири ўз уйида, ўз ғамига ўрналиб, ёлғизлиб қолишди. Айниқса, Нилуфарнинг кўз ўнгига юз бераётган ва тобора мудҳиш тўйни яқинлаштириб келаётган тадориклар унинг бутун орзу-умидларини, орзу-умидлари не, олаётган нафаси зўрға сезилиб турган илинжини аямасдан қамчиларди. Нодир ҳам уйига қамалиб олиб, бағрини ерга берганча бир кўшиқни такрор такрор эшитар, эшитар, эшитарди...

*Дилимда қолмади тинчлик ва ором,
Талаб кетди ўшал маъшуқи Баҳром.*

*Салом еткур нигоримга сабо тез,
Бориб анга дегилки, эй дилором,*

*Қачон сендин йироқ бўлдим чунонам,
На хуш қолди, на қолди ақли ором.*

*Югурдим ҳар тараф мен мисли Маҷнун,
Тилимда Лайли номинг субҳидам шом.*

*Югурдим ҳар тараф манзил ба манзил,
Талаб айлаб сени эй чехраи гул.*

*На сендин бир хабар топдим, на пайғом,
На сендин менга соғар бор ва на жом...*

*Эй дилором, эй дилором,
Дилимда қолмади тинчлик ва ором...*

Йигит захга бериб ётган бағри қизигандан қизиб, чидаб бўлмас даражага етганда гилам узра муздекроқ жойни қидириб қоларди. Шу тахлит кўшиқнинг охиригача бир неча бор ер алмашар, муздек қоронғи хонанинг у четидан бу четига "ух" тортиб, судралиб бориб келаверарди... Нима қилсин ахир, Нулуфар уни севаман, сендан бошқасига ўлсам, ҳам тегмайман, дегани билан бу ёқда вазият ўзгариб кетди. Шундоқ кўшни эмасми, тўйнинг дабдабаси, чоп-чоплари, миш-мишлари Нодир ётган хонанинг тўртала девори аро сизиб кириб келаётгандек, у қанча бошини ёстиқ билан тўсмасин, магнитофон овозини борича баландлатмасин, барибир, бесамар, бенафlek, бутун қишлоқ, қишлоқ не, бутун дунё бир бўлиб жўр овоз-ла Муроджон ва Нилуфарнинг тўйидан гапираётгандек, уни овоза қилиб мақтанаётгандек туюларди. "Нилуфар охири таслим бўлган, йўқса, бунча дабдабаю асъаса қаерда эди?" деб мулоҳаза юритарди Нодир. "Онаси Ҳилола опа ҳам чиқиб шуларни айтди. "Нилуфар Муроджон билан тўйларига рози бўлди, энди уни бошқа безовта қилмас экансан, унинг ўзи мени олдинга чиқарди", деди. Бунга қишлоқни тутиб кетган тўйнинг "бадбўйи" ҳам далил... Шундан бери Нодирнинг ичига чироқ ёқсанг ёришмайди, шундан бери ўз хонасига қамалиб олиб, тобора қизиб бораётган кўксини захга бериб ётгани ётган, "Дилором" отлиг кўшиқни эҳтимол, мингингчи бор, ўнмингинчи, юзмингинчи бор эшитгани эшитган, онаси Салима опа олиб кирган, кираётган овқатларга мана, бир неча кундир, қўл ҳам тегизмайди, фақат куйиб кетаётган юраги ҳовурини босиш учун муздек сувни босиб-босиб ичгани ичган... Ўҳ, бу ишқ савдоси... Бундан оғир дард, бундан мушкул савдо бормикан ўзи дунёда? Агар бор бўлса, нега уларга чалинганда ҳам одамнинг яшагиси келаверадию, умидсиз ишқ гирдобига тушиб қолган кишининг кўзига ҳаёт қувончлари у ёқда турсин, ҳатто азиз жони кўринмай қолади?! Нега у бир зумда ҳамма нарсани ўзгартириб ташлайди? Кечагина ҳатто чумолига озор беришни истамаган киши бутун бутун дунёнинг оловлар ичида қолишига бепарво қарайди? Нега у инсон боласини ақлу ҳушдан мосуво этиб, фақат ўзининггина йўригига йўргалашга мажбур қилади? Нега одамзод унинг чангалидан қутулиб қолиш чорасини қидиришга ҳам қурб-сиз, мадорсиз бўлиб қолади? Нега, нега кечагина бахтдан маст, самоларда учиб юрган Нодир дунёсининг бутун оёғи осмонда? Нега?..



19

Нилуфарнинг ҳоли ҳам танг эди. У ҳам худди Нодир янглиғ ўз хонасига кириб, ўз дарду фарёдларига ипак қурт ипагига ўралиб олгандек ўралиб олганча тақдирдан куйиб йиғлар, йиғлаб куярди. Билганлар билиб индашмасди ёки насихатгўйлик қиларди, қизболанинг палаҳмон тоши эканлигидан тортиб, ота-онаю қариндош-уруғ хоҳишларига қарши бормаслигича, ҳамма-ҳаммасини айтиб, қисматга бўйин эгишга ундар, гоҳи-гоҳида раҳмлари келиб кучоқлаб-ўпиб ҳамдардлик кўрсатиб чиқиб кетишарди. Билмаганлар эса эрга тегаётган қизнинг кўргазмали нозига йўйиб, маъноли-маъноли кулиб, пичирлашиб-пичирлашиб қўйишарди. Ҳақиқий аҳволни эса ёлғиз Отлоҳ ва Нилуфарнинг ўзига биларди... Қизнинг болини худди минг йил тинимсиз қирғин бўлган юртдек қонталаш ва вайрон, умидсиз ва йўқсил эди. У ҳам неча кундир туз тотмас, уззу кун бир нуқтага тикилиб ўтиргани ўтирган, фақат... фақат аёл кўнгли билан аллақандай бир мўъжизани сезган каби эшик томон ишончсизгина қараб-қараб қўяр, сўнг... сўнг ҳолсизланиб ёстиққа ўзини ташлар экан, маънос кўзларидан сизиб ёш келар, келар ва яна келарди...

Ҳар сафаргидек эшик чертилиб, кимдир кирди. Нилуфар ёстиқдан бошини кўтармади ҳам.

— Жоним қизим, — ҳавола Нилуфарнинг уч-тўрт холаю аммаси билан етаклашиб келган Ҳилола опанинг синиқ овози титради, — овқатингни яна емабсан, бунақада касал бўп қоласан-ку!..

Қизидан садо чиқмади.

— Нулуфар, қизим, кўп ҳам куйма, ҳаммаси яхши бўп кетади, мана, буни мен — Ўлмас амманг айтаяпти. Гапимга ишон, сенинг ёшингда ким яхши кўрмаган дейсан? Манави холаларингни? Қўлтиғига кириб сўрасанг, ҳаммасининг ёшликда зимдан бўлса ҳам кўнгли қўйган йигитлари бўлганлигини шипшиб қўйишади. Лекин сўра-чи, қайси бири ўша севган йигитларига турмушга чиққан экан? Ҳеч қайсиси! Ҳаммаси ота-оналари танлаган куёвларга эрга тегишган. Энди айтинглар, ойимчалар, — Ўлмас амма бошини буриб ёнидагиларга қаради, — қайси биринглар турмушдан ёлчимадиларинг, қайси биринглар эрингни ёмон кўрасан?

— Вой, худойим, — деди кимдир уялинқираб.

Кимдир "пиқ" этиб кулди.

— Эрни ёмон кўриб бўларканми, ўйлаб гапиринг, Ўлмасхон, — деди шаддодроғи.

— Ҳа, баракал-ла-аа, — деди чўзиб Ўлмасхон амма.

— Сен ҳам, қизим Нилуфар, Муроджонни секин-аста яхши кўриб қоласан. Болали бўлганидан кейин эса Муроджондан ўзга эракани тасаввур ҳам қилолмайсан. Ҳаёт шунақа, қизим!.. — амма энгашиб Нилуфарнинг юзларига босилган кафтларини олиб қўймоқчи бўлди. Лекин Нилуфар бунга йўл бермади, юлқиниб бошини болишининг узокроқ томонига олиб қочди.

— Вой-бўу! — деди чўзиб холаларидан бири Нилуфарнинг қилиғидан норози бўлиб. — Намунча ноз қилмасанг?.. Бўлди, Ўлмасхон опа, бўлди, Ҳилола опа! Эрга тегаётганимизда ота-онамиз биздан сўраб ўтирганмидики, сизлар ҳам бунинг қош-қовоғига тикилиб турсаларинг. Сўранг, латта-путта олгани бозорга чиқадими, йўқми? Чикса, ноз фироқни йиғиштириб, биз билан юрсин, чикмаса, бир йкки-қўйлагини берсин, шунга қараб ўзимиз танлайверамиз...

— Кўпол бўлма, Сарви! — танбеҳ берди Ўлмасхон опа. — Қизим, — узалиб Нилуфарнинг бошини силади опа, — тур, туракол, холаларинг билан бориб эгнинига ул-бул олиб келгин, тур жоним!..

— Амма, — Нилуфар тилга кирди қўлларини юзидан олиб. Шу бир-икки кун ичида анча озиб, йиғидан, очликдан, севги ва севгисизликдан кўзлари киртайиб, ранги сомондек бўпқолганди қизи тушмагурнинг, — мен ташқарига чиқадиған, қўйлак танлайдиған ҳолда эмасман, илтимос, тушунинг...

— Кейин бошимизни қотириб юрма, униси ундоқ, буниси бундоқ деб!.. — гапини илиб кетди Сарви холаси.

— Жим бўл, Сарви!.. — уришиб берди Ўлмасхон амма. — Майли қизим, — Нилуфарнинг сочларини тағин силади, — биз ўзимиз билиб танлайверамиз, фақат сен ўзингни тут, бунақада чинданам ётиб қоласан... Ҳилола! — четда индамайгина бурнини тортиб, кўзёши тўкиб ўтирган онага юзланди амма. — Қани, кетдик. Нилуфарни ўз ҳолига қўйайлик...

20

— Ўғлим, Нодир! — Нодир ётган хонага аста кириб келди Абдуғани ака чуқур уҳ тортиб, сўнг хона чироғини ёқиб пойгакка оманатгина ўтирди. — Биладан, бу оғир савдо... Лекин қўлимиздан нима ҳам келарди?.. Биз камбағал, қўли қисқа одамлар бўлсак, Камол раҳбару ҳоким тўралар билан басма-бас келолмаймиз-да... — Абдуғани ака ўғлига зимдан қараб қўйди. Бағрини эрга бериб, бошини ёстиқ ичига кўмиб олган Нодирга бу гаплар қанчалик таъсир қилиб-қилмаганини билиб бўлмасди. — Лекин барибир яшаш керак! — негадир тишларини тишига босиб, муштларини қисди ота. — Одам боласи бир жойда тўхтаб қолмаслиги, бошига тушган кўргуликларга қарши, уларга аччиқма-аччиқ яшаш шарт, Нодир!

— Яшашни хоҳламаса-чи?! — ниҳоят тилга кирди Нодир бошини ёстиқдан хиёл узиб. — Яшаш учун ҳам қандайдир мақсад бўлиши керак-ку, ота!..

Ота-бола узоқ вақт жимиб қолишди.

— Худди чўлу биёбонда бир ўзимни ташлаб кетишгандек... ичим худди ўша қакроқ чўлдек хувиллайди... — ўзига-ўзи гапиргандек давом этди Нодир, — нималигини ҳам билмайдиганим бир оташ биёбон узра оғзидан олов пуркаётган куёшдек юрагимни, бошимни... бутун борлигимни куйдирмоқда... ўзимни пишқириб ётган сувларга отгим... ўлгим келяпти, ота, ўлгим!.. — Нодир юзини яна болишга кўмди.

Абдуғани ака бир сесканиб, томоғини қириб, кўзғалиб олди. Нима дейишини ҳам билмай устма-уст ютинди. Бирданига пешонасига тошиб чиққан терни елкасига ташланган дурра билан сириб артди, сўнг тамшаниб-тамшаниб оғиз очди:

— Ўғлим, ҳар-хил гапларни гапириб одамни кўрқитма! Сабр қил, дардини берган, шифосини ҳам беради. Фурсат... — отанинг гапи оғзида қолди: шиддат билан ўрнидан сакраб турган ўғил бир интилиш билан отанинг қаршисида пайдо бўлди-да "гурс" этиб тиззаларига чўкди:

— Ота.. Отажон!.. — Нодир отасининг оёқларини кучди. — Нима қилай, сабр қилолмаяпман, нима қилай, ичим ёним кетаяпти... Фурсат — шифо, дейсиз, лекин мендан сўранг... керамикан ўша шифо!? Ота, мени кечиринг, тузалишни, дардимга малҳам топиб одамлар орасига қўшилишни истамайман! Ўштитяпсизми, Истамайман!

— Ўзингни қўлга ол, Нодир, ўғлим! — ота ҳам тиззаларига ўтириб Нодирнинг билакларини маҳкам тутиб кўзларига қаради. Ё алҳазар, бу Нодирнинг кўзларими ё?. Улар аллақандай бошқача... аллақандай ёввойи... жунунваш... айна дамда одамни хуркитиб юборадиган даражада маъносизу даҳшатли эди... — Ўғлим, — ота унинг билакларидан силтаб ҳушига

келтирмоқчи бўлди, — эркакмисан ўзи!? Ўзингни қўлга ол! — Абдуғани ака Нодирнинг гапларидан, бир ҳафтадан буён хонасидан чиқмай, туз ҳам тотмай ётиб олганидан ўн кўрққан бўлса, ваҳшатли кўзларига қараб юз кўрққанлиги бутун ҳаракатларидан шундоқ билиниб турарди... — Аёлга муҳаббат қўйган бир сенми? Ёки қолганлар ҳам сенга ўхшаб ўзини ўлдириятими?.. Худди охир замон келгандек тутасан ўзингни!.. Уялмайсанми?..

— Охир замон?.. — отасининг сўзини илиб олди Нодир. — Тўғри топдингиз, ота, мен учун охир замон келди, у мана бу еримда, — Нодир қўлларини отаси чангалидан бўшатиб бағрига урди, — туриб қолди, ота!..

— Ҳаёт давом этади, Нодир! Униси бўлмаса, бошқасини севиб қоласан ҳали, нега ёш жонингга шунча жабр қиласан, ўғлим?..

Нодир чўкка тушганча миқ этмай қотиб турарди. Абдуғани ака ҳафсаласизгина кўзғалиб эшикнинг дастасини тутган кўйи бир зум ўйланиб қолди-да, деди:

— Бошига нима иш тушса ҳам эркак киши ўзини тутиши керак. Бу ҳам Яратганнинг бир синови: кимга мансабу бойлик бериб, кимга дарду қашшоқлик бериб синайди У. Ҳамма гап одамнинг синовдан олдинги ҳолида эмас, кейингисиде, болам. Агар жонингга қасд қилсанг, синовга дош беролмаган, енгилган, Худога ширк келтирган бўласан... Шунини унутма!.. — Абдуғани ака эшикни аста ёпиб чиқиб кетди...

21

Бу яхши гапларни, бу мантқиқли, фойдали, минг йил яшаб бир айтилган ўлмас ҳикматларни қани энди Нодир англаса, мағзини чақса, уларга амал қилса... Қани эди биз ҳам шу ерда ўз қиссамизни яқунлаб, фироқдан, мангу йўқотиш изтиробидан қахрамонимизни халос этиб, уй-уйимизга кўнгил тўқлиги билан тарқаб кетсак. Қани эди Нилуфар ҳам тақдирига кўниб, рисоладаги куёв Муроджонга майл билдириб тегиб, ўзига қўшиб ота-онасини ҳам масъуд этса, бу ёқда Нодир-да "оҳ" уриб ҳаммаининг кўнлига гулув солмай сабр қилса ва Нилуфардек ўзгасига дил бериб уйланса, қани эди... Йўқ-йўқ, юз бор йўқ, минг бор йўқ! Афсуски, йўқ... Не бахтким, йўқ!..

Кун кеч бўлди. Нодир отаси чошгоҳда чиқиб кетганда қай алфозда ўтирган бўлса, ҳозир — кун кечиде ҳам ўшандоқ; тиззалари устиде деворга қараган кўйи, бошини ҳам қилганча қотиб ўтирарди. У бир нарсадан бошқа — юрагини аёвсиз куйдираётган оловдан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нимани ҳис қилмас, қилолмасди. Абдуғани ака кўп яхши гапларни айтиб чиқиб кетди, лекин ҳикматни уқиб фикр қилиш учун Нодирда на ақл ва на куч бор эди. Ошиқнинг ақли ўрнида ҳам ишқ олови бўлар экан ва у даҳшатли ҳарорат ила эгасини жизнагини чиқариб куйдирар экан... Бу оловнинг таъсирида ошиқнинг яшашга кучи камаяр экан. Куч... Қанақа куч? Шу тобда ўзини идора қилиш учун Нодирда қурб ҳам қолмаганди. Ҳатто ноқулай алфозда деворга бақамти туриб қолганини ҳам унутганди бечора. "Ёнидаги тўшаққа гавдасини ташлаб юборса нима қилади?.." дейди шу тобда унга кўзи тушган ҳар қандай одам ажабланиб...

Оқшом онаси хабар олгани чой кўтариб кирганда эса у гиламда ҳушидан кетиб ётарди...

22

Кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар, йиллар... сўнгра асрлар кетидан асрлар... минг йилликлар кетидан минг йилликлар келиб кетаверар экан. Одамлар ҳам худди шуларга ўхшайди: авлодлар кетидан авлодлар алмашиб тураверади, тураверади. Лекин уларни бир-биридан фарқлантириб-ажратиб турадиган мақсад-моҳиятлари ҳам бор экан. Йиллар, асрлар, минг

йилликлар бир-бирдан ўз шаклу шамойили, мазмун моҳиятига кўра қанчалик ажралиб борса, одам боласи ҳам бир-бировидан шунчалик тафовуланиб тураркан. Кимдир бутун умрини товук катагидек келадиган дўконда қовоқларига дурбин қистириб соат ковлаб ўткавса, кимдир осмонўпар тоғликлар бағрида қўй-қўзиларни қувиб, ложувард уфқларгаю пиёладек-пиёладек келадиган зумрад юлдузларга тикилиб ўткавади. Бири соатнинг кўрсаткичига қараб тонг оттириб, кун боттирса, бошқасининг соати куёш ва ой бўлади. Шунга кўра соатсоз учун оддий ҳол бўлиб туюлган нарсалар чўпон учун тушуниксиз, чўпон учун қадрли нарсалар соатсоз учун уч пулга қиммат туриши мумкин. Лекин баъзан бир асрда, бир даврда ва бир мамлакатда бир хил шароитда яшаб туриб ҳам айрим одамлар тамоман бошқа олам бўлиб қолар эканки, бунинг сир-синоати қалбларнинг кашшофи ёлғиз Оллоҳ таолога махсусдир. Йўқ эса, бизнинг қаҳрамонлар нега ўз даврининг одамларига ўхшаб совуқ ақл билан, чуқур мулоҳаза билан иш тутмайди: кези келганда — дўппи тор келганда улардек кўнгила "Туф!" дея, бир-бировидан, ниҳоясиз изтироб келтираётган муҳаббатдан воз кечиб, шароитнинг, анъанаю удумларнинг, ота-онаю амма-холанинг хоҳишини қилиб кетавермайди? Ахир ҳамма шундай йўл тутаяпти-ку!.. Одамларга қарасангиз, қўллариде бутун бир бошли рўйхат юради: бўйи етган қизнинг қўлида йигитларнинг, бўйиғитнинг қўлида эса қизларнинг... Бир бошдан номзодларнинг фойдалилик коэффиценти диққат билан текшириб чиқилади. "Бу қизга уйлансам, ота-онасининг кўмағиде фалон жойга, пистон бойликка эга бўламан, валлоҳи аълам..." деб мулоҳаза юритади бугунги куёвлар. Келинлар-чи, келинлар? Улар куёвлардан қолишадими? Чувварани хом санаманг, дўстим... Улар яна-да устомон бўпкетишган. Улар ўтган аср келинларидек андиша қилиб ўтиришмайди: бўлажак куёвнинг баланд бўйию келишган қадди-қомати, олмосдек ақлидан ташқари қўлларининг "узун-қисқалиги"га асосий эътиборни қаратади. Ҳа-ҳа, ишонаверинг, сизнинг бахтли номзодингиз агар ўша рўйхатда бўлса, ўз бўйингизнинг баланд-падлиги билан бирга ота-онангизнинг ҳамёнларидан тортиб яшайдиган уйингизнинг бўйи-бастигача кўриқдан ўтиши шарт бўлади. Кўриқнинг шартлари аёвсиз: ўз бўйингиз тўғри келиб, уйингизники келмаса, тақдирдан ўпкалайверинг. Келин тушмагур ҳеч иккиланмасдан азиз номингиз устига чизиқ тортади ва навбатдаги номзодга "хумор" кўзларини тикади... Ана шунақа гаплар...

23

Аммо-лекин қахрамонларимиз Нодир ва Нилуфарнинг тутими ўзгача бўлди. На Нодир Нилуфарнинг раҳбар отасидан бирон манфаат кутар эди, на Нилуфар Нодирнинг камбағал оиласига келин бўлиб тушишдан ташвишга тушарди. Шу тобда уларнинг хаёлларидан ҳатто институтдаги ўқишу келажаклари билан боғлиқ режалари ҳам чиқиб кетганди. Фақат бир нарсаси — бирга бўлиш, бир-бирларига етишишгина бутун борлиқларини банд этган, банди қилган эди. Қолган ҳамма гаплар, ташвишлар улар учун ҳавода учиб юрган чанг заррасидек ҳам аҳамиятга эга эмасди. Алҳазар, ҳазор ҳазар, аммо шу тобда бир-бировларидан ташқари барча, бутун дунё ер қаърига ғарқ бўлса-да парволарига келмас, зарра эътибор қилмас ҳолдайди улар...

*Сен бўлсангу мен бўлсам мавжуд,
Бўлса яна қошот нобуд,*

дегувчи ҳолга тушгандилар улар... Яъни дунёда иккимиз мавжуд бўлсак ва иккимизнинг ишқимизга,



биргалигимизга, бахтимизга рахна солгувчи ҳамма нарса, жамики борлиқ, бутун коинот нобуд бўлса!.. Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ... Бу не ҳолким, бағрида киши бутун оламни унутгай? Олам не, ўзни унутиб, ўздан воз кечиб, ўзни тарқ этиб, ёр ишқининг қиличига ҳаётини ҳавола этгай! Бу не ҳолким, бандида киши ўз шаънини эсдан чиқаргай? Шаън не, исмини унутгай ва ёрининг номини айтиб маст юргай... Бу не ҳолким, қаърида киши бемор бўлгай ва бу не беморлиқким, хаста ўз дардини, дардини ва фақат дардини суйгай?..

Ҳа, Нодир бемор эди, Нилуфар бемор эди ва уларни ўз дардларидан ўзга ҳеч нарса қизиқтирмасди. Нодирнинг дарди Нилуфар, Нилуфарники Нодир эди. Уларнинг борлиқлари, дунёга келиб топган бирдан-бир бойликлари бир-бирлари эди... Нодирсиз Нилуфарга, Нилуфарсиз Нодирга дунёнинг нафақат қизиги, балки кераги йўқ эди... Нодирсиз дунё Нилуфар учун қуёшсиз ўлкадек зулматга ғарқ бўларди, Нилуфарсиз дунё Нодир учун ҳавосиз бўшлиқдек ўлдиргувчи эди. Бас, шундай экан, Нодир учун Нилуфарни, Нилуфар учун Нодирни йўқотиш...бу ҳар иккиси учун ҳам охир замон: дунёнинг остин-устин бўлиши билан тенг эди...

*Дунёга кеб топганим сенсан!
Йўқотганим ҳам сен дунёга келиб...*

деб айтган бўларди шу тобда агар улар шоир бўлганларида!.. Лекин улар шоир эмасди ва жимгина куярди. Куйиб сукут сақларди Нодир, сукут сақлаб куярди Нилуфар...

24

Бу ёқда эса карнай-сурнайини чалиб тўй бошланди...

25

Нодир эса бу вақтда касалхонада ётарди. Дўхтирлар дармонни унга осма уқоллару ҳапдорилар орқали беришга тиришардилар. Чунки Нодирнинг ўзи ҳали ҳам бир тишлам нон эмасди, истамасди. Устига устак, тилдан ҳам қолгандек гапирмасди. Маъносиз кўзларини шипга тикканча, айни чоғда бир неча чақирим наридаги тўйнинг ноғораю соғарасининг маҳз этувчи овозини эшитганча ётгани ётган эди. Фақат гоҳи-гоҳида бу кўзлардан яноқларни куйдириб ўтгувчи аччиқ ёшлар думалаб тушар, бошида йиғлаб ўтирган онаси ё синглиси қўлидаги дастрўмол билан артиб пиққиллашарди...

26

Қўлингизни беринг, ўқувчим, юринг, кетдик. Юринг, данғиллама тўйнинг сабабчиси, ҳамма атрофида гирдикапалак бўлаётган гўзал Нилуфарнинг ҳолидан хабар олайлик-чи! Балки ота-онасидан тортиб, дугонаю ўртоқларининг, қариндошу бегоналарнинг хушомадлари, қат-қат совғаю инъомлари унинг Муроджонга бўлган кўнглидаги муз тоғини эритиб юборгандир, бўлақолинг энди...

Қаранг-а, эшикни очиб, ташқарига бир одим отмай туриб, карнай-сурнайнинг садоси қулоқни қоматга келтиради. Бири Камол раҳбарнинг уйдан — қарши тарафдан келаётган бўлса, бошқаси ён маҳалладан — ҳоким тўранинг уйдан чиқаётганди. (Тавба, кимга аза, кимга тўй...) Нафсиламрини айтганда, мингтепаллиқлар анчадан буён бунақанги узўқора тўйни кўрган эмасди: қўша-қўша карнай-сурнайнинг, ноғораю дўмбиранинг оламни бузарчасига чалингани ўз йўлига, қишлоқнинг торғина чанг йўллари турли хил русмдаги машиналару шаҳарлик ва қишлоқлик

одамларга тўлиб кетганди. Худди чет эл киноларидаги гавжум кўчаларни ёдга соларди бу манзара. Хўш, нима бўлганда ҳам одамлару машиналар оралаб, сўнг тир-банд остонани аранг ҳатлаб Нилуфарга интиламиз. Бир-бирига гал бермай, худди арилардек тўзиб, тартибсиз равишда кириб чиқаётган қиз-жувонларга туртиласуртила амаллаб "келин"нинг бўлмасига етиб оламиз. Очиқ эшикдан шундоқ кўриниб турибди: Нилуфар тиззаларини кучиб, юзини тиззаларига босиб ўтириб олган, тепасида қўлларига оппоқ фатани ушлаб олган тўрт-бешта аёл ниманидир жон куйдириб уқтиргани уқтирган, лекин улар ҳар қанча зўр беришмасин, Нилуфарнинг боши "Йўқ!" маъносида сарак-сарак бўлгани бўлган эди... Йўқ, ўқувчим, сизни мен ортиқ бу жон ўртар манзара қаршисида тутиб туролмайман. Нилуфарга қўшилиб менинг ҳам юрагим "тарс" ёрилиб кетай деяпти, ҳаво етишмай қолди бу ерда, юринг ташқарига, юринг Мингтепанинг кўм-кўк далаларига...

27

Қаранг, бир-бирларига улашиб кетган боғлар нақадар гўзал! Худди жаннатдан бир намунадек жон олгучи, кўз яшнатгувчи, дил сайратгувчи!.. Хилма-хил дарахтлар бағрига ғарқ бўлган қишлоқни қолдириб ажабтовур тарзда кўм-кўк далалар, қулоққа хуш ёқиб оқаётган катта-кичик ариқлар, улар ёқалаб экилган тутзорлар, теракзорлар бўйлаб борар эканмиз, саратон қуёшидан бўғриққан, толиққан, исиблар кетган бутун вужудимизга майин салқинини сочиб, пишқириб ётган сувга — дарёдек буралиб-буралиб оқаётган сурсув, сергулув каналга яқинлашамиз. Ва... ва ортимизда қолган Нодир ва Нилуфарнинг дардларидан озурда бўлган қалбларимиз роҳатбахш тин олиб ўзига кела бошлайди. Қаранг, олам унчалик қоронғи ва зулмор эмас экан!.. Унда кулишга, севинишга, ҳайратланишга имкон ва жой бор экан... Қаранг, гўё ҳеч кимни тан олмайдигандек, ўз кучи ва қудратидан жўшиб, тўлқинланиб, пишқириб оқаётган бу асов сувга қаранг, кўзларингиз тиниб кетади. Қаранг... Воҳ!.. Ким бўлди булар!.. Қудратингдан! Нодир билан Нилуфар-ку! Нега улар сувнинг икки қирғоғида? Нима қияпти улар бунда!? Қандоқ келишди? Нега келишди? Тўй нима бўлди? Одамлар қани?.. Тавба, анави каналнинг ҳар икки четидан шовқин солиб келаётганлар Нодир билан Нилуфарнинг қариндошлари эмасми?.. Худди ўшалар! Яна тўйдаги ҳангоматалаблар ҳам шунда-ку!.. Воҳ-воҳ...

Нодир ва Нилуфар аранг чошиб келардилар. Бу кетишда ҳаш-паш дегунча ортларидан қувлаётган оломоннинг ҳатто энг қариси ҳам, энг бетиби ҳам уларга етиб оларди. Шунинг учун соч-соқоли ўсиб, кўзлари ич-ичига ботиб кетган, ранги ўчган касалхона кийимидаги Нодир ҳам, оқ кўйлақ — дугонаю холалари ниҳоят зўрлаб кийдиришган фатаси чопганида озгин баданига чиппа ёпишиб халлослаб бораётган Нилуфар ҳам вақти-вақти билан тўхтагандек бўлиб бир-бирларига талпинишар, сувга қараб интилишар, лек тобора яқинлашиб, "Қув, нобакорни!", "Ушла беномусни!" дея бостириб келаётган одамлардан кўрқиб яна югуришда давом этишарди... Бироқ... бироқ бир неча ҳафтадан буён деярли ҳеч нима емаган, дарду аламдан, очлигу дармонсизликдан бир аҳволга келиб қолган Нодир билан Нилуфар қачонгача ва қаергача қочиб борарди, дейсиз. Улар кучсизликдан гоҳ ўз оёқларига ўзлари чалишиб йиқилар, гоҳ эса худди бошлари айланаётгандек вужуд мувозанатини йўқотар-да олдинга мункиб тупроқ билан бирма-бир бўлишарди. Бу орада эса бақир-чақир қилиб оломон етиб кеб қолди. Воҳ, энди ҳаммаси тамом! Нодир ва Нилуфарнинг ҳолларига вой! Уларнинг аянчли

севги киссаси шу ерда якун топди, воҳ, воҳ!.. Чунки энди қутурган оломон қиз билан йигитни соғ қўймайди: ё сочларидан судраб бориб бирини Муродга эрга беради, бошқасини эса эл аро сазойи қилади ёки иккисини ҳам шу ернинг ўзида тошбўрон қилиб кўмиб кетади!.. Алвидо, эй севишган ғамгин диллар, алвидо, эй севгидан ўзгасини тан олмай манфаат ва ҳисоб-китоблар қули бўлмиш оломоннинг юзига сачраган тоза туйгулар! Алвидо!!!

Оломон етиб келди. Ана у, ана! Бир-бирига гал бермай олдинга ошиқаётган, худди оғир гуноҳ қилган жиноятчига биринчи бўлиб мушт туширгиси келгандек муштарини ҳавода ўйнатаётган кўзи қон ва жаҳолатга тўлган оломон ана! Баъзиларининг қўлларига ҳатто калтак, тош ҳам кўринади... Нега? Ахир улар орасида Нодир ва Нилуфарнинг қон-қариндошларию жон дўсту дугоналари ҳам бор-ку! Нега уларнинг ҳам қўлларига тош ва таёқ? Наҳотки улар-да ўз жигарбандларию дўст-биродарларига қўл кўтаришга қодир бўлишса! Йўқ-йўқ, бу мумкин эмас! Бироқ нега келишди? Нега уларнинг ҳам қўллари ғазаб билан тугилган? Билмадим, ечолмадим мен бу жумбоқни, ўқувчим! Ўзгаларнинг фикри, дунёқараши, кайфияти сеникидан бошқача бўлганда уларга душман кўзи билан қараш одатини ҳазм қилолмадим мен, дўстим! Бу дунёда ҳар кимнинг ўз карвони, ўз йўли ва манзил-муддаоси борлигини ҳамда буларнинг бари бизникага ўхшаши шарт эмаслигини қачон тушиниб етаркин бу оломон, а?!..

Воҳ, жигарим, гап билан бўлиб ғафлатда қопмиз... Бу тентак Нодир билан Нилуфар нималар қилишмоқчи ўзи? Нега улар бир-бирларига талпина-талпина нақ сувнинг — қутириб, буралиб-буралиб, айланиб-айланиб, гувиллаб-гувиллаб оқаётган азим каналнинг шундоқ тумшугига келиб қолишибди! Ахир, тушиб кетишлари мумкин-ку!.. Нега, нега бу гап уқмас, "Сувда чўкмас, ўтда ёнмас" оломон тўхтамайди! Нега, нега ўз болажонлари, ўз жигарбандлари, ўз биродар ва ўртоқжонлари жар ёқасида турганликларини англамайди! Нега улар юраксиз ва ақсиз махлуқ каби жонлари қил устида турган ўз полапонлари сари бостириб бораверади, бораверади?..

Нодир ва Нилуфар! Нилуфар ва Нодир!.. Улар шундоқ пишқириб оқаётган сувнинг лабида, фақат бири у томонда бўлса, бошқаси бу ёқда эди. Уларнинг кўзлари на қутуриб оқаётган дарёда ва дарёдан-да баттар оломонда, балки бир-бирларида эди... Соғинишганди... Ичикишганди... Энди бир-бирларига боқиб тўйишмасди гўё. Қўрқув ва ҳаяжондан вужудлари дир-дир титрар, лекин умид ва муҳаббатдан кўзлари чақнаб турарди.

Оломон!.. — паъдарига лаънат шу оломоннинг!.. — ўз табиатига содиқ қолди-да, ўз жоҳилликлари ва қизиқишларининг, жирканч эътиқод ва аъмолларининг ўлжаси — исёнкор севишган диллар сари чанг солди ва... Ва ҳаммаси тамом бўлди: Нодир ҳам, Нилуфар ҳам бир зум ҳам тараддуланмасдан, иккиланмасдан ўзларини кутариб оқаётган сувнинг қаьрига бараварига отдилар!.. Ҳа-ҳа, айнан шундай қилдилар! Чунки орқадан пусиб-бостириб келаётган оломон ана ўша қутуриб оқаётган сувдан-да кўрқинчлироқ эди улар учун! Оломон-чи? Бу орада унинг нафаси ичига тушиб кетди. Фақат бир неча муддатдан кейингина саросима ичра "Оҳ!!!" лаб юборди. Кимдир бошини чангаллади, кимдир чўккалаб ўтириб қолди ва яна кимдир қутирган тўлқинлар бағрида кўтарилиб-тушиб оқиб бораётган ошиқ ва маъшук билан баравар чопиб борарди. Аслида, чопиб бораётганлар ҳам икки катта гуруҳга бўлинарди: бирлари ёрдам бериш, бошқалари томоша илнжиди. Ўҳ-хўў, буларни айтман десак, қоғоз етмайди, қоғоз етса, фурсат... Яхшиси,

Нодир ва Нилуфарга қайтайлик. Бу ерда гапиришга ва эшитишга арзигулик битта мавзу бўлса, у ҳам Нодир ва Нилуфарга тегишли: Ишқ! Уларнинг гавдаларини қудратли тўлқинлар учириб-учириб юборар, бошлари дам сув остига кириб-кириб кетар, дам ундан чиқиб кўриниб оқарди. Шунда Нодир ҳам, Нилуфар ҳам бир-бирларига талпиниб тобора яқинлашишга уринаётгани маълум бўларди. Лекин асов сувни енгиб, топишини, бир-бирларининг соғинган, интиқ бағирларига кириш осон эмасди. Ана етдик, мана топдик, деганда қутирган тўлқин бир ҳамладаёқ ҳар иккисини қарама-қарши томонларга сочиб юборарди. Кейин яна ҳаммаси бошидан бошланарди...

Бу орада қош қорайиб, қуёш узоқ уфққа бош кўяётган, атрофга водий ёзининг фусункор оқшоми чўкканди...

Нилуфар ва Нодир ҳамон оқиб борарди. Оломон ҳам ҳайҳотдек канал бўйлаб сочилиб кетганди. Улар қийқиришар, йиғлашар, қарганиб сўқинишар ва орасида сувга қараб шох-шабба, ёғоч ва ғўла отишар, шу йўсин оқиб кетаётганлар жонини кутқариб, виждон азобидан халос бўлмоқчи ҳам бўлишарди. Лекин сувдагилар буни на билишди, на сезишди. Чунки оқим жуда катта, тўлқинлар қудратли эди. Уларнинг бутун диққатлари фақат бир-бирларига қаратилган, бундан ўзга нарсани — бутун дунёни унутишганди. Шунда ҳам кўп марта бир-бирларини йўқотиб қўйишди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Кучли, асов тўлқинлар уларни айириб ташлади. Улар узоқ муддат бир-бирини кўрмай оқишди. Ютоққан тўлқинларга қарши кураш ҳеч қандай самара бермади. Улар бунча ҳаракат билан аллақачон қирғоққа ҳам чиқиб олишарди. Лекин хоҳлашмади. Нилуфарсиз соҳил Нодирга, Нодирсиз нажот Нилуфарга керак эмас эди! Чирпиниб Нодир баланд-баланд тўлқинлар ортидан Нилуфарни излади, Нилуфар эса Нодирни! Йўқ! Ҳар қанча уринишмасин, улар бир-бирларини топишолмайди. Ҳайҳот!!! Ва дунё ўз қийматини йўқотди! Шу тобгача бор эди ўша қиймат, энди эса йўқ! Шунча оқиб келишди, бор эди, кутқарган тўлқинлар ҳам маҳв этолмаганди, энди йўқ! Шунда Нодир англадики, дунёнинг қиймати Нилуфар экан, Нилуфар тушуниб етдики, Нодир экан!!! Нилуфарсиз дунё жонсиз вужуд, Нодирсиз дунё эса қуёшсиз олам экан!..

— Ни-лу-фаар!!! — чақирди жонининг борича Нодир.

— Но-диир!!! — чақирди жонининг борича Нилуфар.

Йўқ, улар бир-бирларини эшитмади. Лекин уларнинг қалбларини ёриб чиққан довлари Худойимга етиб борди. Уларни Худо эшитди! Йўқса, шундай бўлармиди, айтинг! Йўқса, тилсиз-қулоқсиз тўлқинлар тоғдек юксалиб, қутирган сувнинг икки бетида оқиб бораётган озурда дилларни, мадорсиз вужудларни бир-бирининг бағрига келтириб ташлармиди? Айтинг!.. Йўқ, айтолмайсиз, тушунтириб беролмайсиз бунинг нелигини! Менинг ҳам тилларим тугилган, ақлим лол, фикрим тор... Аммо муҳими, бу эмас! Муҳими, ана улар! Қаранг, қандоқ хурсанд, қандоқ нашали улар! Гўё оламда улардан бахтли одам йўқдек бир-бирларига суйқалишади, кулишади, титрашади... Фақат... фақат нега улар энди ўз жонларини қутқариб қолишга талпинишмайди, нега бир-бировига чирмашган кўйи ўзларини оқимнинг ихтиёрига ташлаб қўйишди, нега? Мадорларими қолмади ёхуд иккала қирғоқда баравар чопиб бақириб келаётган оломоннинг қўлига қайта тушгиси келмадим, нима бўлди ўзи, айтинг, тушунтириб беринг! Наҳот улар бир-бирларига етганда

ўзларини ҳалок қилишса? Шунча воқеадан кейин балки оломон ҳам эсини йиғар, Камол раҳбар ҳам инсофга келар-да, Нодир ва Нилуфарга оқ фотиҳа тилар... Фақат нега, нега улар қирғоққа сузишмайди, нега жимгина оқиб боришяпти!?!.. Ахир анави тўлқинлар уларни ютиб кетишади-ку!.. Ана, ана!!! Эҳтимол, шунинг учун ҳам Лайли Мажнунга қараб "Сен бўлсангу мен бўлсам мавжуд, Бўлса яна коинот нобуд" дея илтижо қилган экан-да. Чунки севишганларнинг ишқига дунёнинг ўзи гов бўлишини Лайли ўз тақдирлари ҳал бўлмасдан анча илгари англаганга ўхшайди. Ўзлари мавжуд бўлиб, бутун коинот нобуд бўлган тақдирдагина бирга, бахтли бўлишлари мумкинлигини, акс ҳолда ўзлари нобуд бўлишларини билган экан, оҳ!..

...Нодир ва Нилуфарнинг бир-бирларига суяниб қолган бошлари тўлқинлар аро бир кириб, бир чиқиб кўриниб борар ва тобора узоклашган сари биттага — ягона борлиққа айланиб борарди. Улар энди атрофни, оломонни, оламни нутишган ва ҳеч қандай ҳаракат қилишмасди. Ким билади дейсиз, уларнинг ҳаётдаги энг бахтли дамлари айна шу бир неча дақиқада кечгандир... Ва шу дамни шундоқ ҳам омонат жонни қутқариб қолишга сарфлаб бузишни исташмагандир. Худо билади, қирғоққа чиқиб қутулган жонларида яна шундай бахтли бўлиш имкони бўладими-йўқми?!.. Нима бўлганда ҳам ўлимкор тўлқинлар Нодир ва Нилуфарнинг мунгли ва мағрур бошларини мангуга ғарқ этганда улар бир-бирларининг кучоқларида масъуд эдилар...

...Халлослаб, шовқин солиб келаётган оломоннинг тарвузи қўлтигидан тушиб, таққа тўхтади. Энг олдинги сафда турган Камол раҳбарнинг қўлидаги калтак сирғалиб тушди, сўнг ўзи ҳам унинг қаторига хушсиз йиқилди...

28

...Ана шунақа, ўқувчим. Ушбу қайғули, лекин мағрур жарангловчи севги қиссаси мингтепаликларнинг хаёлини мана, қарийиб ўн йилдир, ҳеч тарк этмайди. Аксинча, ҳар замон ҳар замонда у ёки бу ошиқ-маъшукнинг тақдирлари орқали яна тилларга тушади, қайта ва қайта ҳикоя қилинади. Энг қизиги, ҳар бир ҳикоячи уни ўз кўзи билан кўради, ўз назари билан муҳокама этади ва ўз ҳукмини чиқаради. Худди бизнинг қорамгаиз, шаҳло кўз Азиза каби ота-онаю урф-анъана томонда туриб олганлар қанча бўлса, Самандар янглиғ мутлақ муҳаббатни ҳимоя қилиб гапирадиганлар ҳам шунча эди. Аммо ҳамма бир нарсада гўё яқдил эди: севги деганлари бу — шунчаки ёқтириш, шунчаки бир бирларига маҳлиё бўлиш ва шунга яраша оҳ-воҳ эмас экан. Йўқ! Юз бор йўқ, минг бор йўқ!!! Севги учун киши баъзан нафақат дунёнинг кўз олувчи нағмаларидан, мансабу мартабасидан, бойлигу асъасасидан, балки ширин жонларидан ҳам воз кечишлари мумкин экан! Бунингтепаликлар ўз кўзлари билан кўрди, ишонди ва иймон келтирди. Инсон балоғатга етгач, ён-веридаги йигит ё қизга кўнгли ийиб, васлини талаб этиб, эҳтирос билан боқишлар, талпинишлар... сўнг ақл кириб, совуқ мулоҳаза билан иш кўриб, ижтимоий мавқедан келиб чиққан ҳолда ота-онаю қариндош-уруғ йўриғига юриб, бошқаси билан турмуш қуриб кетишми ё тарозунинг бир палласига бутун дунёни, бошқасига севгисини қўйиб, "Танла!" дейишганда, ҳеч аксикланмасдан

муҳаббатининг қошида тўхташми? Қайси бири чинакам севги, ҳақиқий ишқ эканлиги мингтепаликлар учун энди сир эмасдек гўё! Энди уларнинг хаёлларини севги тўғрисидаги бўлар-бўлмас, юзаки чўпчаклар билан алдаш қийин! Энди улар замондошларининг севги бобида "ўлдим, куйдим!" дейишларига синовчан боқишади-да, "Сабр қил, ўтиб кетади, ўтиб кетмаса, кейин гаплашамиз", қабиллида ҳаракат қилишади. Ва ким бўлишдан қатъи назар, ҳаммининг муҳаббатини истар-истамас Нодир ва Нилуфарнинг тилларда дoston бўлган ишқ афсонасига чоғиштиришади, мулоҳазалар қилишади, хулосалар чиқаришади. Албатта, қарашлар ҳар хил, лекин уларнинг барчасини бирлаштирадиган битта томони бўлади: мингтепаликлар Нодир ва Нилуфар севгисига ўзлари билиб-билмай кўнгли қўя бошлаганди. Ораларидан ҳатто танқид кўзи билан қаровчилар ҳам ўз дилларининг туб-тубида бу улкан, бу оташин ва бу қайтмас муҳаббатга нисбатан хурмат ва эъзозни сезиб яшашади. Энди Мингтепада нима қийин?! Гапнинг индаллоси, қойиллатиб севиш қийин. Севганда ҳам Нодир ва Нилуфарнинг ишқлари қаршисига бориб бўйлашиш қийин!..

29

Товдан қанча узоклашсанг, унинг салобати, ҳайбати, улғуворлиги шунча юксалади, дейишади. Аввалига ширин ва қайғули эртақдек онасидан такрор ва такрор эшитган севги қиссасининг қиймати Самандар учун йиллар ўтган сайин орта борди. Худди ортда қолган Ватаннинг қадри вақт ўтган сари билиниб, юксалиб боргани каби унинг ҳам юрагида бу мунглиғ ва дилрабо дostonга нисбатан айрича меҳр аланга олиб ёнди. Фақат бу эмас. Нодир ва Нилуфарнинг севги дostonи — Мингтепада энг тансиқ, энг хуш тасмадек қайта-қайта эшитиладиган дoston Самандарнинг юрагини, ҳа-ҳа, айнан мурғак юрагини тарбия қилди. Китоблар, Лайли ва Мажнун каби қўлидан тушмайдиган дostonлар, кейинроқ — Самандар юқори синфга ўтиб, анча эсини таниб қолгандан сўнггина унинг онги ва қалбини ром этди. Аслида, Мажнун ва Лайлининг тилидан айтилган севги изҳорлари, изтироб ва оғриқлари Нодир ва Нилуфарнинг ҳолатига мос тушганлиги, магар улар шоир бўлганларида ўз кўнглиларини айнан мана шундай ўтлиғ мисралар орқали тўкиб солишлари мумкинлиги учун ҳам у бу дostonга меҳр боғлади. Ва Самандар уни бошдан оёқ ёд олди. Унинг назарида Нодирни Мажнундан, Нилуфарни Лайлидан ажратиш бўлмасди. Улар ўз ҳолатларида — ишққа чўмган, ишққа ғарқ бўлган ҳолларида тенгдирлар, бирдирлар!.. Мана, кўрмайсизми, шу тарбиянинг оқибатида Самандар Азиза билан тортишиб, бечора қизнинг кўнглига қарамай, ҳатто уни оғритиб, тескари қараганча Мажнуннинг оху воҳларини ўз-ўзига айтиб борапти:

*Лайли ишқин танимда жон қил,
Лайли шавқин рангимда қон қил.*

*Дардини нажотим эт, Илоҳий,
Ёдини ҳаётим эт, Илоҳий!..*

Йигитнинг кетидан изтироб билан қараб қолган қиз намланган кўзларини яшириш учун пахта теримига унаб кетди...



Фарид УСМОН



ТАНҲО АНДИЖОН

Ватан бағрида сен, эй юрт, дуру дурдонасан танҳо,
Чиройсан Ўзбекистонга — гўзал жононасан танҳо.

Майиндир кўлларинг ҳам кўзларинг теран, юзинг равшан,
Мулойимсанки мен фарзандингга чин онасан танҳо.

Баландпарвоз қуруқ ташбеҳ керакмас таърифинг учун,
Ватан бағридаги юрлар мисол уй — хонасан танҳо.

Кучоғингда туғилганлар суярлар онамиз деб чин,
Ҳама бу андижонликлар учун қошонасан танҳо.

Уйин остонасин доим муқаддас деб билар эл, рост,
Ватан қошонасида бахти бор остонасан танҳо.

Сабабки, пешқадамсан Ўзбекистон ичра ҳар ишда,
Ҳақиқий марди майдон, паҳлавон мардонасан танҳо.

Заҳриддин Муҳаммад Бобуринг, Чўлпонларинг фаҳринг,
Мунаввар шаъмдирким улар, парвонасан тинҳо.

Ҳама вақт Андижон деб сўзласам кўнглим кетар яшнаб,
Судув водий қучоғида гўзал гулхонасан танҳо.

Навоий нутқиға рост бўлганиндан бошим осмонда,
Чаманинг хушбӯв булбулига ошиёнасан танҳо.

Кўёш сендан чиқар гўё, чиқар ой — кечалар нурли,
Фалак юлдузлари сочқин азжиб нурхонасан танҳо.

Демак маддоҳлик этмак фурсатимас энди, эй юртим,
Бу бағрим оташистони аро сен ёнасан танҳо.

Чиройли йўлларинг нурли, шлоҳо шундайин бўлсин,
Ахир, сен онасан танҳо, ахир, сен онасан танҳо.

Уриб бош бир умр айлай тавоф, юртим, сени, чунки
Ватан қошонасида беҳтиёр қошонасан танҳо.

Зафар қучсанг яна, эй пахтакорим, хирмонинг тоғ-тоғ,
Ярашгансан шунинг-чун ушбу кенг майдона сан танҳо.

Гурурим, ифтихорим, Андижоним, жонажонимсан,
Фаридга офтоб, ой ҳамда еру осмонсан танҳо!

Андижон деб сўзласам кўнглим кетар яшнаб...



* * *

Бу олам ишига ҳайрон бўлинг дўстлар, бўлинг дўстлар!
Ёмон ишдан дили вайрон бўлинг дўстлар, бўлинг дўстлар!

Бу дунё ичра не яхши, ёмон идрок қилинг ҳукми —
Яратган ҳукмидан сўзон бўлинг дўстлар, бўлинг дўстлар!

Мунаввар чеҳрадирсиз, бир-бирига хуш нигоҳлисиз,
Гўзал кўзга гўзал мужгон бўлинг дўстлар, бўлинг дўстлар!

Ўзинг бир-бирларингизга доимо ёрдам кўлингизни,
Нима мушкулки бор осон бўлинг дўстлар, бўлинг дўстлар!

Шу миллат деб куйинг, ҳам ўртанинг, чойдиш бўлиб гўё
Варақлаб қайнангу қумғон бўлинг дўстлар, бўлинг дўстлар!

Ёруғ оламни ер ё осмонсиз ҳеч билиб бўлмас,
Бирини еру, осмон бўлинг дўстлар, бўлинг дўстлар!

Вужудсиз тан билан жонни ўзига бир бутун тутган,
Бирингиз тан, бирингиз жон бўлинг дўстлар, бўлинг дўстлар!

Омон сақланг ўзингизни — омон бўлсин ҳамма яхши,
Ёмонликдан мудом омон бўлинг дўстлар, бўлинг дўстлар!

Насиҳатмас, Фарид, бу англаган зотларга бир даъват,
Яратган ҳукмидан сўзон бўлинг дўстлар, бўлинг дўстлар!

* * *

Сочларингни сийпалай кўзларга суртиб толасин,
Кўй дема, ранжитма жонон мен — ғарибнинг боласин.

Иккимиз йўқ, икки олам оқибат ғарқ бўлгуси
Шашқатор айлаб оқизсам кўз ёшимнинг жоласин.

Арзи ҳол этсанг сени ҳеч тингламаслар кўп эрур,
Тинглагин энди ўзинг шайдойи кўнглим ноласин.

Аслида шафқат қутиш бегоналардан расм эмас —
Йўқламай кўйди жиян хатто қадрдон холасин.

Эй нигор, шайдойи дил гўёки пайҳон лозазор,
Қил томошо мунғайиб қолганда қирлар лоласин.

Юзларингдан зор Фарид, раҳм айла, тўйгунча ўнай,
Сочларингни сийпалай кўзларга суртиб толасин.



ИККОВЛОН

Излай-излай охир бир-бирин топган,
Оқил сен эдингу, жунун мен эдим.
Висол оқиомида эврилиб ётган
Бўрон сен эдингу, қуюн мен эдим.
Паришон сочларинг паришон эди,
Туннинг оғушида эдим паришон —
Буюк бу муҳаббат улғайтар эди,
Гўё мен ер эдим, гўё сен осмон.
Бизни туташтирган уфқнинг эса,
Юраги ёнарди ўзга оташдан.
Бу нечук синоат, бу нечук сеҳр,
Оқиом ҳузурларинг бизни ўрташдан...
Висол оқиомида эврилиб ётган
Бўрон сен эдингу, қуюн мен эдим...

* * *

Кўчангдан неча бор армонлар ўтди,
Эшитдинг, чиқмадинг остона ҳатлаб.
Кўнгиллардан топган фиғонлар ўтди,
Эшитдинг, чиқмадинг остона ҳатлаб —
Остонанг олдида армонлар қолди,
Унсиз фарёдлару фиғонлар қолди.

Кўз сен кириб кетган эшикка муҳтож,
Кўнгил ҳам муҳтождир ўша ҳовлига.
Қайтиб чиқ — ёпиқ ул эшигингни оч
Мўралаб бир бора боққин, майлига —
Остонанг олдида армонлар қолди,
Унсиз фарёдлару фиғонлар қолди.

Мен-ку ўтиб кетгум фиғон деб чиқгил,
Мен-ку ўтиб кетгум, армон деб чиқгил.
Оқибат, ортимдан ҳайрат билан боқ,
Севгиси оташин инсон деб чиқгил...
Остонанг олдида армонлар қолди,
Унсиз фарёдлару фиғонлар қолди.



МУҲАББАТ МАЙИ

Дилимда доимо лим-лим муҳаббат деб аталган май,
Сени ичдим, сени ичгум, муҳаббат деб аталган май.

Нечун мен баҳраманд этмай нигоримни ўзингдан гоҳ,
Сени энг тоза деб тутгум, муҳаббат деб аталган май.

Сени ичгач кетиб ўздан, қилиб гоҳида бир шўхлик
Гўзал ёрни ўпиб, қучгум, муҳаббат деб аталган май

Кулар у гоҳида мандан, "кетибсиз ўзингиздан" деб,
Агар хоҳлар яна кетгум, муҳаббат деб аталган май,

Уни ранжитмайин асло, сўраб ундан ижозатлар,
Жаҳон шўхликларин этгум, муҳаббат деб аталган май.

Агар у бўлса шод чиндан, агар у қувнаса, кулса,
Демак, мақсадима этгум, муҳаббат деб аталган май.

Кечолмасман Фарид, ёримни севмоқдан кечолмасман,
Нечунки дилда сен лим-лим, муҳаббат деб аталган май.



БИРИНЧИ УЧРАШУВ

МАНСУР БЕК

Сени кўргим келар



СОҒИНТИРМА

Ишон, нигоҳингни қўмсаб яшардим,
Ўрнин босолмади ўзга нигоҳлар,
Не-не азобларни янчиб ташладим,
Сени кўргим келган, соғинган чоғлар.

Гоҳо бедор бўлдим, гоҳида бемор,
Юрак сўрайверди сени туну-кун.
Эвоҳ, ҳижронлардан бўлиб кўп безор,
Мана қаршингдаман, хайрият, бу кун.

Энди соғинтирма, ой ҳадя этган,
Ўсмалар қўйилган камон қошингни,

Энди соғинтирма, чарақлаётган
Кўзларингни ҳамда узун сочингни.

КҮЙГАНИМ ҚОЛДИ ХОЛОС...

Сизни севиб дунёда
Куйганим қолди холос,
Дилда не-не азобни
Туйганим қолди холос.

Ишониб мен севгига
Куйибман меҳру ихлос,
Эвазига юракнинг
Куйгани қолди холос.

Оқиомлар шеър битардим
Ишқу муҳаббатга хос,
Ушбу кунда қаламим
Сингани қолди холос.

Ё раб, энди не дердим,
Нодон номи менга мос.
Фирром тақдир ўқидан
Улганим қолди, холос.

Эй, ғанимлар, ортимдан
Тошлар отманг, илтимос.
Ўша тошлар зарбидан
Безганим қолди холос..



*Зокиржон МАШРАБОВ,
Бобур халқаро фонди раиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими*

Қ А Д Р Ў Я Т Л А Р Ў М У З И Ў Қ А Д Р Л А В

Мустақиллик шарофати билан 1992 йилнинг февралидан ўз фаолиятини бошлаган Бобур Халқаро фондининг асосий мақсади ўз ҳаёти ва ижоди билан Шарқ халқлари маданиятини бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилган буюк алломалар, шоир ва мутафаккирлар ижоди ҳамда уларнинг илмий-адабий меросларини ўрганиш, улардан халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлаш йўлида фойдаланишдан иборатдир.

Фонд қошида ташкил этилган халқаро илмий экспедиция 1992 йил 19 майда ўзининг биринчи илмий сафарига жўнаган эди. Утган давр ичида 30 дан ортиқ мамлакатлар бўйлаб 12 марта экспедиция уюштирилиб, 300 минг километр масофа автомашинада босиб ўтилди. Асосан шарқ давлатларида, жумладан, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Афғонистон, Эрон, Туркия, Иордания, Сурия, Саудия, Арабистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Миср, Хитой, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Бирмада бўлиб, теурийлар, бобурийлар ҳаётига оид ва Ўзбекистон тарихи билан боғлиқ илмий-тарихий маълумотлар, маданий-меъморий ёдгорликлар ўрганилди. Шунингдек, сафарлар мобайнида Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Камолиддин Беҳзод, Султон Ҳусайн Бойқаро, Мавлоно Лutfий, Али Қушчи ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз қабр-мақбаралари излаб топилди, зиёрат қилинди, ҳолатлари ўрганилди, тасвирга туширилди ва жамоатчиликка етказилиб, илмий истеъмолга киритилди. Бундан ташқари, миллий маънавиятимиз, тарихимизга оид мутафаккирларимиз ёзиб қолдирган қимматли ноёб қўлёзма асарларни топиш ва ватанимизга қайтариш борасида ҳам бир мунча ижобий натижалар қўлга киритилди. Буюк алломаларимизнинг қўлёзма асарлари, китоблари, теурийлар ва бобурийлар сулоласи тарихига оид асарларнинг нусхаларини олиб келишга муваффақ бўлинди. "Хати Бобурий", "Куллиёти Бобур", "Бобурнома"нинг чет тиллардаги нусхалари, "Фолномаи Бобур подшоҳи ғозий", "Меҳри Нимруз" асарларининг нусхалари шулар жумласидандир. Экспедиция сафарлари давомида жами 300 га яқин нодир китоб ва қўлёзмалар қўлга киритилди ва улар "Бобур ва жаҳон маданияти" музейидан ўрин олди.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов топшириғига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг 2-53-сонли "Буюк аждодлари-



мизнинг Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида дафн этилган жойларини аниқлаш ва ободонлаштиришга доир чоратadbирлар тўғрисида"ги қарорини бажариш мақсадида ўзбек мумтоз шоири мавлоно Лutfий мақбараси ва сағана тоши фонд ташкилотчилиги ва хомийлигида тайёрланиб, экспедициянинг навбатдаги сафарига Ҳирот шаҳрига яқин Деҳи Канор қишлоғидаги буюк алломамизнинг қабри қуриб битказиб келинди. Ҳозирги кунда бу жой гавжум зиёратгоҳга айланган.

Фонд тасарруфидаги "Боғи Бобур" агрофидаги (собиқ "70 йиллик" совхоз) ўн гектарлаб майдонни ишғол қилган лимонариялар, юз гектарлаб ўрикзор боғлар охириги йилларда сувсизлик ва эътиборсизлик туфайли қуриб кетган эди. Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, Айни вақтда бутунги вилоят раҳбарларининг эътибори туфайли "Боғи Бобур"нинг шимолий қисмидаги ўн йиллардан буён қуриб ётган "Зовроқ кўтарма" ариғига сув келди ва боғда зайтунзорлар ташкил этилиб, боғ ҳудудида сув таъминоти масаласи ижобий ҳал этилди.

Мамлакатимизда Мирзо Бобурнинг ҳаёти ва ижоди бўйича илмий изланиш олиб бораётган олимлар, ёзувчилар, шоирларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг асарларини чоп этишга имкон даражасида кўмаклашиш ҳамда уларнинг хизматларини муносиб тақдирлаш фонд фаолиятининг узвий бир қисмига айланган.

Ҳозирги кунга келиб фонд хомийлигида чоп этилган китоблар сони йигирмадан ортиди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари Қ.Кенжа Ф.Расуловлар билан ҳамкорликда 20 дан ортиқ видео ва кино фильмлар



яратилди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, бобуршунос олим, П.Қодировнинг "Мардлик", Хайридин Султоновнинг "Бобурийнома", З.Машрабов ва С.Шокаримовларнинг "Асрларни бўйлаган Бобур", Р.Воҳидовнинг "Биз билган ва билмаган Бобур", А.Иброҳимовнинг "Бобурнома — буюк асар", С.Жалиловнинг "Бобур ва Юлий Цезар", Шафиқа Ёрқин тайёрлаган "Шоҳ Ғариб мирзо Ғарибий девони", "Такмила", Қ.Кенжанинг "Ҳинд сорига", "Бобурийлардан бири", "Андижондан Даккагача", "Буюклар изидан", "Андижондан Бағдодгача", О.Тожибоеваннинг "Бобур армони" асарлари, Руме Годеннинг "Тулбадан" тарихий-биографик кассаси шулар жумласидандир.

Улуғ Бобур Мирзо таваллудининг 520 йиллиги муносабати билан қомусий асар "Бобурнома"нинг янги, тўлдирилган, ички-ташқи безаклари, полиграфик сифати жиҳатидан жаҳон андозаси талабларига мос келадиган шаклдаги нашри чоп этилди.

Илмий экспедициянинг ҳар галги сафарларига оид видео ва кинофилмлар миллий телевидение орқали намойиш этиб турилади.

Адабиёт, журналистика, театр-саҳна, мусиқа, тасвирий санъат, меъморчилик каби йўналишлар бўйича мазмунан теран, бадиий жиҳатдан юксак, миллий ва жаҳон маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшадиган, умуминсоний қадриятлар ва инсонпарварлик гоёларини қарор топтиришга, миллатлар ўртасида қардошлик ва биродарлик ришталарининг мустақамланишига хизмат қиладиган, Бобур ва бобурийлар тарихи ҳамда маданиятини кенг тарғиб-ташвиқ этадиган адабиёт, илм-фан, санъат ва меъморчилик соҳасидаги асарлар учун ҳар беш йилда беришга мўлжалланган Халқаро Бобур мукофоти таъсис этилган бўлиб, ҳозиргача йигирмадан зиёд хорижий ва ўзбек адиблари, олимлари, меъморлари ва бошқа соҳа вакиллари ушбу юксак мукофот билан тақдирландилар. Таниқли ёзувчилар Пиримқул Қодиров, Хайридин Султон, бобуршунос олимлардан Сабоҳат Азимжонов, Азиз Қаюмов, Саидбек Ҳасан, Қамар Раис (Ҳиндистон), Эйжи Мано (Япония), Шафиқа Ёрқин (Афғонистон), Ғайбулло Саломов, Сайфиддин Жалилов, кино режиссёр Маҳсуд Юнусов шулар жумласидандир.

Охириги йилларда таниқли бобуршунос япон олими Эйже Мано "Бобурнома" асарининг уч томли танқидий матни ҳамда "Бобур ва у яшаган давр" номли асарларни яратди. Ўзбекистонлик олимларимиз бу ишни "илмий жасорат" деб баҳоладилар. Ушбу ноёб асарларни Эйже Мано шахсан ўзи Андижонга келиб, Боғи Бобурда "Бобур ва жаҳон маданияти" музейига топширди.

Ҳамшаҳаримиз шоҳ Бобурнинг "Бобурнома", "Бобур девони", "Мубаййин", "Рисолаи Волидия", "Аруз" асарлари бутун оламга машҳур. Улар ҳақида олимлар янги-янги илмий изланишлар олиб бориб, қайта-қайта чоп этилмоқда. Бунинг далили испаниялик олима Мерсе Комас буюк асар "Бобурнома"ни испан тилида тайёрлаб, нашрдан чиқарди. Бу билан нафақат Испан халқини, балки бутун Жанубий Америка қитъасининг испан тилида сўзлашувчи халқларини ҳам қомусий асар "Бобурнома"дан баҳраманд қилди. Ушбу асарни муаллиф Ўзбекистон Президенти муҳтарам Ислам Каримовга тўхфа қилди. Президентимиз ушбу ноёб асарни Андижондаги "Бобур ва жаҳон

маданияти" музейига эсдалик сифатида топширдилар. Бобур халқаро фонди мамлакатимиз бобуршунос олимлари ва кенг жамоатчилик иштирокида ушбу асар тақдиротини ўтказди.

Булар, шубҳасиз қувонса арзирли далиллар албатта, ammo шу билан бирга андак ачиниш ва истакларимиз ҳам йўқ эмас. Инглиз, француз, ҳинд ва бошқа миллатларга мансуб атоқли ёзувчилар, муаррихлар теурийлар, бобурийларнинг чигал ва мураккаб қисматли ҳаётлари, илмий-ижодий, маърифий фаолиятлари ҳақида йирик, ажойиб тарихий, илмий, бадиий фильмлар, китоблар битишганки, ҳайрон қоласиз, тан берасиз ва мириқиб томоша қиласиз ва ўқийсиз. Жумладан биз топиб келган ноёб асарлар орасида Анна Флора Стилнинг "Тож кийган дарвеш" (Бобур), Рашбрук Уилямснинг "Ўн олтинчи аср бунёдкори" (Бобур), Уилям Эрскиннинг "Бобур ва Эрон", Харольд Лембнинг "Бобур-йўлбарс", Руме Годеннинг "Тулбадан" каби дурдона китоблари мавжуд ва улар республикамиздаги етук олимлар, адиблар томонидан тилимизга ўтирилмоқда, айримлари нашр ҳам қилинди. Таниқли адиблар Азиз Қаюмов ва Саидбек Ҳасановлар яқинда нашрдан чиққан "Бобур ижодиёти" китобида Бобур Мирзо яратган асарларни тарихда эгаллаган юксак ўрни ва катта салмоғини ўз вақтида очиб беролмаганлигимиз, бундай бебаҳо хазинадан элу-юртни тўла баҳраманд этолмаганимиз учун буюк Бобур Мирзо қаршисида узр сўрамоғимиз лозимлигини билдирдилар. Бобур Мирзо яратган хазинадаги бойликларни элга етказмоқ ишини эса келгусида албатта, ёшлар давом етказмоғи зарур бўлган долзарб масала бўлиб қолади.

Бобур Халқаро фондининг галдаги режалари юқорида қайд этилган эзгу ишларини келгусида ҳам баҳоли қудрат давом эттиришдан иборат. Чунончи: юртимиздан ноқонуний йўллар билан хорижга олиб чиқиб кетилган ноёб китоблар, қўлёзма, илмий ва санъат асарларини ёки уларнинг нусхаларини Ватанимизга олиб келиш, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлод-аждодлари яратган шунингдек, олим ва ёзувчиларимиз томонидан Бобур ва бобурийлар ҳаёти ва ижодига оид асарларни чоп этиш ва халқимизга етказиш, заминимиздан етишиб чиққан, илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккир аждодларимизнинг ачинарли, аянчли ҳолатга келиб қолган хориждаги қабр-мақбараларини жамоатчилик асосида тиклаб, таъмирлашда фаол иштирок этиш. Биз келгусида Буюк Бобур ҳақида Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Афғонистон, Бангладеш ва Ўзбекино иждокорлари билан ҳамкорликда 2-3 қисмли бадиий фильм яратишимиз лозим ("Спартак", "Наполеон", "Уруш ва тинчлик" фильмлари каби). Ушбу эзгу ниятларни амалга ошириш учун Осиё, Европа, Америка қитъалари бўйлаб халқаро илмий экспедиция сафарларини уюштириш (шу кунга қадар экспедиция ўз нигоҳини кўпроқ Шарқ мамлакатларига қаратди, теурийлар ва бобурийларга оид ноёб манбаларнинг кўпи Европа ва бошқа қитъалардаги музей ва кутубхоналарда сақланмоқда) ва ҳоказо.

Бобур Халқаро фонди бундан кейин ҳам халқаро аҳамиятга эга илмий-маданий, маърифий тадбирларни доимий равишда амалга ошириб боради.



Барно ГУЛИ



Шунча олисландик, етар, азизим

КЕТМА

Ёлгончи-ей,
Ана, юрагингда ишқ йиғлаётир,
Мултираб исмига термулиб олган
У ҳали гўдак-да,
На сўзлай олади, на юра олар.
Билгани, биргина йиғлайди, холос.
Сен унга суянч бер, эмаклар юрсин,
Сен унга ишончли сўзлашни ўргат.
Мен уни эркалаб, авайлаб, бағримга босиб,
Ҳеч кимга бермайман ўзимдан бўлак.

АЗИЗИМ

Масофа дарслигин ўргатаркан йўл,
Сўроқлар ўрнида учталаб нуқта.
Юрагим ёшлари ёш эмас, у — дўл,
Эҳ, йўллар оралаб юрагим чўғда.

Дўлларим-а, эринг, оқинг чаккиллаб,
Чанқаган санчиклар қонсин симириб.
Ёлғизлик, қўйсанг-чи бизни эркалаб,
Яширдик ўласак ҳам яна тирилиб.

Сенсизлик қаърига чўкдим, ёлғизим,
Қутқар, мени қутқар, бир яхшилик қил,
Шунча олисландик, етар, азизим,
Бизсизликдан толди ахир икки дил.

СЕВДИМ

Ёлғизлик, кузги барғимдинг,
Банда туриб сарғайдинг.
Тўкилгучи дардмидинг,
Шунданмикан қаргадинг.

Ёз илдинди меҳрни, сен-чи,
Ахир уни этолмам инкор.
Мен кутарман келгунча баҳор,
Сен кузингда кўкариб кўр-чи.

Ҳазонимсан, ёқиб юборгум,
Олов-олов ёнсин юрагим.
Кечир мени, эй ёлғиз баргим,
Хайр энди, қўёшни севдим!

Сиз менинг, эй рассом нигоҳим,
Ўйлардан бўёқлар қиясиз.
Ҳайратим ўт қўйса ўзига,
Оловда бўёқда қуясиз.

Сирларим фош этиб ўзини,
Кетмоқчи бошини қўлтиқлаб.
Келинг, бўяб қўйинг кўзини,
Дунё кулсин ўзин қўлтиқлаб.

Истаклар йиғласин бош тортиб,
Ёқаси йиртилиб ямалсин.

Ҳисларини ортига ортиб,
Айбдор сир дилга қамалсин.

Кун келиб кўкдаги орзулар
Узилиб тушади бирма-бир.
Ўшанда мен ўзим-ўзимни
Бўёқлаб оламан барибир.

Сиз шайтонга дўст бўлиб олиб,
Гуноҳимни бир-бир санайсиз.
Мен ғоз юриб, сиз ҳам ғоз юриб,
Ёлгон дарёсини кўрмаймиз.

Хаёлим бир, ўзим бир олам,
Кечиб қўйдим шу аламлардан.
Сиз ҳали ҳам мағрур яшайсиз,
Мен — шайтондан қўрққанингиздан.

Эй тераклар, тебранинг, айтинг,
Шовулларми сизда ҳам ғусса?
Япроқларга қилдирманг аттанг,
Анов ҳарсанг ҳасратда турса.

У бир гувоҳ, ҳозир тили йўқ,
Солай деса оламга шовқин.
Ёрилмайди, ўрилманг сиз ҳам,
Қўрқманг ундан, у пичоқсиз қин.

Менга айтинг, менга ишонинг,
Мен ҳам сиздай тебрангим келар,
Бизга ҳадик берган тошларни
"Шитир" этиб, қўрқитгим келар!

Барногул Солиева 1984 йилда Андижон туманининг
Ҳакан қишлоғида туғилган. Андижон Давлат тиллар
педагогика институти талабаси.



БОБУРЧУЛАР ДАВРИДА ҲИНДЛАРНИНГ КИЙИНИШ МАДАНИЯТИ

Ҳинд либослар тарихи алоҳида ўрганилган эмас.

Айтиш мумкинки, Бобурийлар ҳукмронлиги даврида Ҳиндистонда ўзига хос кийиниш маданияти шаклланди.

Ўша пайтлар Ҳинд эркакларининг кўйлаги уч қисмдан иборат бўлган. Биринчи қисми белдан оёққача ўралган, иккинчи қисми тананинг юқори қисмини "ёпувчи" ёпинчиқ, учинчи қисми эса бош кийим - тюрбандан ташкил топган. Бу уч қисмдан иборат эркаклар кийими турлича бўлган. Баъзи бир эркаклар биринчи қисмини тиззагача кийишган бўлиб, у ҳозирда дхоти деб аталади, бу ҳозирги эркаклар кийимининг асосини ташкил қилади. Дхоти асрлар давомида ўзгариб келди.

Мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий, табиий омиллари кийимнинг кўринишига таъсир этиши табиий. Лекин дхотининг кўриниши Ҳиндистоннинг иссиқ ҳудудларида кўпроқ ўзгарган. Дхоти учун узунлиги 5 метр, энига 1 метр оқ ипак мато керак бўлади. Бир хил рангдаги матодан тикилади. Матонинг устига рангли битта йўл тушириб безатилади. Дхотининг тикилиши, рангидаги фарқлари каста билан боғлиқ ва уларнинг меҳнат ҳаёти, машғулотига билан ҳам боғлиқ. Амалдорлар, зодагонлар кенгроқ дхоти кийишади. Қуйи табақалар - ҳунармандлар, деҳқонлар дхотини торроқ қилиб ўрашади.

Ҳинд эркакларининг миллий кийимларидан яна бири - Лунги бўлиб кўпроқ шимолий-ғарбий Ҳиндистонда тарқалган. У тўртбурчак шаклида бўлиб, бўкса атрофига ўралади. Узоқдан аёлларнинг юбкасига ўхшайди. Юқори табақалар бойлигини, ақллилигини кўрсатиб туриш учун лунги ергача туриши керак бўлган. Оғир меҳнат учун қулай эмас, шунинг учун кўпроқ бойлар кийиб юришган.

Ҳинд мусулмонларининг миллий кийими қуйидаги кўринишга эга бўлган: Узун тўғри кўйлақдан иборат бўлиб, ёқасиз, тумчасиз, тўғноғичга қадалади. Кўйлақ билан бирга какеткадан бошлаб пастки қисмига шалвар тикилади. Ҳинд мусулмонларининг бош кийими "феска" бўлган. У кўйнинг юнгидан қилинади. Қишда ҳам, ёзда ҳам кийиш мумкин бўлган.

Аёллар кийими эса турли хил кўринишларга эга бўлиб келган. Қадимда аёллар кийими эркакларникига ўхшаб бир хил бўлмаган, бир-бирини тўлдириб турмаган. Аёллар либосининг юқори қисми - уттария деб аталган. Пастки

кийим-паридхана, васана деб аталган. Устки кийим эса - правара деб аталиб, тўртбурчак шаклидаги адёл бўлган, куннинг совуғида устига ташлаб олишган. Мато тана атрофига ўралиб тиззадан товонгача беркитган ва бели қаттиқ боғланган. Пастки кийимда ҳам бойлар билан камбағалларникида фарқ бўлган. Бойларда олдида 5 қат тушган, камбағалларда эса умуман қат бўлмаган. Ҳолбуки бу кийимлар тикишни талаб этмаган.

Ҳинд халқининг ҳайкалларидан, санъат асарларидан кўришимиз мумкинки, булар Ҳинд аёлларининг қадимги кийими ҳисобланган. Вақтлар ўтиши натижасида юқоридаги либослар ҳозирда сари деб номланади. Аёллар сариси қадимги Ҳиндистон даврида вужудга келган деган тахмин бор. Асрлар давомида сари бўйига узайди, энига кенгайиб борди. Сарининг қачон пайдо бўлганлиги ва неча ёшдалиги маълум эмас. "Маҳобхарат" қўлёзмаларидан маълум бўлишича сари бундан 3000 йил аввал ҳам замонавий бўлган экан.

Ҳаттоки сарини Ҳиндистондаги мусулмонлар, христианлар ҳам кийишади. Сарилар хилма-хил, турли бўлганлигидан эгасининг қайси ҳудуддан эканлигини билиб олиш мумкин.

Қадимда Ҳиндистонда оёқ кийим юмшоқ, иссиқ ердан ҳимоя сифатида кийилган. Ҳиндистоннинг аксарият аҳолиси оёқ кийимсиз юришган. Ҳимолай ҳудудларида кигиздан қилинган этиклар кийиб юришган.

Ҳозирги даврга келиб Ҳиндистонда кийиниш маданияти жуда ҳам замонавийлашиб кетган. Миллий кийимларга бўлган эҳтиёж камайиб бормоқда. Ҳозир Ҳиндистонда белдан пастки қисми миллий кийим, юқориси эса ғарблашган кўринишга эга. Шунга қарамай, кўпгина аёллар ўз сариларига содиқ. Балки аксинча, бугунги кунда жуда машҳур Европа ва Америка модельерлари янги либос турларини яратишда Ҳинд сарисидан андоза олмақдалар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, кийиниш маданияти жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини акс эттирувчи кўзгудир. Зеро, фуқароларнинг жамиятда туган ўрни, уларнинг касби, диний ва фалсафий қарашларини кийиниш маданияти орқали билиб олиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Азиз АБДУАЗИМОВ,
Дилдора ҲОЖИМУРОДОВА





Наби ЖАЛОЛИДДИН

ТУПРОҚ

Ҳикоя

Пешиндан сўнг дўкондаги юмушларни катта ўғли ва шоғирдларига қолдириб, уйга қайтди. Аслида уйда мўлжаллаб қўйган зарур иши ҳам йўқ эдику-я, лекин негадир кўнгли шуни ихтиёр этди. Эҳтимол бироз дам олгиси келдими...

Ҳали пойабзалини ечмасидан муслимагина хотини беозор сўзланди:

— Сиз кўнгиликчилик қилиб индамовдингиз, чек(янги берилган томорқа)даги нариги қўшнимиз еримиздан бир метр қўшволиб, уй солувди. Энди беригисиям ашна қилиб бетўн қўйиб қўйибди...

У тўхтаб хотинига ўғирилди:

— Қўйсангчи-ей, онаси, жа унчаликмасдир, — деди, хотини тўғри гапирётганини билиб турганидан кўнгли хижил тортиб.

— Ишонмасайиз, ўтиб бир кўринг: — Мол аччиғи — жон аччиғи бўлганидан беозоргина аёлининг ҳам овозида хиёл зарда сезилди.

— Майли, ўтсам ўтай! — дея аёлининг зардасини сезмаганликка олди-да, салмоқли қадамлар билан ҳовлининг этаги томон юрди.

Ҳовлининг адоғида каттакон зовур бор эди. Унинг устига эски тахтадан омонат кўприк ясаб қўйилган. Зовурнинг нарёғидаги бир неча гектар ерни одамларга томорқа қилиб бўлиб берилганди.

Унинг ҳам икки ўғли бўлганидан, ақлли кишиларнинг маслаҳати билан аллазамонда хўжалик рансининг номига ер сўраб, ариза бериб қўйганди. Яхши қилган экан, шу баҳона ерли бўлиб қолди. Бунинг устига омади чопиб, чек шундоққина уйига яқин жойдан тегди. Ҳар ҳолда тез-тез хабар олиб турди. Куруқ ернинг нимасига кўз-қулоқ бўлади дерсиз. Йўқ, ер ҳозир куруқ эмас, мол-ҳол учун маккажўхори экиб қўйган. Бир ёнига уй қуриш учун кўтарма қилиб, қўшниларга соя солмайдиган томонига қатор терак ўтказган.

Янги чекдаги чап ён қўшниси анча эски савдогарнинг ўғли. Отаси "бақувват" бўлганидан бир йилдаёқ уйни тиккалаб, ўғлини олиб чиқиб қўйди. Ўнг қўшниси эса ўқитувчи. У ҳам бир неча йилдан буён уй қуришга уринмаётган эди. Шунақа, ҳозирги замонда тирикчиликдан орттириб уй қуриш осонми? Ахир бу ҳам тушпа-тузук ҳунарманд бўла туриб, катта ўғли вояга етиб қолганига қарамай, уйга орттиролмапти-ку. Кичиғи ҳам шаҳарда лицейда ўқияпти — ўн олтига кирди. Бўлмаса, ҳунари жуда унақа касод ҳам эмас, дўкондаги ишлари бинойидек юриб турибди. Аслида-ку, яхшиям

ота-бобосидан мерос ўлмайдиган шу ҳунари бор, шукронадан толмайди. Ахир не оғир кунлар ўтмади юрт бошидан. Мана, энди-энди уй қуришлар, тўй-томошалар аста-секин кўпаймоқда. Ажабмас, унинг ҳам топганига барака бериб...

У омонат кўприкдан ўтиб, бир нафас тўхтади-да, атрофга назар солди. Ҳа, яқин-яқинларда ҳам бу ерда янги уйлар қарийб йўқ эди. Энди эса яккам-дуккам бўлса-да қаторасига уйлар кўзга ташланади. "Муслмончилик аста-секин", деганлари шу-да, хаёлидан ўтди унинг. Ўнгга қайрилиб, зовур бўйлаб юраркан, сувга қармоқ солиб ўтирган болага кўзи тушди. Ишқибозлик-да, қаранг, эринмай қармоғига термулиб ўтирибди, ёнидан одам ўтганини сезмадиам шекилли. Тавба, шу зовурда балиқ бормикин-а? Ҳалиги, чавақ-мавақлар бўлса керак-да.

Ўз кўчасига бурилди. Аслида бу номигагина кўча эди, ўйдим-чуқур, четларини ўт-ўлан босган, баъзи жойларида эса ёнбошдаги ариқчадан сув тошиб, кўлмақлар ҳосил бўлган. Ана, уч-тўртта турфа ранг товуқлар тимирскиланиб, нималарнидир чўқилаб юрибди. У ҳали ўз томорқаси рўпарасига етмаёқ ўнг қўшнисининг янги қўйилган бетўн пойдеворига кўзи тушиб, хотинининг гапи рост эканлигига ишона бошлади. Уч-тўрт кун буёғида чекига ўтмаганди, дарров улгуришибди-да. Ўз кўтармаси устида туриб, қўшнисининг ҳали тиргак-тахталари ҳам олинмаган бетўн-пойдеворига тикилди. Чиндан ҳам у томонга ярим метрдан ортиқроқ ўтказиб қўйибди. Унинг бағрида аламга қоришиқ изтироб пайдо бўлди. Юзингда кўзинг борми, демабди-я, тагин ўқиган одам-домла! Сўнг деворлари чиройли оқланган, деразалари бўялган сўл қўшнисининг уйи томонга ўғирилди. Аввал буниси бир метр ерини "уриб" олганди. Индамади, ҳатто писанда ҳам қилмади. Инсоф бериб қолар, ахир ўғлимга қўшни бўлади, деди, қўшнига озор бериш — яхшимас. Кейин-кейин озгина ер билан бирон жойим камайиб қолармиди, деб кўя қолди. Бировнинг еридан бир метрни "уриб" олган қўшни эса пинагини ҳам бузмади. Энди буниси юзсизлик қилибди. Унинг чинакамига жаҳли чиқа бошлади. Кетма-кет истиффор айтиб, думбул солиб қолган маккажўхориларининг атрофини айландию теракларини кўздан кечирди. "Тавба, бу ўзбек деганлари ерга тўярмикан-а?! — ўйларди у асаблари қақшаб. — Қачон қарама, ер талашади, ер ўғирлайди. Ахир ҳаммамиз бир қулоч ерга бўриб, тупроққа қоришиб



кетамиз-ку. Ё одам боласи тупроқдан яралиб, охи-оқибат тупроққа аралашиб кетиши рост бўлганлиги учун ҳам шу қадар унга боғланиб қолганмикин-а? Айниқса, бизнинг ўзбеклар. Эҳҳе-е, бу тупроқ!.. Манови кўшнилари тупроқ, она тупроқ не эканлигини билишармикин?!.. Шу пайт беш йил бурун қазо қилган раҳматли отаси ёдига тушди. Отаси ҳам оддий қосиб эди. Бироқ диний ва дунёвий илмлардан бохабар, тақволи одам эди. Умуман унинг ота-боболари оддий қосиб ўтган бўлсалар-да, шўро замонида ҳам, ундан авваллари ҳам иймонларига асло хиёнат қилмаганлар.

Ўшанда (шўро замонида) у Алихонтўра Соғунийнинг "Туркистон қайғуси" китобининг арабий имлода битилган қўлёзмасини ўқиб ўтирарди. Отаси буни кўриб, ўғлини алқаган ва Ватан ҳақидаги, она тупроқ ҳақидаги ажиб бир воқеани айтиб берган эди.

— Аср бошидаги очарчилик йиллари экан. Қосибларнинг ҳам бозори касодга учраган. Бир ёғи оқпошшонинг зулми кучайиб, "мардикор олди" сиёсатини бошлаб юборади. Раҳматли қиблагохим ҳам ёш бўлишига қарамай, "хатта" тушиб қолади. Ўшанда энам (отамнинг онаси) раҳматли бир халтачага ҳовлимиздаги тупроқдан солиб, отамнинг бўйнига тумор қилиб осиб қўяди. "Киндик қонинг тўкилган тупроқ омон сақлайди, ҳам юртингга тортиб туради", дейди йиғлаб. Шундай қилиб, отам Ўрусияга жўнаб кетади. Кейинги воқеаларни отам ўша ёқлардан омон қайтиб, биз туғилиб, гап тушунадиган бўлганимиздан сўнг айтиб берган.

Хуллас, қиблагохим ўрмон кесиб юриб, қиш чилласида бепоеън ўрмон ичида ёлғиз ўзи қолиб кетибди. Қор дегани одамнинг тиззасидан келаркан. Совуққа эса тоқат қилиб бўлмаскан. Қорни оч, егани ҳеч вақо йўқ. Бечора ўрмон четини излаб ўзини ҳар ёққа урибди ва ҳолдан тойиб йиқилиб қолибди. Шу пайт кўксига беозор ботиб турган нарса — тупроқли тумори ёдига тушибди. Увишиб қолган кўлини бир амаллаб қўйнига тикиб, халтачани олибди. Тана тафтидан иссиқ ҳолга келган тупроқдан бир чимдим олиб, оғзига ташлабди. Отам раҳматли ўшанда кўзларида ёш билан "Тупроқни чайнарсанман, жонивор ҳечам гичирламади. Шунақаям мазали туюлдики, гўё эндигина тандирдан узилган ноннинг таъми келарди..." деганди.

Отаси ҳам ўз ҳикоясининг шу жойига келганда беихтиёр йиғлаб юборди-да, бир муддат гапиролмай қолди.

— Отам бечора тупроқни узоқ чайнабди. Чайнаган сайин танасига иссиқлик югуриб, ўзида қувват сезаверибди. Кейин тупроқни ютиш учун қор ебди. Шундай қилиб, ҳар тўхтаганида бир чимдим тупроқни ямлай-ямлай, одамлар яшайдиган ерга етиб, омон қолган экан. — Отаси сўздан тўхтаб, бир пас ўйга толди, сўнг билинар-билинамас хўрсинди-да, гўё ўзига гапирётгандай деди: — Энди эса ҳаммаси айниб кетди!..

Ўшанда отасининг нима демоқчи эканлигини тушунмади. У она тупроғини ея оладиган одамлар қолмади, демоқчи бўлдимиз ёки тупроқ айниб, еб бўлмайдиган аҳволга келди, дедими — биллолмади.

— Она Ватанини, она тупроғини яхши кўрган одам бунақа китобларни ўқиб туриши керак, — деди кейин. — Фақат эҳтиёт бўл, замон нозик. — Отаси яна бир хўрсинди, энди армонли хўрсинди. У кишининг армонини эса йиллар ўтгач, тушунди — бу юрт, миллат қайғуси экан.

Мақкажўхорилар сувсаб қолибди, эртага сугормаса бўлмас. У ортига қайтиб, қўшнисининг янги қўйилган бетўн пойдевори ёнидан ўтаркан, афсус билан бошини чайқади. Ҳай, майди. Оллоҳ дилига солиб, инсофга келиб

қолар, дея ўйлади ўзига-ўзи таскин бериб.

Аср намозига ҳозирланаётганда хотини ёдига солди:

— Эртага ўғлимизни мактабда ота-оналар мажлиси бор-а, эсиздами?

Ҳа, дарвоқе, эртага кичик ўғли ўқийдиган лицейда мажлис бўлиши керак эди. Яхшиям эркакларнинг бахтига аёллар бор — бир нималарни ёдга солиб туришади. Бўлмаса эларини йўқотиб қўйишлари ҳеч гапмас.

Буларнинг авлодида биров бунақа замонавий ўқишларда ўқимаган. Шу кичик ўғли астойдил бўлиб қолди-да. Мактабда яхши ўқиди, инглиз тилини ҳам қойиллатади, ҳам буёқда диний илмлардан, арабий тилдан ҳам бохабар. Тўққизинчини битирдию шаҳардаги академик лицейга кирман, деб туриб олди. Болам, унақа ўқишларга пул бериб кирилса керак, менинг ортиқча пулим йўқ, дея қайтармоқчи бўлди, кўнмади. Қуръон ўргатган домласининг ўша лицейда таниши бор экан, гаплашибди. Ўзбеклар ҳам дунёга чиқсин, чиққандаям зўр бўлиб чиқсин, сен албатта ўқишинг керак, дебди. Барака топсин, мана ўша одам баҳона боласи ўқишга кириб қолди.

Мажлис айтилган вақтдан кечроқ бошланди — ота-оналардан тагин келиб қолишар, дейишди. Чунки ўша пайтгача ҳам кутилганларнинг ярмидан кўпроғи келдилар, холос. Бир хонада жам бўлдилар. Ота-оналарнинг орасида ҳижобдагилардан тортиб шим ва алламбало кийимларни кийган аёлларгача ҳамда махсикалишиб бўйинбоғли эркакларгача бор эди. Мажлисни гуруҳ раҳбари — ёшгина йигит очди. У салом-алиқдан сўнг энг аввало болаларнинг баҳоларини ўқиб берди, гуруҳдаги ўрни, хулқи ҳақида гапириб ўтди. Бир боланинг номи тилга олинганда, нариги четдаги қаторда ўтирган, ихчам рўмоли остидан жингалак сочлари чиқиб турган аёл бидиллади.

— Хулқи қанақа, хулқи?

— Хулқи яхши, аммо... — домла бир тўхталиб, жилмайди. — Кўпчилик ўқитувчилар ўғлингизни кўп гапирди дейишади.

— Уйдаям шунақа, — деди аёл домланинг гапига парво ҳам қилмай. — Ҳамма нарсага қизиқади-да. Омма-лекин ўқиши яхши-а?

— Яхши-яхши.

Аёл яна нимадир демоқчи бўлувди, домла гап бошлаб юборди.

Боласи ўзига ўхшаркан-да, хаёл қилди у хиёл жилмайиб, аёлнинг ҳаракатларидан сергапчилигини сезиб. Мана, ниҳоят ўғлининг номи тилга олинди — юраги "шиғ" этиб кетди. Нима деркин? Худога шукр, ҳамма баҳоси беш, гуруҳда биринчи ўринда экан. Ҳатто инглиз тилидан бошқа болаларга ёрдам ҳам бераркан. Унинг вужуди эриди, бу гаплар бирам ҳуш ёқдики.

— Аммо намоз ўқиркан, — деди домла гўё ўта хавфли ва сирли бир гапни айтаётгандай овозда. — Шунга...

Вужудидаги ҳалиги ҳузур таққа тўхтадию чўчиб тушди. Нима десин? Бизнинг уйда ҳамма намоз ўқийди десинми? Унда ваҳҳобийга чиқариб қўйишса-чи? Шундоғам ҳамма унга тикилиб турибди. Ваҳҳобийларни ўлғудай ёмон кўришини, улар туфайли динимизга катта путур етганлигини буларга қандай тушунтиради. Тушунтирмаса-чи? Ахир ҳамма мусулмонлар ҳам унақа эмас-ку?.. Ана, домла унга ҳамон савол назари билан қараб турибди. Ўғлига зиён етмаса бўлди.

— Бўпти, намоз ўқимади, айтаман, — деб юборди беихтиёр. Дейишга деди-ю, кўксига бир нарса қалқиб кетди. Ахир ёлғон гапирди-ку. У-ку, ўлиб қолса ўғлига бунақа буйруқ бермайди-я, агар берса ҳам ўғли намоздан ҳеч қачон воз кечмайди, буни аниқ билади.

— Йў-ўқ, у замонлар ўтиб кетган, ака, — деди домла мубҳам оҳангда. — Майли, ўқийверсин. Фақат эрталаб-кечкурун ўқиса бўлар.

— Хўп, айтаман, — деди у шошиб.

Гуруҳ раҳбаридан кейин факултет декани сўз олди. У лицейнинг тартиб-қоидалари, ўқитиш ишлари ҳақида анча гапирди.

— Менда бир гап бор, — деб қолди декан гапини тугатар-тугатмас, унинг ортида ястаниб ўтирган оқ-сарикдан келган, пешонасида сочи сийрак одам ўрнидан ҳам кўзгалмай.

— Марҳамат, — деди тик турган декан унинг ялпайиб ўтирганига парво қилмасликка уриниб. Аслида ҳали биронта одам тик туриб гапирмаганди.

— Компютер хонасида шуғулланиш ограниченный экан. Менинг ўғлим компютерда ишлашни яхши кўради. Менимча, компютер хонасини доим открытий қилиш керак.

— Сиз айтган ишни қилишга бизнинг имкониятимиз йўқ. Чунки ўнта компютеримиз бор, холос. Шунинг учун барча гуруҳлар белгиланган муддатда у ерга киришади.

— Яна бир гап, — деди ҳалиги одам бамайлихотир. — Қайсидир домла китоби йўқ болларга папаряд двойка кўйиб чиқибди.

— Бу бўлиши мумкин эмас, — деди декан қатъий. — Масалан, мен тарихдан дарс бераман. Бироқ қарийб тўқсон фоиз болада китоб йўқ. Қимматлик қияпти шекилли-да.

— Аши китобни тополмаяппиз-да, — гапга қўшилди бояги жингалак сочли аёл. — Ўзийз топиб берсайиз пулини берардик.

— Мен топиб беришга ваъда беролмайман-у, аммо янги шаҳардаги китоб дўконига бу китобни кўрдим.

— Номи нимаиди? — аёл қоғоз олиб, ҳафсала билан ёзишга тушди.

Декандан сўнг директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари бўлмиш аёл гапирди. У ётоқхоналарга ҳам масъул экан. Аммо директор ўринбосари сўзини жуда қисқа қилди. Шу пайт ўрта қаторда ўтирган, бошига дўппи, оёғига махси-калиш кийган у тенги одам сўз сўраб, қўл кўтарди. Рухсат бўлгач, ўрнидан туриб, деди:

— Мен мажлисгача қизим минан бирга ётоқхонасини айланиб чиқдим. Билсам, санузеллар ишламас экан. Қизлар кечаси лицейнинг ҳов чеккасига боришар экан. Кечирасизлару, биз сизларга қизларимизни ишониб топшириб қўйганмиз...

У санузел деганини аввалага тушунмади — радиоподиомикин, деб ўйлади. Кейинроқ гапнинг пайновидан билдики, сўз ҳожатхона ҳақида кетаётган экан. Тавба, одоб, шарму ҳаё билан гапириш учун ҳам ўрис тили керак экан-да, а. Ахир шуни ўзбекча айтса ҳам бўлади-ку! Боринг, ана, ҳожатхона дейиш қўпол туюлса, "ҳовли", "ҳаложой" ёки "тахоратхона" деса ҳам бўлар. Майли, ҳар ҳолда андишали одам экан, аммо тилни ҳам... Бир куни дўконига келган ҳожатмандлардан бири бунинг бутунлай тескарисини айтган эди: эмишки, шаҳарлардаги бир-бири билан зино қилмоқчи бўлган эркагу аёллар аввало оз-моз ичимлик ичарканлар ва сўнгра ўрисча гапира бошларкан-да, ўз муддаоларига ҳам ўрис тилида "шартнома" тузарканлар. Яъни бузуқлик йўлидаги бузуқ гапларни ўзбек тилида айтолмас эканлар. Ана, энди бу жумбоқнинг тагига етиб кўринг-чи!..

Хуллас, директор ўринбосари "санузел"ларни ишлатиб қўйишга ваъда берди.

Миқтидан келган инглиз тили ўқитувчиси сўз олганида, мажлис аҳди жонланди. Ота-оналар куйиб-

пишиб саволлар ёғдира бошладиларки, гўё ўз фарзандларининг тақдири айнан шу тилни билиш ёки билмасликларига боғлиқдек эди.

— Инглиз тили китоби намуноча қиммат? — деди аёллардан бири.

— Бу дарсликлар ўзбек тилидаям чиқадими? — сўради яна кимдир.

Олдинроқда ўтирган, юз-кўзи ва талаффузидан ўрис ёки татарга ўхшаган аёл ийманибгина деди:

— Менинг қизим ўрисча ўқиган. Но ўзбекча ўрганаман деб қизиқади. Ну как?

Гуруҳ раҳбари билан инглиз тили ўқитувчиси бир-бирларига бирров қараб олишганидан, улар бу аёлнинг қизини жуда яхши танишларини англаш мумкин эди. Саволга эса гуруҳ раҳбари жавоб қилди:

— Қизингизнинг ҳаракати яхши, анча-мунча ўзбеклардан тузуқ гапирди, — дея жилмайди домла.

— Раҳмат, — деб қўйди аёл оҳиста.

— Инглиз тилидан қўшимча ўқишларни кўпайтирса бўлмайдими? — сўради ўғли кўп гапирадиган жингалак сочли аёл.

— Ҳафтада икки кун тўғарагим бор, — деди инглиз тили ўқитувчиси. — Агар қўшимча хоҳловчилар бўлса... — у "буёғи пуллик" демоқчи бўлди-ю, лекин айтолмади.

— Майли, пуллик бўлса ҳам, — деб юборди аёл.

Аммо ҳеч ким унинг гапини маъқулламади.

— Менинг ўғлим рус мактабда ўқиган, — дея тагин гапга тушди ҳалиги оқ-сарик одам. — Ўзбекчани яхши билмайди. Ну бу нормалний нарса. Силар боладан ҳадеб ўзбекча сўрамай, унинг билимига баҳо қўйинлар. Ёки английски сўранглар. Болани қийнаш яхшимас-да.

— Барча ўқитувчилар, Худога шукур, ўзбекчаниям, ўрисчаниям яхши билишади, — деди инглиз тили ўқитувчиси бамайлихотир. — Болангиз хоҳлаган тилида жавоб бераверсин. Мана, биз инглиз тилидаям эшитаверамиз. — У ўз ҳазилидан мамнун жилмайиб қўйди.

— Тўғри-да, ўзбекчаман ни куда не дайёт. Вот кўпгина зарубежный или современный фирмаларда еврей, арман боллар уч юз-тўрт юз доллардан пул олиб, маза қилиб ишлашяпти. Ўзбекчада бунақа ишлолмайсиз.

Ота-оналарнинг кўпчиликлари бу гапни маъқуллашиб, гўнғир-гўнғир қилиб қўйишди ва ҳатто бу одамнинг ўта "современний" лигига ҳавас қилаётганликларини ҳам яширмадилар.

— Бу гап тўғри, — деди ўз фани обрў топаётганидан хузурланган инглиз тили ўқитувчиси. — Замон инглиз ва рус тилларини талаб қилмоқда. Ўзбек тилида ҳеч нарса йўқ (фанга оид адабиётлар демоқчи). Шундай экан, истаимизми-йўқми, шу иккала тилни билмасдан узоққа боролмаймиз.

Унинг бағри ўртаниб кетди. "Ахир биз она тилимиз яна бир тилга муте бўлсин, деб ўрис зулмидан қутилганмидик?! Жон биродарлар, — дерди унинг юраги ловуллаб, — она тилини билмаган, халқини севиш тугул писанд этмаган одамнинг ўз юртига нафи тегиши мумкинми? Бу не кўргулик ахир! Ўз она тилини билмаслик уят бўлмаса-ю!.." Шунча кутди, биронта одам, боламни ватанпарвар қилиб тарбияланг, ўз Ватанини, халқини севсин, она тилини севсин демеди-я. Бу нима деган гап ахир?! Ё ўзи гапирсинми? Йў-ўқ, у гапирса, ҳамма кулади, бунақа чиройли гапни ким қўйибди бу қишлоқига, дейишади. Ёки ўғлининг намоз ўқиши эсларига келиб, ҳали диндан гапирувди, энди тилдан тушди, нима бало, бу ростдан ҳам "ҳалиги"ларданмикин, деб қолишлариям мумкин. Унда ўғлига қийин қилиб қўяди. Киприкларининг ости



жизилларкан, яна отаси раҳматлининг гапи ёдига тушди: "Энди эса ҳаммаси айниб кетди".

Ҳа, бобоси оқлошшонинг, отаси билан, бу эса шўронинг зулмидан қўрқиб яшадилар. Хўш, ўгли кимдан қўрқиб яшасин? Ўзиданми? Ахир у миллати учун дунёга кўз тиккан-ку!..

Шаҳардан дилгир қайтди. Пешин намозини кечроқ ўқиб, муслимагина хотини эсига солмаса ҳам маккажўхориларни сугориш учун чекига йўл олди. Зовурдан ўтиб, ўз кўчасига қайрилибоқ кўшнисига кўзи тушди. Ўша атрофда тимирскиланиб юрган товуклар у яқинлашаркан, хуркиб нарироққа кетишди.

— Ҳорманг, кўшни! — деди ўзини ўзи енгитишга уриниб.

Кўшниси бошини кўтариб, у томонга қаради.

— Ие, уста, саломат бўлинг. Бормисиз-ей?.. — У қўлидаги тешани ўша ерда қолдириб, бу ёққа ўтди. — Сизни кутвориб...

— Ҳа, тинчликмиди?..

Кўришдилар.

— Тинчлик-тинчлик. Бетўн қуйишдан олдин ўтрамиздаги чегарага ўзиз қозиқ қоқиб беринг девдимда. Анови савдогар ериздан кўшиб олиб, дилизи огритовди, шунга...

— Куйиб бўпсизу, — деди у "ўлиб қолмовдиму" деган оҳангда.

— Ҳа, қуйиб бўлдик, раҳмат. Роса кутдим, чиқоврмовдингиз... Қалай, қозиқни тўғри қоқибманми, чегара жойидами?

— Ҳм-м, — деди у бу юзсизликдан юраги зириллаб.

Сўл ёқда яп-янги қимматбаҳо спорт кийими кийган савдогарнинг ўғли кўринди.

— Шу болани жа ёмон кўраман-да, — дея гўлдираб кўйди домла.

— Ассаломалейким, — дегач йигит келиб, аввал домла билан қуюқ кўришди.

— Омонмисиз, домла, курилишларман чарчамай? — У тўйиб мазали таом еганидан кўкрагини кериб, ҳузур билан кекирди. Атрофни ачимсиқ арақ ҳиди тутди.

— Ўзингизам тузукмисиз? — деди домла сохта тиржайиб.

Йигит энди унга қайрилди.

— Сиз қачон уйга уринасиз энди? — дея сўради ҳазиломуз оҳангда.

— Ошинолмаяппиз-да. Худо хоҳласа, янаги йилга.

— Ашна деманг-ей! Косибларда пул кўп бўладию.

— Бўпти, мен ишимни қилай, — домла шошиб томорқаси томон ўтиб кетди.

— Бети йўғди қаранг, — деди у кетиши билан савдогарнинг ўғли шипшиб. — Қанча ериси кўшвопти. Тагин ўқитувчимиш. Домласи шу бўгандан кейин у ўқитган боллар нима бўларди.

"Сизга ўхшаган бўлатта", демоқчи бўлди-ю, деёлмади, кесатиш мусулмон одамага ярашмайди.

— Мени кутибди-ю, чиқоврмаганимдан кейин... — У гапи сохта чиқаётганини сезиб, тўхтади.

— Қаёқда кутади, уста ака, атайлаб йўқ кунийзи пойлаган... Бўпти, мен борай. Юринг, чой қибберай. — Йигит ит қувгандай шошиб уйга кириб кетди.

У эса ариқчадан томорқасига сув очди, сўнг эгат бошларини кўздан кечириб, сув кираверадиган қилиб кўйди. Шу пайт бир сичқон "лип" этиб кўриндию зумда ғойиб бўлди. "Ҳа, маҳлук", деб кўйди у бироз кўнгли яйраб. Кейин кўтармасининг устига қайтиб, ўзича нималарнидир чамалади. Кечаги балиқ тутаётган бола кўшненинг бетўн пойдевори ёнида юарди, чувалчанг ковларди чоғи. Ҳа, ана қўлидаги темир билан ерни ўйди. Бирдан нимадир эсига тушиб, зовур томонга югуриб кетди. Бундан фойдаланган дайди товуклар бола чиқариб кўйган бир неча чувалчангни чўқиб қочишди. Бола эса чувалчанг соладиган идишга кетган экан, қайтиб келиб, яна хўрак ковлар бошлади.

У кўтарманинг офтобшувоқ ерига чўнкайди. Яна отасининг гапи ёдига тушиб, оёқлари остидаги куп-қуруқ тупроқдан бир сиқим кафтига олди. Оқ-сарғиш тупроққа тикилди. Бобом раҳматли шуни еганмикин-а? Мен-чи, мен ея оламанми? Ё бунинг учун оч қолишим керакми? Аввал тупроқни ҳидлади — чучмал туюлди. Тагин қўлини узокроқ тутиб, тупроққа термулди. Сўнг унга лабларини босди. Қаттиқ босди, тупроқ зарралари лабларига ёпишиб қолди. Кўз олдидан эса бобоси, отаси, катта энаси ва онасининг сиймолари ўтиб, киприklarининг ости ачишди. Юраги симиллаб бўғзига йиғи тикилди. Шу пайт самода қандайдир мардона қуш "қияғқ" дея қичқирди. У туйқус қайрилиб, ёшланган кўзлари ила осмонга боқиши асносида, қушдан қўрқдимми, маккажўхоризордан чиққан бир сичқон савдогарзода кўшнисининг деворидаги ковакка ўзини урганини кўрди. Тепада эса қанотларини баралла ёзиб, улкан бир қуш парвоз этар ва гоҳи-гоҳида "қияғқ" дея ҳайқариб қўярди. У бўйин пайларини охиригача чўзиб, бошини кўтарганча осмонга тикилди. Бу қушнинг номини нима дейишарди-я? Сормиди-ей? Ёки қирғийми? Нима бўлгандаям қушларнинг зўрларидан-да! Бу ёқларда йўқ бўлиб кетувди, тагин қайтибди-да. Ҳа, майли, яхшиликка бўлсин. Энди бу бўстонга қушларнинг зўрлариям керак. Осмонга узок тикилганидан, бўйни тортишиб, томоғи қуруқшади. Ютинмоқчи бўлди, аммо ютинолмади. Қушнинг парвозидан кўзларини узгиси келмай, ўша кўйи лабларини қимтиди-да, ич томонини тили билан ялади. Оғзида сўлак тўпланиб, қийналиб, "ғилқ" этиб ютинди. Ё Оллоҳ! Бўғзида ажиб бир тотли таъм пайдо бўлди, худди тандирдан янги узилган ноннинг таъмига ўхшарди у...



АҶВОДУЖОҶВОДАҶВ

Шоҳруҳ ЖҶРАЕВ

ЖОНДАН ҲАМ АЗИЗИМ ВАТАН

Майли, тупроқ бўлай, битта тош бўлай,
Сир айтсанг, бир умр чин сирдош бўлай.
Сенга ёқмасам гар умр сўрайман,
Майли, дард англамас бир бебош бўлай,
Не бўлсам бағрингда бўлайин, Ватан!

Майли, ёлғиз ўтай ёрсиз бир ўзим,
Хув тоғу тошларинг айлаб бошпана.
Майли, дўстлар мени айласин унут,
Мен бир ғариб бўлай, мен бир девона,
Не бўлсам бағрингда бўлайин, Ватан!

Гарчанд сезмасанг-да борлигим сира,
Суйиб тупроғингни ўпанам ҳар он.
Мен учун дунёда азиздан азиз,
Ҳаммадан яқиним ўзинг, қадрдон,
Не бўлсам бағрингда бўлайин, Ватан!

Истасанг юрагим очай, шу заҳот,
Қонимдан битта гул унсин сен учун.
Сен борсанки, меҳринг қалбимга мадор,
Сен бор севгимсиз ҳам бил, бағрим
бутун,
Не бўлсам бағрингда бўлайин, Ватан!

Ҳурликка эришинг, ҳур яша, элим,
Мунаввар ойларга из ташла, элим.
Ўғлим деб атасанг бўлди бир бора,
Бир кун поёнига етса-да йўлим,
Не бўлсам бағрингда бўлайин, Ватан!

* * *

Ғам тўла юрагим пойандоз,
Юлдузлар бошингдан бўлсин зар.
Истасанг жонимни ол, мана,
Сен мени алдама, Нилуфар.

Ўзинг ҳам биласан, дунёда
Дўст йўқдир яримта кўнглимга.
Кутдим мен, келмадинг, сўнгра жим,
Зор йиғлаб кетдим-да уйимга.

Алданган ошиқнинг дардини
Тангри билар, билса бир фақат.
Энди мени ҳатто боғдаги
Райҳонлар ҳам кулар эрмаклар.

Нимадир билмадим гуноҳим,
Юзимга айт, айбим бўлса гар.
Жондан ҳам азизим ўзингсан
Сен мени алдама, Нилуфар.

Бир куни дунёга қўл силтаб,
Кетсам гар келганда ҳар баҳор.
Қабримдан унган гул, лолалар
Айтсинлар: севаман, Нилуфар,
Мен сени севаман, Нилуфар!

СУВРАТ

Чўнтагимда сарғайган суврат,
Кўзларимга қарайсан кулиб.
Индамайсан, бир сўз демайсан,
Дардларимни турсанг-да билиб.

Чўнтагимда сарғайган суврат!

Кечир, сарғайтирди юзингни,
Юзларимдан оққан кўз ёши.
Учради-да дунёда менга,
Сулувларнинг энг бағритоши!

Сен борсан деб, ўқинмагандим,
Мен қолиб ёр, ётга текканди.
Алам қилди, танимади-да,
Эганг ёнгинамдан ўтганда.

Бир кун келар бизга ҳам етиб,
Жаннатларга кетмоққа фурсат.
Бирга олиб кетаман сени —
Чўнтагимда сарғайган суврат.

Кечмоқликка йўқ менда журғат
Чўнтагимда сарғайган суврат.

* * *

Биламан, турибди юрагим,
Кўксимда зўр-базўр илиниб.
Гоҳ, ғамлар кўлида бўкканча,
Гоҳ, зарра меҳрга севиниб.

Илиниб турибди, илиниб.

Тун бўйи, титрайди бўғзимда,
Кун бўйи, титрайди бўғзимда.
Шўрликни шу кунга солган ким?
Сўраманг, бор айб ўзимда.

Илиниб турибди, илиниб.

Биргина ситам ҳам, биламан,
Шамолдай ҳисларим учуриб.
Бу ҳаёт аталмиш китобдан,
Кетади исмимни ўчуриб.

Илиниб турибди, илиниб.

Яна не юкинг бор, эй фалак,
Айт, борми азобинг адоғи?
Бунча кўп дардларинг елкамда,
Қолди-ку чиқмайин овозим.

Биламан, турибди юрагим,
Кўксимда зўр-базўр илиниб.
Азобинг бас, етар, эй, фалак,
Оҳ чексам кетасан узилиб!..

Илиниб турибди, илиниб.

Ҳотам РАҲИМ

ТОҒ ҚОВАЛАРИ

Гўё кўкка қадам қўяман аста,
Вужуд яшнар қоя устида.
Бу кенг замин поёндоз мисол,
Қолиб кетар оёғ остида.

Кенгликларга ҳайрат-ла боқиб,
Қувонаман ичимдан, аммо —

Аммо қушлар учар баландда,
Мен оёғи остида гўё.

ОЙ НУРЛАРИ

Ой нурлари аста хонамга,
Кириб келар ибобанганча.
Ул макрига ишонди гўё,
Ва алданди қўриқчи арча.

Шиддат билан шаббода эсар,
Шовқин-сурон кўтарар у — он.
Нурлар шоша-шоша беркинар,
Йиғлар сағир булут ва осмон.

Мен-ку дарднинг азобин тортиб,
Бехабарман кўк дурларидан.
Шамол қургур тўкиб кўз ёшим,
Воҳ, айирди ой нурларидан.



ҚЕЛЛАР ҲАДОЛАР

Гулноза ОЛИМОВА

ҲАЁТ

Боғингда гул бўлиб очилай, ҳаёт,
Булоғингдан тўйиб сувлар ичайин.
Товусдай товлансанг маҳлиё бўлиб,
Бағринга бош қўйиб, сени қучайин.

Майли, ҳаёт, сенга қул бўлай буткул,
Қалбингда майлига сароб бўлайин.
Сўзлашим келган пайт дилдош топмасам,
Ёмғирга жўр бўлиб қуйлаб олайин.

Майин еллар сочим силаб кетсинлар,
Қалбим губорларин олиб кетсинлар.

Гулноза ОЛИМОВА — 1990 йилда Булоқбоши туманида таваллуд тогган. Гулнозанинг шеърлари вилоят даврий нашрларида эълон қилинган. «Кўнгил ғунчаси» номли илк китобчаси нашр этилган.

Армонсиз боғингда сайр этсинлар,
Олис-олисларга хабар элтсинлар.

Ҳаёт,
Тақдир мени этди бахтиёр,
Яшайман армон нелигин билмай.
Сенинг бисотингда орзулар бисёр,
Нечун яшамоқлик, шукрона қилмай.

Ахир ўзингсан-ку менга жўр бўлиб,
Мисралар битмоққа илҳом оширган.
Бу оппоқ варақлар кетсалар тўлиб,
Мисралар ортига сирим яширган.

КЎНГИЛ ҒУНЧАСИ

Томчи шабнам ювиб кўзини,
Ҳидларини оламга ёйди.
Эрта тонгда очиб юзини,
Гул ғунчаси самога боқди.

Уни кўрса қувнайди диллар,
Уйғонади юракда қувонч.
Бахмал каби ажиб товланар,
Нафис ҳиди дилларга юпанч.

Бу гул эмас кўнгил ғунчаси,
Гул ғунчаси — севги риштаси.
Қизил қондек қалбга муносиб,
Бўлиб қолган дил фариштаси.



Замира РЎЗИЕВА

Андижон ҳақда сўзлангиз

Юртим, сенинг шабнам кўнган,
Капалаклар учиб юрган,
Отам янглиғ тўлиб турган,
Ўтлоқларингни суйдим.

Еру осмон оралиғин
Нур билан туташтирган,
Зулматларнинг қаролиғин
Ёруғликка алмаштирган
Чироқларингни суйдим.

Орзуландим,
Ўтлоғинга жуда ўхшагим келди.
Ёғдуландим,
Чироғингдай ял-ял яшагим келди.
Сездим, булар шунчаки истак,
Ё шунчаки хаёл эмасдир.
Оғриқ ичра чийралиб юрак,
Ружсор тутса мўъжизаю сир.
Гулга шабнам,
Капалакка гул

Тутар, балки реза терларим.
Йўлсиз қолганида бир мунгли одам,
Зулматдан безганда қайсидир кўнгил.
Ҳамдард бўлар,
Битта шамдек ёнар шеърларим.

Қанийди...

* * *

Мен муҳаббат истадим,
Жонга султоним ўша.
Йўқса зулматда дилми,
Моҳи тобоним ўша.
Куйласам ошиқлигим
Ўт бўлур ҳар битта байт,
Зийнатин топанг сатр,
Шеъру достоним ўша.
Дил чиройи севгидир,
Севгидир руҳ поклиги.
Мушқу анбар анқиган
Гул-гулистоним ўша.
Бемуҳаббат не билур,
Уй-ошиён қадрини.
Нари кетсам чорлаган,
Синчли айвоним ўша,
Пахта унган ер ўша,
Ўшадир манглайда тер,
Англади кўнгил, демак,
Ўзбекистоним ўша.

БОБУРНИНГ АНДИЖОНДАН ЧИҚИШИ

Видо деб титради туш таъбирлари,
Аламдан тулпорлар тушов уздилар.
Майсаси янчилик юрт адирлари,
Қучоғи қонталаш гуллар тўздилар.
Андижон осмони бу дам қорадур,
Тақдирини қарғаб Бобур борадур.

Еллар вазмин елиб кузатиб борди,
Ғамгин сайёҳларга омонлик тилаб.
Исмини бир лаҳза унутди Водий,
Видо қоплаб турган кўзларга қараб.
Қарахт кўждан тушиб йиғлар тола нур,
Дили йиғлаб борар Ҳазрати Бобур.

Салтанат бу лаҳза қон урган тахтдир,
Суяниб йиғлади қўшиқларига.
Бўйларини чўзиб боқди дарахтлар,
Изи узоқлашган ошиқларига,
Яшил япроқларнинг бағри порадур,
Шоир кўнгил йиғлаб-йиғлаб борадур.

Қушлар "чир-рр" айланди, йиғлашди чоғи,
Тушунмас овозга ураб додини.
Йўлларнинг минг қарра ортиди қийноғи,
Тинглаб нигоҳларнинг жим фарёдини.
"Ой боринг" — оқ дуо сўнги чорадур,

"Омон қайтмоқ борму" — нидо борадур.
Зардоби кечмишли, зардоби савол,
Бир диёр олдинда — Ҳиндистон отли,
Буюк Ганг мавжлари очар бунда фол:
"Бир ўғлон келадур, мард, адолатли!"

Не тонг, ўғлон — ғамдан тож илган Бобур,
Насибаси Ҳиндга сочилган Бобур!..

Хуршида ҚУЧҚОРОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Андижон вилоят бўлими масъул котиби.

ИСТЕЪДОДЛАР ДИЁРИ

Андижон дунёга кўплаб истеъодларни етиштириб берган хосиятли заминдир. Улуғ юртдошимиз — жаҳонгашта Бобур Мирзо, юксак заковат эгаси, бетакрор Нодирабегим, озодлик ва эрк куйчиси, оташин шоир Абдулхамид Чўлпонлар миллатимизнинг чинакам фахр-ифтихори, суюкли фарзандларидир. Вафо маликаси, шоира ва адиба Саида Зуннунова, сеvimли халқ шоири Муҳаммад Юсуфлар вояга етган юрт бу — Андижон!

Ўзбекистон халқ шоири Ҳабибий, Собир Абдулла, адиб ва таржимон Мирзақалон Исмоилий, халқ ёзувчиси Комил Яшин, ғазалнавис шоирлар Оразий, Ҳайратий, Восит Саъдулла, Улфат (Имомиддин Қосимов), Махжурий, Анисий, ўзбек адабиётининг чуқур билимдонлари Тўхтасин Жалолов, Собиржон Иброҳимов, Ҳайитбой Азимий, Ҳошимжон Раззоқов, Амонулло Валихонов (Боқир), шоирлар Карим Аҳмадий, Султон Жўра, Жасур (Тўражон Зокиров), адиблар Рустам Раҳмон, Тўхташ Ашуров... уларнинг барчасига Андижон бешик бўлган!

60-йилларда гулаб-яшнаган Андижон адабий муҳити таъсирида адабиётга кўплаб ижодкорлар кириб келдилар ва бугунги кунда улар халқ эътирофидаги шоир ёки адиб сифатида ўзларининг замонавий ва тарихий мавзудаги қатор асарлари билан ўзбек адабиёти ривожига сезиларли ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Мустақиллик берган имконият ва илҳом туфайли Андижонда яшаб ижод этаётган шоир-ёзувчиларнинг ижодий салоҳияти янада юксак поғоналарга кўтарилди. Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом "Алишер", "Чўлпон", "Уч сўз", "Хумо", "Оқ гул", "Довон", "Руҳлар қасидаси", "Ватан ичра бир Ватан" каби қатор дostonлар яратди. Ўзбекистон санъат арбоби Олимжон Холдорнинг уч жилддан иборат кирил алфибосида, икки жилддан иборат лотин алифбосида сайланма асарлари тўпламлари чоп этилди. Адиб замондошлари ҳақидаги қатор публицистик қиссаларини, Андижон тарихига оид "Миркомилбой", "Андижонлик — саранжомлик", ўзбек автомобилсозлари ҳақидаги "Мўъжиза" романларини халқимизга тухфа этди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Қамчибек Кенжаниннг уч китобдан иборат "Ҳинд сориға", "Андижондан Даккагача", "Буёқлар изидан" номли сафарнома асарлари, икки жилддан иборат сайланма асарлари тўпламлари нашр этилди.

Шунингдек, Турсуной Содиқованиннг "Ризолик истаб", "Фарид Усмоннинг "Жон куши", "Хусн девони", Ҳанифа Солиқованиннг "Куёш маликаси", "Камалак висоли", Замира Рўзиеваниннг "Офтобжамол", "Атиргулга айланаман", "Жон рипшаси", Наби Жалолиддиннинг "Улимнинг ранги", "Эркаги

бор уй", Қобил Мирзонинг "Қаро зулфин" (Бобур ғазалларига қирқ мухаммас), Омина Тожибоеваниннг "Дил рози", "Бобур армони", Ҳабиб Сиддиқнинг "Бедаво" дардинг давоси" каби кўплаб китоблар нашрдан чиқди. Мустақиллик шарофати билан андижонлик русийзабон шоирларнинг "На земле Бабура" номли жамоа тўплами илк бор чоп этилди.

Андижонда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ва Чўлпон жамғармаси қошида адабий гуруннг ташкил этилган бўлиб, бир неча йиллардан буён бу гуруннг вилоятнинг ижодкор ёшлари учун алоҳида мактаб вазифасини ўтамоқда. Бу мактаб доирасида Муҳаммад Юсуф номли ижодкор ёшлар клуби ҳам мавжуддир. Шунингдек, Бўз туманида Тўлан Низом мактаби фаолият кўрсатади. Бу тўрақларда иштирок этувчи ёшлар Республика ва вилоят миқёсида бўлиб ўтаётган адабий анжуманларда, мушоира ва кўрик-танловларда иштирок этишиб, устозлар ва мухлислар эътиборини қозонмоқда. Жумладан, ёш ижодкор Икромжон Аслий Республика ёшларининг анъанавий Зомин семинарида қатнашиб, бош соврин "Гран-при" соҳиби бўлди. "Келажак овози" танловининг вилоят босқичи ғолиби сифатида, ўтган йили компьютер жамланмаси билан тақдирланди. Андижон Давлат тиббиёт институти талабаси Шохруҳ Жўраев "Келажак овози" танловининг Республика босқичида ғолибликка эришди. Ёш шоира Арофат Усмонова Эллиққалъада ўтказилган "Ақчақул илҳомлари" танловининг олий ўрини совриндори бўлди. Бу йилги Зомин семинарида Андижон Давлат Тиллар педагогика институти талабаси Барно Солиеваниннг иккинчи ўрин соҳибаси бўлганлиги ҳам, алабатта, қувонарлидир.

Ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг илк китоблари, жамоа тўпламлари ҳомий ташкилотлар ёрдамида чоп этилди. Жумладан, бу йил Шохруҳ Жўраевнинг "Муҳаббат қадри", Арофат Усмонованиннг "Ишқ фасли", Муштарийнинг "Соф туйгулар", Гулноза Олимованиннг "Кўнгиш гўнчаси", Назокатнинг "Кўнглим" китоблари, ёшларнинг "Тонг куйлари" номли жамоа тўплами нашрдан чиқди.

Андижонда, мунтазам тарзда кенг жамоатчилик, қўшни вилоятлар ва пойтахтдан ташриф буюрган меҳмонлар иштирокида адабий анжуманлар, навийхонлик, бобурхонлик, чўлпонхонлик кечалари, мушоиралар ўтказилиб турилади. Бундай учрашувлар, албатта, ёшларнинг катта адабиёт сари интилишига, ўзларига нисбатан талабчанликни оширишларига туртки бўлади. Зеро, истеъодлар, ижодкорлар диёри сифатида алоҳида салоҳиятга эга бўлган Андижон маънавий юксалишда, ривожланишда Она Ўзбекистон карвонининг ҳамиша олдинги сафларида бўлмоғи керак.





МУҲАББАТ

Куйлагин, кўнглим!



МУҲАББАТ АҲЛИН ФАЛАК...

Фалак маним ёзуғим бунчалар қаро ёзмиш,
Дилимга ҳижрон отлиғ тузалмас яро ёзмиш.

Минг бор ўлдим мажнундек хаёллар талошинда,
Муҳаббат деб умримга куй ила наво ёзмиш.

Ишқимни айтолмасам тонглар юзин сийпалаб,
Не десам кўнглимдагин ёд олиб сабо ёзмиш.

Мен ғарибни кўчамдан ёр ўтганда уйғотинг,
Издан қолган гардни дардима даво ёзмиш.

Ишқида чеккан ғамлар кўзимга тўтиёдир,
Муҳаббат аҳлин фалак шоҳ эмас, гадо ёзмиш.

КУЙЛА, КЎНГУЛ...

Куйла кўнгул, чархнинг сенга вафолари ўзгача,
Мажнун кезган саҳроларнинг сафолари ўзгача.

Тонглар менинг юрагимдан бошланади ҳар саҳар,
Шул сабабким дил торинг садолари ўзгача.

Ғаним маним мулки дилим вайрон этолмагай ҳеч,
Гарчи менга тош деб отган жафоларинг ўзгача.

Султонлигинг унут эй дил, ёр қошида бир қулсан,
Муҳаббат деб куйган кўнгул гадолари ўзгача.

Не наволар соз айладинг ҳанузам даҳрий тилим,
Уйғон энди бугун Ишқнинг пайдолари ўзгача.

АЁЛ СУРАТИ

Сабринг қосаси оқармас,
Борини куйса-да, тўлмайди.
Замонлар чирпирак, замин чирпирак.
Негадир боласи тўймайди.

Кун бўйи жилмаяр меҳмонга,
Қулидан келганча сийлайди.
Ортгани етмаси индамас,
Негадир боласи тўймайди.

Тун бўйи киприklar беором,
Юрак ҳеч йиғлашин кўймайди.
Тонггача ризқ терар, эрталаб,
Барибир боласи тўймайди.

Минг битта кечани варақлаб,
Алдовга бир эртақ излайди.
Бор-буди тугару, эртақ тугамас,
Барибир боласи тўймайди.

МАШРАБОНА

Ишқ йўлида менингдек овораи сарсон йўқ,
Ё ҳолимни сўргали Нодира даврон йўқ.

Жунун ҳолим сўйласам кўнгул ором олар деб,
Боқсам ундан яқиним, ундан ўтлиғ забон йўқ.

Минг ёққа урсам ўзни ҳама йўл унга элтар,
Ишқимдан айру манзил, муҳаббатсиз макон йўқ.

Изларига бош кўймоқ насиб этарми десам,
Уни ёлғиз учратган бирор холи майдон йўқ.

Кўзларимга дунё тор, ишқ юракни осур дор,
Вале ишқсиз хаёлим, хаёлисиз замон йўқ.

Бу ўтли Муҳаббатдан қочиб қайга кетай мен,
Парвонадек чарх урдим, излаганим ҳамон йўқ.

* * *

Чах-чах уриб булбулдай топганим чоҳ бўлди, оҳ,
Марварид деб тутганим бўғзимда оҳ бўлди, оҳ.

Кўзларига илинмас менинг бору йўқлигим,
Юраги минг битталар дилига шоҳ бўлди, оҳ.

Уз, дедим бу кўнглима хазон бўлма ишқида
Найлайин кўнглим шоҳи ёлғиз ул тоқ бўлди, оҳ.

Денгиздай мавжланма дил тунлари ёр кўйида
Кўр, ҳамроҳинг — уйқусиз ул совуқ шоҳ бўлди, оҳ.

Бир Муҳаббат йўлида кечма хону менингдан
Бу саҳрода бемор кўп, ишқда ким соғ бўлди, оҳ.

СЕҲР

Ялмоғиз бир кеча сочимга,
Сеҳрли тароқни кўйибди санчиб.
Мен кўзимни оча олмайман,
Йўлимда не бўлса кетурман янчиб.

Юрагим ухлайди, ухлайди вужуд,
Бу ғофил кўнгулни уйғотиб бўлмас.
Бошимни кўтарсам санчилар тароқ,
Муҳаббат ҳақида сўз қотиб бўлмас.

Сабоҳат РАҲМОН



ИККИ ҲИКОЯ

Ҳар қандай табиий бирикма сингари бадиий адабиёт ҳам мунтазам равишда ўзгариш, эврилиш жараёнини бошдан кечиради. Агар айнан шу жараён муваффақиятли бўлса, олдинга силжиш содир бўлади; борди-ю, муваффақиятсиз кечса, бир жойда депсиниш рўй беради ва бу иккинчи ҳолат адабиётни муайян бир мафкурага хизмат этишга мустаҳқиқ бўлган, асосида оддийдан-оддий, мўрт ғоя мавжуд воқеабандлик қоришмасига айлантиради. Бу каби қисматдан эса адабиётни ўша ўзгаришлар, таъбир жоиз бўлса, экспериментлар маълум даражада "қутқаради". Кейинги даврларда ўзбек адабиётида ҳам шу каби эврилиш ҳолатларини кузатиш мумкин бўлмоқда. Қаламкаш Сабоҳат Раҳмон ўз ҳикояларида ана шу янгиликлар йўлидан боради. Унинг машқларида ташқи воқелик белгилари кўришиб турса-да, аслида муаллиф ўз ички дунёси сари парвоз этишга ва айни шу парвоз чоғида "ички ва ташқи мавжудлик"ни оқлай олувчи сабабларни уйғунлаштиришга чоғланади. Ушбу чоғланиш бир талай нуқсонлардан холи эмас, аммо муҳими чоғланишнинг ўзи содир этилганлигида.

Тахририят

АКС

Одам бир умр ҳеч чидаб бўлмайдиган зилдай
оғир тушунчалар билан яшайди.

Ф. Достоевский

Билмадим, сен қачон мендан шунчалар нафратлана олишга улгурдинг экан. Бу туйғу (агар уни шундай деб аташ жоиз бўлса) қайдан туғилди-ю, менинг нимадан нафратланасан? Асли мендан нафратланиб бўлармикан? Жаҳлинг чиқмай қўяқолсин. Мен Сендан ҳам, Сенинг нафратингдан ҳам кўрқмайман. Ҳар гал Сенинг қизларникидек нозик ва заҳил юзинг, юпқагина лабларингга кўзим тушиши билан жиним кўзийди. Сенинг денгиз мушугиникига ўхшаш (ҳа, айнан уникидек) яшил кўзларингни косасидан ўйиб олиб, қафтимга солганча буюк тақдир эгасининг қисматини томоша қилишни қанчалар исташимни билсанг эди... Ҳа, агар Сен менинг измим, менинг ихтиёримдаги кимса бўлганимда эди, сенинг қоқсуяк вужудингни ўзинг бўйнингга осиб юрадиган — валломатингнинг хочига ўраб-чирмаб, шу ҳолингча ўн асрни ўтказган бўлардим.

Бугун эса... бугун эса нега бирдан Сени эслаб қолганимни хаёлингга-да келтирмассан. Шу топда миянгдан қандай ўй ўтганини билдим. Йўқ, мен Сени севмайман. Ахир тошбағир тошбағирни севолмайди. Мен бошқа нарсада... негадир... мени тушунишингни истадим. Одамлар мендан тамомила юз ўгирган ўша МУДҲИШ КУНДАН буён ўйлайман бу ҳақда. Нега айнан Сени танлаганимни эса ҳозирча айтмайман. Чунки гапимни тутатмасимдан Сен ортингга қайрилиб, кетиб қолишинг мумкин. Мен эса Сени гапларимни сабр-тоқат билан

тинглашга мажбур этаман. Сени хўрласам ҳам, ҳақорат қилсам ҳам чидайсан. Чунки ЎША ГАП Сени қизиқтиради. Асли Сен мендан ҳам багтар худбинсан. Худбин кимсалар эса ҳаммадан ҳам ўзи ҳақидаги ҳақиқатни билишга интилмайди. Фақатгина ўзи нафратланадиган кимсанинг ҳузурига боради. Балки шунинг учун ҳам Сени танлагандирман. Барибир, Сени чақирмасам ҳам бир кун ўзинг келардинг олдимга. Қаердан биласан, балки кулмоқчидирман устингдан? Ана, мудҳиш яшил кўзларинг заҳарханда қилишяпти. Ў, нақадар беқиёс нафрат. Фақат айт: нега, нима учун буларнинг бари?!

Дарвоқе, Сени ҳузуримга чорлаганимнинг боиси мени тушунишингни истагандим... асли келмаслигинг керак эди — мен буни жудаям истагандим. Аммо энди не чора? Тингла ва ўтинаман (ў, даҳшат), мени тушунишга, ақалли бир муддат тушунмоқ учун сабр эт. Токи бир умр ҳаммадан сир сақлаганим — кечмишни сўйлаш учун биргина Сени танлаганимдан ўзимдан-ўзим нафратланиб юрмай...

Мен туғилганимда дунё ифлос бир жаҳаннам эди. Бунда менинг ҳеч бир иштироким йўқ. Дунё асли шундоқмиди ва ёки бу ҳол кейинроқ, одамлар туфайли рўй бердими — бу ҳақда ўйлаб кўришни-да лозим топмадим. Кўп вақт кўзимни юмишим билан (билсанг эди, кўз юмиш билан ухлашнинг ўртасида фарқ



борлигини) чексиз, ёруғ туман сари қўлидаги йўрғакланган чақалоқни маҳкам бағрига босганча, югуриб кетаётган мохов хотину нурдек пок чақалоққа томон балчиққа ботириб олингандек кир ва ҳаром қўлларини чўзиб, етиб олишга интилаётган минглаб, балки ундан ҳам кўпроқ оломон пайдо бўлади ва гўё аёл қўлидаги чақалоқ менман-у ҳаётимни, сени тушунмоқдан буткул йироқ ифлос одамларнинг ифлос панжаларига тушиб қолишидан чўчигандек, ётган ўрнимда қўлларимни питирлата бошлайман, бироқ "тамом" дейман ичимда. Мен ахир АЛЛАҚАЧОН туғилиб бўлдим. Ҳар қанча инкор этмай, мен ҳам бошқалар каби кимсаман, шу заҳоти сенинг ҳам ифлос эканинг ёдимга тушиб ва кўнглим бир оз тинчланди. Мен яшай бошладим. Фақат одамларнинг ўз-ўзларини алдаб "пок хилқатман, бахтлиман", дея такрор-такрор валдирашлари жинимни қўзитарди ва негадир мен бора-бора телба бўлиб қолишдан қўрқа бошладим. Мен улардек яшашни рад этдим ва ўзим учун бошқача тарз бино этдим. Фақат ифлос дунё сарқити эканим мени ҳеч тинчлантиролмади. Мен бахтсиз эканимни, бу қисматни ўзгартириш ақлга ҳам тўғри келмаслигини била туриб, ўзимни бахтли қилмоқчи ва шуни ёз пешонамга ўзим ёзувлиқ этмоқчи бўлдим (олиса эса Сенинг валломатинг. Ҳатто бир гал, ўзининг гапига қараганда, мени жудаям яхши кўргувчи кимсани уйнинг баланд қаватидан сакрашга мажбур қилдим. Бу ҳодисадан сўнг унинг тилка-пора бўлган вужудига қарай туриб, бир туким қимирламади. Нигоҳимдаги музлаган шафқат оёғим остидаги ифлос қурбонлиққа қаратилганмиди ва ёки ўша лаҳза (буни ҳозир ҳам эслайман) хаёлидан ўтган — Сенгами, билолмадим. Ушанда, бу воқеа тўғрисида эшитган бўлсанг керак, "мен буларнинг барчаси ҳақида ўйлаб кўрдим ва мардлигинга қойил қолдим", дегандинг. Нега мен учун энг оғир лаҳзалардагина (улар эса кўп) Сени ўйлашимни ўзим ҳам билмайман. Шу лаҳза Сенинг ақлли каллангдан яна не ўтганини илғаб қолдим. Ў, қанчалар қабихсан. Мен ўзимни асло оқлаётганим йўқ. Шуни билки, мен бир умр аҳмоқ одамларнинг устидан кулиб келганман, куламан ҳам. Улардан ўзим истилаган хислатларни, найча орқали мияни сўриб олган каби тортиб оламан-у, ўзларини эса ўша бўм-бўш, лаллайган вужуд-пужудига қўшиб пуч ёнғоқ каби узоқ-узоқларга отиб юбораман (афсус, Сен ҳам улар каби беақл эмасан...)

Шу тариха яна бир-икки асрдан сўнг мен қудратли...га айланишим мумкин эди. Аммо Сен йўлимда тўғаноқ бўлдинг. Балки Сени ҳам бурдалаб ташлашга нафратим етармиди... Сенинг бахтинга хаёлимни яна ўша чақалоқ банд этди. Мен буткул кучсизландим. Ҳар тун эса хобгоҳимга шилимшиқ туман оралаб, ўша — мохов аёл ташриф буюради. Унинг қўлида чақалоқ эмас, нафис япроқчалари сўлиб-сарғайган каттагина дарахт шохи. Негадир аёлининг бадбашара юзидан ўпиб қўйгим, қўлидаги эрксиз мавжудотни тортиб олиб (зўрлик билан) неча кундан буён шундоққина оромтўшагим қаршисида турган сувли гулдонга солиб қўйгим келарди. Яна, ҳар сафар аввал аёл пайдо бўладими ёки ғалати тусли туманми, билолмасди. У сўнги ташрифи куни менга кулиб қарагандай бўлди ва секингина "уни ўлди" дея пичирлади-ю, мени дол этиб, кўз олдимида ғойиб бўлди. Энди билсам, ўлдиришим керак бўлган кимса — сен экансан. Кўрдингми, Сенга шафқат қилганим боис, бу гапни дарров айтиб қўя қолмадим. Биласанми, нега у аёл бошқа бировни эмас, айнан Сени ўлимга буюрди? Чунки Сен ўзининг бемаъни сафсатаг — ифлосликни қоралаш билан (ў, ахир у мавжудот-ку!) аёлнинг чақалоғини тортиб олдинг. У гўдак ўз ихтиёрисиз бу оламда дунёга келганини наҳот тушунмасанг? Ўша аёл ҳам, ҳар лаҳза менга яшаш кераклигини эслатувчи даҳшатли туман ҳам нақадар жонимга текканини наҳот

билмасанг? Бу жирканч дунёдан этагимни қоққанимда қаршимда тургандинг-ку? Ўша куни кимдир айтди: "ифлослигингиз учун уялишингиз керак эди". Қарамадим. Аммо Сенинг кўзларинг чўғ бўлиб ёнганини ҳис этдим...

Қачондир бемаъни ўй-хаёллардан чалғиш мақсадида чангалзор томон кетдим. Қуёшнинг сўнги зарралари менга томон қўл чўзаётган палла, чангалзорга етиб келдим. Сени кутдим. Назаримда, келадигандек эдинг. Адашмаган эканман. Сендан ифлосликнинг ҳиди келарди. Ижирганиб юзимни бурдим:

— Нега келдинг, мени ёмон кўрасан-ку?

— Ухлаётувдим. Тушимга кирдинг. Шу ерда мени кутаётганингни сездим.

— Яхши эслатдинг, Сен ҳатто мени ўлдиролмайсан ҳам — қурбинг етмайди...

— Ҳозир... ўлди-раман, — Сен менга яқинлашдинг, — ифлоссан!

Ўз қарич ўсдим. Менга шу керак эди. Чангалзор орасига ўзимни урдим. Шундоқ олдимда балчиқ кўринди. Мен чўка бошладим. Бутун вужудим шилта бўлди. Ифлосликнинг нақадар даҳшат эканини ҳеч вақт ҳозиргидек тиниқ англамагандим. Балчиқ суви бўйнимни сийпай бошлаганди, биринчи бор туғилганимдан афсусландим. Мени домига тортаётган ботқоқлик ичида турганча, ҳатто, қўлимни ҳам кўтарамадим. Ифлос балчиқ бисотимдаги ягона оқлик — кўзларимни ҳам тўлдираётганда, чидаммадим ва... кўзларимни очдим. Хобгоҳим. Сувли гулдон. Ипаклари титилиб кетган шиппак. Бисотсизликдан хона ютаман дейди. Мен пок бўлишга аҳд қилдим...

Тўхта, негадир фкрларимни ҳеч бир ерга тўплай олмаяпман. Ёзганларим худди алмойи-жалмойи туш кўрган қари кампирнинг алжирашига ўхшайди. Мен бирор нарса ёзсам, қаҳрамонларим Сеникидай мағрур ва ақлли эмас, балки абгор бўлиб қоладилар. Улар менга ўхшамаганларидан жаҳлим чиқади. Мен уларнинг дунёга устун бўлишларини, сўнгра эса Сенга қўшиб ҳикоянгни ҳам, қаҳрамонларингни ҳам кунпаякун қилишларини истаيمان. Кўрдингми, Сендан қанчалар нафратланаман мен...

Столим устида бир-бирдан даҳшатли ҳикояларинг. Улар шунчалар даҳшатлики, тез-тез тушларимга киради улар, лабларимга учуқ тошгунча калтаклашади мени. Ҳайрон қоламан: ахир Сен ожизсан-ку. Нега қаҳрамонларинг Сенинг аксинг? Улар учун бунчалар қудратни қайдан топдинг? Биласанми, Сенинг ҳикояларинг ҳам ўзинг каби ғалати, бошқаларникидан ажралиб туради. Балки шунинг учун ҳам танлагандирман Сени?

Мен чалғиб кетдим, бутунлай чалғиб кетдим... Ҳа, эсладим, мен пок бўлишга аҳд қилгандим. Кўринишим маънавий поклигим билан уйғунлашсин учун вужудимни тош билан ишқалаб юва бошладим. Теримнинг икки қавати батамом шилиниб бўлган, қўлимдаги уқаланиб кетган тошни иргитиб, ойна қаршисида келдим ва ҳайратдан қотдим: вужудим бошдан-оёқ нурдек пок эди. Тезлик билан ишга киришдим. Покланиш йўлида мени ҳеч бир куч қайтаролмадигандек эди. Мен ўзимга сочимнинг толаси, оёғимнинг тирноғи ҳам кўринмайди қилиб чодра тикдим-да, уни эгнимга илиб ташқарига чиқдим. Юриб кетаётган ҳам, ерга мук тушиб, кир қўллари билан Ҳаққа тавалло қилаётган ҳам, ўтирган ҳам, турган ҳам — барча одамлар — оломон донг қотиб қолди. Дунё узра чўккан бир лаҳзалик сукутга бу заминдалигидан ор этиб, қўкка томон бўй чўзганча, мағрур ўсаётган бир дарахтнинг мен томон боқиб, ачинганиданми, ўзи каби гўзал "оҳ" тортгани раҳна солди. Мен дарахтни юпатган бўлиб, унинг чиройли танасидан ўпиб қўйдим. Оломон дарзага келди. Одамлар бор ғазабларини менга сочмоқчи бўлгандай, телбаларча устимга бостириб кела бошлашди. Мен жойимда қимир

этмай туравердим. Фақатгина ёнимдаги дарахтдан ёрдам кутгандай, унга илтижоли термулдим. Сўнгра тентаклик қилганимни англаб, ортимга ўгирилдим. Бир-биридан бадбашара юзлар орасидан Сенинг нозик чехрангни қидирдим. Сен йўқ эдинг. Аммо чўғдек ёниб турган кўзларингни илғаб олдим. Сени доимо фош этадиган кўзларингдан танидим. Оломон мени ўраб олди...

Чўчиб тушдим. Эшик кесақисидан тутган кўлларим қизариб, томирлари бўртиб чиққанди. Оғриқдан инграб юбордим. Дарвоқе, мени одамлар ўлдирмоқчи эди. Фақат уларнинг қўлидан қандай қилиб қутулганим ақлга сиғмайдиган даражада ҳайратланарли ва мен учун НЕГАДИР қоронғу эди. Мен тун билан Сенинг валломатинг сурати қаршисида (қизиқ, у хобгоҳим эшигида илиғлиқ турарди) дуо ўқидим. Дуо мен ишонмайдиган, мен сиғинмайдиган Ҳақники эдики, бахшида бўғзимдан ачинарли бир тарзда, йиғлоқи оҳангда отилиб чиқарди...

Дарахтнинг қалин новдаларини куёшнинг хабарчинурлари ажиб бир тарзда гўзаллаштирган маҳал мен дуони бас қилдим ва Сенинг валломатинг суратига сўнгги бор нафратланиб қарадим. Юрагимда йиғилган қатъийликни биллақаримга тўпладим-да, суратни майда-майда қилиб йиртиб ташладим. Сўнг каминдаги устки қатламини кул қоплаган, ўчай-ўчай деб турган чўғнинг устига ташладим ва қаттиқ пуфладим...

Танамни ҳам руҳим каби ҳаётдан айириб қололган рўдапо — чодрамда қанча умримни ўтказганим ўзингга ҳам ноаён. Мендан ҳамма жирканар эди. Одамларнинг назарига мен дунёдаги энг ифлос мавжудот эдим. Мен доимо уларнинг калтабинлигидан кулар, мени ўзларининг сафларига қўшмаганларидан хурсанд бўлар, одамларнинг жигига тегиш ва бундан завқланиш учун улар қилаётган ишларнинг тескарасини бажарардим. Ўша пайтлар одамларнинг назарига гуноҳкор бўлишимга қарамай, мени севолган кимса биргина у бўлди. Бироқ у ҳам шу ифлос одамзод гуруҳидан эди. Гарчи Унинг кўллари, бутун вужуди ифлосликка булганган бўлса-да, юзи унчалар бадбашара эмас, бунинг устига мовий кўзлари адоғига покликнинг "йилт" этган ёғдуси элас-элас кўзга ташланарди. Мен Унинг бутунлай покланишига кўмак бермоқчи бўлдим. Бора-бора У вужудидаги ифлосликлардан бутунлай қутулди. Лекин бунинг ўзи етмасди. Энди унинг қалбини ҳам покламоқ даркор эди...

Иккимиз учун ҳам ЁРУҒ КУНЛАР келганди. У қаршимда тиз чўкиб қўлимни сўради. Унга севилган кўзларин билан боқдим: вужудидан нур ёғиларди Унинг...

Тонгда, орандан қарийб ўн уч аср ўтгачина, биринчи бор ДУНЁ кўнгироқлари жаранглади. Ўзимда йўқ шод эдим, шунингдек, кўнглимнинг ғашлигидан ўзимни қўярга жой тополмасдим, мен бир нимани кутаётгандай эдим. Худди шу кунга У билан менинг никоҳ тўйимиз белгиланганини эслаб қолдим. Шунча йиллардан буён илк дафъа ёнимдаги рўдапони ечиб иргитдим, ям-яшил япроқчалардан тикилган қўйлагимни кийдим. Сўнгра шамолдек учиб Унинг маконига келдим. Негадир ҳалигача бу ерни тунги зулмат тарк этмаган эди. Унинг ҳобгоҳи эшигини тақиллатдим. Сукунат. Очiq эшикдан ичкари йўналдим ва... йўқ-йўқ... бошқа гапиролмайман. Сенинг ланъати яшил кўзларингга қарай туриб, давом эттиролмайман ҳикоямни. Менинг устимдан кулишингга, раҳминг келганини билдиришингга йўл қўёлмайман. Аммо... гапиришим шарт. Яхшиси... менга орқангни ўгириб тур. Ҳа, шундай. Энди ҳикоямнинг давомини эшит... Оромтўшақда У бадбашара, ниҳоятда ифлос бир аёл билан... У мени кўрдию илжайди. Хунук илжайди. "Мана менинг тенгим", деди. Чидолмадим. Ташқарига чиққач, қаёққа боришни билмай туравердим. Сўнгра Сен билан учрашган жойимиз (эсингдами?)

— чангалзор томон кетдим. У ердаги балчиқ ўпқони анчагина катталашибди. Кўзларимни юмдиму ўзимни ўпқонга отдим... Шу дақиқалар ичида ўлишни қанчалар истаганимни билсанг эди... Кўзимга ўлимдан бошқа ҳамма нарса хунук ва мазмунсиз кўрина бошлади. Балчиқнинг сассиқ, қуртлаган суви олов бўлиб ётган кўксимга бир оз ором берди. Бир пайт кўз олдимда нимадир "ярқ" этгандек бўлди. Вужудимни қоплаган тенгсиз лаззатдан ҳузур қилганча, ботқоқликнинг нариги қирғоғи томон сузиб кетдим...

Сенга айтмоқчи бўлган гапларим — бу эмас. Биласанми, одам зоти ўзидан кўра покроқ бўлган кимсани кўролмайди. Бу ҳолатни мен ҳам бошимдан ўтказдим. Балчиқдан чиққач, буткул ифлос ҳолимча ўша — оломон сафига қўшилдим. Уларнинг шу пайтдаги аҳволларини тасаввур ҳам қилолмайсан. Ушбу бадбашаралар табассум қила олади деб сира ўйламагандим. Улар кўлларимдан тутиб атрофимда гир-гир айланишар, алланамаларни тўнгиллаб, менга гап уқтирмоқчи бўлишарди. Улар менинг қилган ишимдан мамнун эдилар. Шу куни оқшом гира-ширасигача янги дўстларим билан хурсандчилик қилишдик. Элётар пайти (ҳатто ундан ҳам кечроқ) оёғимни судраб, зўрға хобгоҳимга етиб келдим. Кўзларимни сочiq билан беркитиб, хонамдаги барча ойналарни синдириб чиқдим (аксига олиб улар кўп эди). Сўнгра туфлимни ҳам ечишга ҳолим бўлмай, қордай оппоқ тўшагимга ўзимни олдим... Шу кўйи неча кун ётганимни билмайман. Мен яна НОТОб бўлиб қолдим. Назаримда, кун-туннинг фарқи йўқдай, куёш билан ой бир-бири билан уйғунлашиб кетгандай эди. Мен шу кунлар ичида тинмай алаҳлаб чиқдим. Тушимга мени узоқ йиллар ифлосликдан сақлаб келган чодрам кирарди. Бир тун сал ўзимга келгандек бўлдим. Хонам эшиги очилиб-ёпилди. Нигоҳимни қаратдим. У... Кўзлари гамгин боқади. "Яна алаҳлаяпман", деб ўйладим.

— Алаҳлаганинг йўқ. Бу менман, — деди У.

— Нега келдинг?

— Мени кечир.

— Шу ҳолимда мен сендан юксакман. Шунинг биласанми?

— Сен ифлоссан, гуноҳорсан, дўзахийсан.

Шундай дея У менга сўнг бор жирканиб тикилди-да, кетди. Бутунлай кетди. Мен эса Унинг ортидан боқиб, телбаларча тинмай кулардим. Кулгимни эшитиб, Унинг қай аҳволга тушиши баттар кулгимни келтирарди. Бирдан Унинг олдимга бошқа ҳеч-ҳеч қайтиб келмаслигини эслаб қолдим. Кулгим оҳанги ўрнини даҳшатли сукунат эгаллади. Биласанми, мен шунча йиллар юрагимда асраб келган энг гўзал, энг лағиф туйғуларимни Унгагина бахш этгандим. Ўйлайманки, мен Уни оз бўлса-да бахтли қилгандим. Унинг эса мени, ақалли, бир муддат бўлсин, севмоққа қурби етмади. У менинг кудратимдан чўчиди. Сабаби, мени севиб ҳам, мендан нафратланиб ҳам бўлмаслигини, ниҳоят, У тушуниб етганди. Ўша лаҳза Унинг хаёлидан не ўйлар ўтгани менга ҳозир аён бўлди. У мендан баттар бахтсиз, шунчалар бахтсизки, буни англаб қолишимдан чўчиб, доим ўзини алдайди...

Ажаб, ўша МУДҲИШ КУНДА ҳам У мен билан бирга эди. Сен Уни кўрдингми? У мендан кўзларини узмай қараб ўтирди. Мени сиз — одамларнинг оёқлари остига ўзимни ташлаб, тавба-тазарру этишимни жудаям хоҳлади. Ҳатто менга раҳм-шафқат юзасидан дўстлигини таклиф қилди. Мен Уни ўша лаҳзадан бошлаб ёмон кўриб қолган бўлсам, ажаб эмас...

Ўша куни мен ҳаммадан юз ўгирдим. Эндиям ҳеч ким ва ҳеч нарса мени яшашга мажбур қилолмайди. Охири марта сизларнинг устингиздан кулгим, фош этгим, тақирлагим келди. Аммо ҳеч нарсага арзимайдиган сиз — ночор кимсаларга таҳқиримни-да раво кўрмадим.



Фақат Сен уларга ўхшамайсан. ЎША КУНИ менга бошқалардан кўра кўпроқ заҳарханда қилганинг учун, балки нафратинг беқийёслиги учунми, ҳар тугул Сенинг бир оз ақлли эканингга амин бўлдим. Сени ҳар қанча лаънатламай, мендан баттар ифлос эканингни қанчалар юзингга солмай, Сен мени барибир ТУШУНАСАН. Сўзини эшитмоқ учун Сени шунинг учун ҳам танлагандирман балки? Фақат унутма: бу дунёда ҳеч ким ҳур бўлиб туғилиб, ҳурлигича ўлмайди. Бу — фаришталар қисмати. Мен ўзимни алдашни ёқтирмайман, шунингдек, Сени ҳам. Чунки бу ҳақда бошқа ҳеч кимга оғиз очмайман. Бунинг учун Сен хурсанд бўлишинг керак. Бас, етар. Энди муддаога ўтсам

ҳам бўлади. Биласанми, мен шунча йиллар не учун яшадим. Нима учун шунча азоб чекдим, қийналдим. Ўйлама, бу менинг қисматим эмасди. Юрагимда тўлиб-тошган меҳр-муҳаббат, нозик ҳис-туйғулар ўзимгагина аталган эмасди ахир. Менинг қалбим, туйғуларим, руҳим шунчалар покки, уларнинг олдида бир пайтлар нурдек пок, тоза бўлган вужудим ҳеч... Эшит, энди асосийсини айтаман. Сени танлаганимнинг ва менинг шундайлигимнинг сабаби... Ё, Худойим, ҳалиям тескари қараб турибсанми? Кўзларимга тикил. Шу лаҳза мени ўйлаётганингни айтиб бераман. Қарасанг-чи? Сен қимир этмадинг. Чўчидим. Нозик юзингга қўл теккизмасимдан ерга қуладинг...

ЯШИЛ ХИЛҚАТЛАР МАМЛАКАТИДА

- Тошкент — чиройли қиз...
- Нима-а? — афтини буриштирди Ўша.

Қиз ўзини эшитмаганга олди ва ёнгинасидаги буткул хазон рангига бурканган қирга оёқ қўйди... У кўкка ўрлади. Яна ва яна. Қиз эса сукут сақларди. Қалби қувончдан ёрилиб кетгиси келар, бироқ у ҳам қиздан ҳадиксирарди. Қалб Қизни жон-дилидан севар, шунингдек, нафратланарди — вужудини ёмон кўрарди. Қизнинг...

Қиз қирни бахтсиз этиши мумкинлигини ўйлаб, билдирмаёғина сирғалиб тушди қирнинг бағридан ва бирдан ўзининг буткул, бут-кул ёлғиз эканлиги ёдига тушди. "Мен ёлғизман, демак, ёлғиз эмасман. Ёнгинамда Ёлғиз бор". Қиз йўлакдан кетиб бораркан, чарчоқ кўзларини ўзи жуда ёмон кўргувчи одамларга тикишдан чўчигандай, нигоҳини янада ерга берди. Четдан қараган одамга худди йўқолган кўзойнагини қидираётган кампир ҳолатини эслатишини ўйладию... кўлди. Бу сафарги кўлги аввалгиларидан ҳам ночорроқ эди. Қиз йўл четига чиқиб, ишончини аллақачонлар йўқотган ишончига суянди. Ишончнинг қоқ суякларини елкасига ботгач, умидсизгина ингради. Ишонч чўчиб тушди ва Қизнинг кўз ўнгиди кичрай-кичрай ерга сингиб кетди.

- Тошкент — чиройли қиз.
- Нега?

Бу сафар Ўшанинг ўқчигиси келмади. Фақат ютиниб қўйди.

— Тўғрироғи, қиз бўлганда ҳам лўли қиз. Мени сеҳрлаб олди ўзига. Кетай десам, кеткизмайди уйимга...

— Сен ўзинг аҳмоқ, Нега келдинг бу ерга. Тинчгина, қишлоғингда чорингнинг судра-а-аб...

Қиз анграйди. Беихтиёр кўз олдида чанг-тупроққа беланган эски, йиртиқ... чорик гавдаланди. "Бечора".

— Ким? Менми бечора? Ўзинг биласанми, кимсан?! Ҳамма сени... Ҳа...

- Сенда йўқ-да, алам қилади. Бўлса сен ҳам...

Қиз ўшанга бундай гаплар айтиб бўлмаслигини эслаб, тирногини тишлади. У аъзолари орасида шу тирноқларини ёмон кўрарди. Узун-узун, қаровсизликдан тарвақайлаб кетган тирноқларига ҳар гал кўзи тушса ижирганар, шуларнинг ўрнига бошқа, чиройлироқ нарса ўйлаб топишга интиларди. Бир кун эса йўлда кетаётиб қўчириб юборишига сал қолди. Уйига етиб келгунча тирноқларини ғажиб тугатди. Фақат энг сўнгисини тишлари рўпарасига олиб келганда, негидир ўксинди. Агар орадан яна бир муддат вақт ўтганда эди, Қиз ортига қайтиб, йўл-йўлакай сочилган тирноқлари қолдиқларини топиб келган ва ҳаммасини ўрни-ўрнига қўйиб, тинчгина йўлида давом этган бўларди. Афсус. Қиз ўзини енга олиш қобилиятига эга эди. Ва шу тўғайли уйига кира солиб, шусиз ҳам остин-устун бўлиб ётган

хонасининг тит-питини чиқариб елим қидирди. Негадир уни емакхонадаги улкан хитой кўзасининг ичига солган экан. "Қизик", ва бу сўз бир сониядан сўнг Қизнинг ёдидан чиқиб кетди.

Ўшанда Қиз кўчириб ташланган тирноқлари ўрнига бозордан сотиб олгани — сариқ мойчечакларни ёпиштириб чиққанди... Гуллар ҳадеб тушиб кетаверар, бунга сари Қизнинг тоқати тоқ бўлаверарди. Ниҳоят, оёқлари остида сочилиб ётган, топталган мойчечакларни олиб деразадан улоқтириб юборгач, Қиз йиғлаганди, манглайини совуқ деворга босиб йиғлаганди...

Буларнинг бари тушда рўй берганга ўхшайди. Сабаби ундаги воқеалар туш каби гўзал ва ойдин эди. Фақат... ҳанузки қиз ўшанда нима учун йиғлаганини эслолмасди. Гуллар учунми ва ёки...

- Тошкент — чиройли қиз, ахир...

Ўша, оёғидаги туфлининг чиройли юзини оёқлари остида турган бесўнақай ва келгинди тошга урди. Ё тош, ёки туфли "Оҳ" тортиди, Қизнинг назарида туфли. Чунки тошдайн қўпол нарсанинг бунчалар гўзал "оҳ" тортиши ақлга сиғмасди...

— Э, бунақа сафсатагнни биласанми, анови сен каби сўппайиб турган дарахтларга айт. Зора тушунишса...

Шундай дея Ўша ортига бурилди. Ҳозиргина ёнидан ўтган аёлнинг қоматига назар солгач, чўзиб ҳуштак чалди ва унинг ортидан йўлга тушди. Сал нарида, аёлга етиб олган Ўшанинг бирмунча дағал овози эшитилди:

— Сиз мабодо Гули эмасмисиз? Қаранг-а, нақадар ўхшаркансизлар...

Исмингиз... Қиз Ўшанинг изидан боқди. Қарғамадиям. Нега шундайлиги ҳақида ўйлади... Умуман кейинги вақтларда у кўп нарсалар ҳақида кўп ўйлайдиган бўлиб қолганди. Кўзларидан дувиллаб ёш тўкилгунга қадар ўйлайверди, ўйлайвер...

- Сиз нақадар ғамгинсиз, хоним...

Қиз шаббодадек майин бу овоздан ҳайратга тушди. Ўгирилиб қарашдан, гапирувчининг бошқа одамлардан фарқи йўқ эканини билиб қолишдан чўчигандек, жойида тураверди. Қизнинг ўзи ҳам, хаёли ҳам унинг бир фаришта ёхуд маъбуд бўлиб чиқишини жуда-жуда истарди.

— Мен сизни тушимда кўрганман... Тушда ҳам худди ҳозиргидек пок эдингиз.

Қиз жавоб бермади. Аввалига гапирувчининг қиёфасини хаёлида тиклади, бир оз томоша қилди, сўнгра у томон секин бурилди...

- Бу — сизмисиз?

— Ў, хоним. Овозингиз ҳам чехрангиз каби нақадар синиқ, — майингина сўйларди у.

— Бу — сизмисиз?
Қиз қаршисида турган Унинг оқ оралаган сочларига кўз ташлади. Оҳ, кўргулик.

Унинг жудаям майин овози...

"Ў, мен сизни қанчалар кутдим,

Мана — оқ соч, бу — ажин..."

Хаёли вайрон бўлди. Кўзлари "яқ" этиб очилдию, қаршисида Ўша пайдо бўлди.

— Қани... У?

— Ким? "Тошкент — чиройли қиз"ми?

Ўшанинг овози кузда нозик гул япроқларини учуриб олиб кетишга шайланган довулни эслатарди. Бунинг устига Одам эди. У Қиз буни тушунди. Ўшанга хўрсиниқ ила жавоб бердию, узоқдан кўриниб турган, хазон рангли дарахтзор томон кетди...

"Ў, Худойим, бу дунёда қачон фаришталар туғилади?" Қизнинг оёқлари ҳам ўзи каби одамлардан безор бўлганди ва ҳар сафар Қизни яшил хилқат — дарахтлар томон судрарди! Дунёда Қизнинг яккаю ягона ўртоғи бор бўлса, у ҳам оёқлари эди. Қиз оёқларини яхши кўрарди, ишонарди уларга. Оёқлари ўзига ҳеч-ҳеч хиёнат қилмаслигини билар, ҳар сафар ётишдан олдин ва эрталаб уларни бир-бир ўпиб қўйишни қанда қилмасди.

Қиз дарахтларнинг остига келди. Нимжонлиги учун севгани — дарахтни кучоқлаб кўкка тикилди. Ҳаворанг булутлар тилини чиқариб масхаралагандай бўлди. Кучоғидаги дарахтни силади. "Нақадар нимжон ва чиройли. Худди Тошкентга ўхшайди". Қиз раҳмдил эди. Кетса, дарахтлар ёлғиз қолишини, Тошкент ўксиб-ўксиб йиғлашини биларди... Фақат бу ҳақда ҳеч кимга гапирмасди Қиз. Нимжон дарахтни қўйиб юборгач, бошқаларининг олдига борди. Ҳар бир дарахтни кучиб-эркалаб, хазин шохларига бир оз қувонч ҳада этмоқчидай ҳазиллашарди. "Улар ҳам менинг каби шўрлик, дарахтларга кимдир ўзини бахш этиши керак". Қиз шундай ўйларди...

— Хоним, афв этасиз, ёлғиз эканингизни кўриб олдингизга келдим. Рухсат этсангиз, сизга ҳамроҳ бўлсам...

Қизнинг вужудини энгил титроқ қамради. "Маъбуд, менинг маъбудим".

Унга қаради.

— Яхши, — оҳиста сирғалди Қизнинг лабларидан бу сўз. У Қизга қўлларини узатди. Аммо яна тезда тортиб олди. Қизнинг гулдек пок вужудига хаёлдагина қўл теккизмоқ мумкин эди...

Улар йўлда давом этишди. Энди яшил хилқатлар икки кишининг тафтида исинишар, эркаланишар, уларнинг қиқир-қиқир кулгилари дарахтзорда жаранглаб эшитиларди. Қиз кучган дарахтларни у ҳам кучар, дарахт танасининг қиз ўпган жойларига у ҳам лабларини олиб борарди. Улар яқинлашган сўнгги дарахт жудаям улкан эди. Қиз доим шу ерга келгач, ён-верига барча кичкина хилқатчаларни шу улкан дарахтга ишониб топширар, уни ўзидан катта ҳисоблабми, негадир ўпмасди... Ҳозир эса унинг олдида ёлғиз шу дарахтни ўпмасликдан уялгандек бўлди. Ҳар иккиси улкан дарахтни икки томонда туриб кучдилар. Қиз ҳар кунгидек яшил хилқатнинг қулоғига пичирлади: "Уларни асра. Улар жудаям нимжон". У томон кўз ташлади. Йўқ. Кучоғидаги дарахтни бўшатмоқчи бўлди. Худди боғлаб ташлангандай. Қаради. Кучоғида дарахт эмас, У...

Қизнинг кўзларидан ўпди. Сўнгра узр сўраган каби унинг қаршисида тиз чўкди.

— Мен сизнинг қулингиз...

Қиз чўчиб тушди. Бошини секин-секин чайқади.

— Хоним, мен сиздан кетолмайман. Шуни биласизми?

Қиз тушунди. Аёл зотининг кўзларидан бўса олган кимса ундан ҳеч ажралолмаслигини эслади. Ўша кўзларга кимсанинг сурати муҳрланиб қоларкан... Қиз ўзини аёл эмас, дарахт, ҳеч бўлмаса, япроқ деб ҳисоблашларини истарди. Ҳозир ҳам рўпарасида бош эгиб ўтирган — У ва тик турган ўзининг ҳолати эсаётган шамолнинг тортқилаб кетишидан кўрққан япроқнинг қалт-қалт титрашига ўхшарди. Бу ўхшашлик бир муддат Қизнинг хушини ўғирлади...

Улар дарахтзордан чиққанларидан сўнг хайрлашишди. Қиз биринчи бор унинг кўзларига тик қаради, узоқ тикилди унга, сўнг лаблари сўз айтишга чоғланиб жуфтлашди...

— Тошкент — чиройли қиз...

— Ҳа, чиройли...

Қизнинг киприklarига ёш кўнди. Кўзлари чақнаб кетди. О, у кўзларга ғамдан кўра қувонч ярашарди...

— Айтинг, "Мен Тошкентни яхши кўраман".

У лабида би-ир ажойиб табассум билан қайтарди: "Мен Тошкентни яхши кўраман".

— Айтинг, "Мен Тошкентни жудаям яхши кўраман. Мен усиз яшолмайман".

У қайтарди...

— Фақат айтинг, Тошкент жодугарми? — Негадир қизнинг кўзларига яна ғам чўкди.

У яна табассум қилди...

— Йўқ, Тошкент — жудаям гўзал қиз...

Қиз бир муддат титради. Секингина "миннатдорман" дедию, одамлар билан тўлиб-тошган кўча томон югуриб кетди. У қизни бошқа кўрмади. Узоқ қидирди. Қиз ўз юртига — булутлар мамлакатига сингиб кетди. Нега ўшанда уни ўғирлаб кетмаганига ачинди. У фақат бир нарсани биларди: Қиз ерники эмасди. Ўзи яшаётган мамлакатда туғилиши керак бўлган Қиз манави шовқин-суронли шаҳар, меҳрлари тошдан-да қаттиқ одамлар орасида юганидан ҳайратда эди у. Қизнинг ёлғиз дарахтлардангина паноҳ топгани уни ажаблантирмади. Ахир Қиз одам эмас. Агар одам бўлганда Унинг тилига тушунмасди...

Сўнг У кетди. Қуёш нурида олтиндай товланган қанотларини ёзиб, учиб кетди. Қиз унинг ортидан кузатди. Фақат кўзларига бир қатра бўлсин ёш келмади: "Тошкент — чиройли қиз. Сен мендан, мен ундан кетолмаймиз. Сенинг кўзларингдан ўпиб қоламан..."

Дарахтзорда қор ҳидини олган қарғалар хунук қағиллашди. Қизнинг баданида чумоли ўрмалагандай бўлди. Кўрқиб ён-верига қаради. Атрофида сон-саноқсиз қарғалар... Улардан бири сафни ёриб, олдинга ўтди. Кўзларини қисиб, кулгандек бўлди. Сўнг учиб бориб Қизнинг ёнгинасидаги дарахт шохига кўнди. Қиз ҳамон титрар, кўзлари даҳшатдан янада катталашган эди. Қарға куч билан Қиз томонга отилди. Негадир бир сония унинг қаршисида тўхтади ва одам сингари ингроққа ўхшаш овоз чиқарди-ю, ерга қулади. Қизнинг кўзларида унинг сурати бор эди. Оч қарғалар унга ташланишди... Қиз не бўлганини тушунолмай қолди. Эс-хушини йиғиб олгунча бўлмай, тумшуклари қонга буланган қарғалар Қиз томон отилишди. Қиз эса бор кучи билан яшил хилқатлар томон чопиб кетди...





Равшан ҲАМРОЗ

Тушларимда сени кутарман

АРМОНЛИ ГУЛИМ

Армонга айланиб улгурган гулим,
Қайтдинг-у юракда ёндирдинг гулхан.
Яна сочларингни силади кўлим,
Мен сени севаман, сени севаман.

Баҳорим кечикди, кузга узрим бор,
Эгасин излаган сўзга узрим бор,
Умр йўлдош бўлган қизга узрим бор,
Мен сени севаман, сени севаман.

Сен билан бу телба кўнглим эди хуш,
Сен-ла ўтган дамлар ширингина туш,
Дил шохига кўнмай учиб кетган қуш,
Мен сени севаман, сени севаман.

Овозларинг бунча майиндир, эркам,
Сен бўлсанг билинмас юракдаги ғам,
Сенга етмаганим қилса ҳам алам,
Мен сени севаман, сени севаман.

Кўзларим йўлингга боқар интизор,
Илҳақман, ўтса ҳам қанча куз, баҳор,
Куну тун васлингни кутарман бедор,
Мен сени севаман, сени севаман.

Бошига қор ёғдирган жоним дард эмас,
Хатони қайтарган энди мард эмас,
Муҳаббат юракка кўнган гард эмас,
Мен сени севаман, сени севаман.

Армонга айланиб улгурган гулим,
Қайтдинг-у борлигим қоплади туман.
Яна бахшидадир сенга кунларим,
Мен сени севаман, сени севаман!

БАХТИНГ ШУМИ, ЁР?

Қайларга беркинган камон қошларинг,
Юзингда ғам қазган сўқмоқлар қатор.
Ишонман, севинчдан дема кўз ёшим,
Мендан тоғиб топган бахтинг шуми, ёр?

Ерга термуласан хоргин бир нафас,
Ўйлайсан, бу дунё энди тор қафас,
Наҳот шу ҳаётни қилгансан ҳавас...
Мендан тоғиб топган бахтинг шуми, ёр?

Баҳоринг кечикди, бахтинг кечикди,
Омад йўлинг пойлаб, жоним, ичикди.
Меҳрибон деганинг бағритош чиқди,
Мендан тоғиб топган бахтинг шуми, ёр?

Тушларимга гоҳо кирасан йиғлаб,
Кўлларимга кўлинг берасан йиғлаб,
Бахтлиман, деб бугун иккимиз алдаб,
Мендан тоғиб топган бахтинг шуми, ёр?

Бедор кечаларда чекиб изтироб,
Гул умринг қиласан кимни деб хароб,
Биларми у учун чекканинг азоб,
Мендан тоғиб топган бахтинг шуми, ёр?

Қайларга беркинган олов кўзларинг,
Сочингга ёғишга улгурибди қор.
Жоним, сени бахтли қилар эдим-ку,
Мендан тоғиб топган бахтинг шуми, ёр?

ТАШЛАБ КЕТМАЙСИЗМУ

Гўзал, сизга кўнгли берсам,
Кўзим ёшлаб кетмайсизму?
Агар сизни севдим десам,
Мени ташлаб кетмайсизму?

Етдим десам суйганимга,
Танлаб кўнгли кўйганимга,
Парво қилмай куйганимга,
Дилим ташлаб кетмайсизму?

Бахт дегани муҳаббат деб,
Беролмасам зийнату зеб,
Бир кун келиб алвидо, деб,
Кўзим ёшлаб кетмайсизму?

Ёшим ўтиб, чўкса қомат,
Бошдан учар бўлса омад,
Оғир кунга қилмай тоқат,
Мени ташлаб кетмайсизму?

Гўзалгинам, бердим савол,
Балки сизга келар малол,
Кўзга боқиб айтинг такрор,
Мени ташлаб кетмайсизму?

ЎЗГАНИ ЁР САЙЛАГАН ДИЛДОР

Ишонмайман энди севгига,
Кўзларимга дунёлар тор.
Нега мени севдим деганинг,
Ўзгани ёр сайлаган Дилдор?

Олов бўлиб шиддату шахдинг,
Бузибсан-да охири аҳдинг,
Мен билан ҳам куларди бахтинг,
Ўзгани ёр сайлаган Дилдор.

Тушларимда сени кутарман,
Кўлларинга гуллар тутарман,
Энди сенсиз ёлғиз ўтарман,
Ўзгани ёр сайлаган дилдор.

Кимга қизиқ камбағал зори,
Қалин учун йўқ унинг нори,
Шу эканда манглайда бори,
Ўзгани ёр сайлаган Дилдор.

Муҳаббат бу сарсон этишим,
Мағрур боиош ерга эгишим,
Совчи келса тегиб кетишим,
Ўзгани ёр сайлаган Дилдор?

Бугунча мен бўлсам ҳам ало,
Ҳеч кимга тоқ ўтмайди асло,
Менга ҳам бахт беради Худо,
Ўзгани ёр сайлаган Дилдор.



НОДИРАХОН КЕЛИН БЎЛДИ...

Яхши қиз маҳалласида яшайди, деган гап рост экан. Бир уй нари қўшнилар Матлубахон билан Ўктамхонлар қуда бўлишди. Матлубахон ўзи ўқитган ўқувчисини биттагина ўғлига олиб берди. Тўй ҳам ихчамгина, файзлигина ўтди. Ўртада ортиқча олди-берди, дабдабаларга ҳам берилишмади. Икки ёш бир-бирига мос тушиб ширин ҳаёт кечиршса кифоя дейишди.

Нодирахон келин бўлди. Бир маҳаллада ўйнаб катта бўлган, мактабда чопқиллаб югуриб, уришиб ўқиган мактабдоши қўшниси, ўқитувчисининг ўғли Абдумуталга тақдирини боғлади. Бундан бир сўзи икки бўлмай қайнона бўлган Матлубахонни боши осмонга етди. Негаки, чиройли, ақли, фаросатли, покиза, эпчил қизни ўзига келин эмас, қиз қилиб олди.

— Икки қизимни узатиб ёлғиз қўл бўлиб қолдим. Шундай пайтларда қўшни қиз Нодира дарров қарашворарди. Нон, патир, сомсага уста, ҳамиша қулиб турувчи қиз юрагимга чўғ солганди. Аммо, ўғлим икки ёшлигида оғир хасталик туфайли қулоғи яхши эшитмасди. "Ким менга қизини бераркин, ўғлим суяксиз тил азобидан ўксиб қолмас-микин?" деган ўй хаёлимдан кетмасди. Бироқ, Нодира "бейб Парвардигор" дедию розилик берди. У хонадонимга келин бўлиб, кўнглимга бир нур бўлиб кириб келди, — дейди Матлубахон севинч ёшларини артиб.

Абдумутал йигит бўлиб ўзига хос феъл-атвори, қатъиятлиги, орияти билан кўп қизларни шайдо қилганди. Аммо... мана шу аммо унинг руҳини туширарди. Қулоғи яхши эшитмаса ҳам имо-ишорада сезгир эди. Биноидек сартарошлик касбини танлаб маҳалла корига яраётган бу йигит бўш вақтларида спортнинг оғир атлетика ҳамда футбол, волейбол тури билан шуғулланар, юрагида ғурур, билагида кучи жўш урарди. Йигит Нодирахоннинг камгаплиги, меҳнатсеварлиги, одоби туфайли ёқтириб қолди. "Уйлансам кам гапирарди, мана шу Нодирага уйланаман" дерди.

Ҳа, она-бола янглишмадилар. Қиз танлашда, йўлдош топишда ютдилар. Оилада яхши тарбия кўрган Нодира ҳавас қилса арзигулик келин бўлди. Қайнонасининг ҳурматини жойига қўйиб,

қўлидаги ишини олди. Кўзига қараб кўнглидагини ўқди.

Матлубахон ўттиз йилдирки муаллима. Умрини ҳалол меҳнат қилиб ўтказди. Бир неча йиллар маҳаллада хотин-қизлар кенгашининг раиси бўлиб ишлади. Кунни кун, тунни тун демай одамлар ташвиши билан яшади. Оилада вафоли ёр бўлди. Уч фарзанди, икки қиз, бир ўғилни тарбиялаб қаторга қўшди. Ўғлим битта, куёвларим ўғлимдай бўлсин дея ният қилувди, тилаги бажо бўлди. Қизлари Гулчирой ва Муножотхонларнинг турмуш ўроқлари адаш божалар бўлишди. Икковини номи ҳам Шерзодбек. Куёвим борми десанг бор дегудек йигитлар.

Тоза қалб соҳибаси Матлубахон икки гапининг бирида келинини мактаб туради. Қачон келсам, уйим тоза, таомим тайёр. Тили ширин, хушфеъл келиним ўғлимнинг бахти дейди. Дарҳақиқат, иккови бир-бирини яхши тушунишади. Нодира Абдумутални ўкситмайди. Гоҳо, шеърлар ёзиб ўқиб беради. Шундай пайтда куёвнинг рашики келади-да, "Нодира, қўй, шеър ёзма" деб қўяди. Унинг бахт ҳақидаги шеърини сўзсиз ўқиб, рафиқасини нигоҳи ила қутлаб қўяди.

*Кўп ўксима ношукр банда,
Бир жуфт кўзинг бу сенинг бахтинг.
Соғ ақадир соғлом бу танда,
Ёруғ юзинг — бу сенинг бахтинг.
Умринг ўтар, урмоқда юрак,
Кўнглинг тўлса бу сенинг бахтинг.
Кимдир кутар бўлса, сен керак,
Қадринг бўлса — бу сенинг бахтинг.*

Нодира яна кўп шеърлар ёзган. Баҳор, бахт, муҳаббат, вафо, изтироб, ҳижрон мавзусида ёзилган сатрларини бефарқ ўқий олмайсиз. Табиатан табиат, гул ва гўзалликка шайдо Нодира педагогика коллежида ўқийди. Қобилиятли, иқтидорли, зукколигини кўрган қайнона келинининг орзуларини ушалтирмоқда. Келажакда ўзи каби муаллима бўлиб ёшларга таълим берса, олий ўқув даргоҳини битирса, яхши ўғил-қизларга она бўлса, армонлари қолмасди.

Ниёзботир қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги Меҳнағобод аҳоли яшаш пунктида Исмоиловлар оиласи бор. Ўқитувчилардан иборат бу оила ҳар тонг эл иши учун мактабга шошиладилар. Ундан олдин эса бу ҳовлининг зулфи тонг ёришмай олинадию, ҳовли, йўлақлар супириб-сидирилади. Чиннию моҳ кўчалар бўйлаб муаттар ҳидлар, субҳидам саболари таралади. Чунки бу маҳаллага Нодирахон келин бўлди.

*Мукаррама ФАНИЖОН қизи,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист
Асака тумани*



Муҳаммад СИДДИҚ

Сен билмайсан туннинг севгисин

Оловларни пуркаб комидан,
У кунора хужум қиларди.
Онам уни енгарди ҳар гал,
Онам жангнинг сирин биларди.

Оҳ, онам-а, паҳлавон онам,
Аждарҳона енгган тикиб жон.
Косовларни қилчидек тутган
Узмоқ учун менга кулча нон.

Кўзинг — денгиз,
сурмалардан сарҳад чиздинг.
У томонга ўтсам мени наҳанг ютар.

Юракка яширган армоним,
Уйғонгин, ухлади аёлим.

Тирбанд автобусга ўхшайди дунё,
Шошмаган инсоннинг бунда ўзи йўқ.
Эшикка юз тираб кетиб боряпман,
Шунда ҳам силжи деб қилишарлар дўқ.

Мен бир чиптаси йўқ йўловчидирман,
Жойимдек ўзим ҳам омонат ҳозир.

Билмам, қайси бекат меники экан,
Қаерда тушириб юборар нозир.

Оёғида темир из, кишан,
Шохларидан боғланган симга.
Асрий маҳбус каби судралар,
Дардларини айтмас ҳеч кимга.

Бу қандайин оғир жазодир,
Гоҳо инграб юрагим эзар.
Озод уловларга термулиб,
Шаҳар ичра трамвай кезар.

Гулламади оғзидан анжир,
Дилда дардин айлади пинҳон.
Сўнг ишқсиз деб чорбоғда уни
Маломатлар қилишиди чунон.

Севаман деб оҳ урмади у,
Пинҳон ишқдан заъфарон юзи.
Тунлар унсиз йиғлаганида
Болдан кўз ёш тўқарди кўзи.



Кўзларингда сокин уммон бор,
Кўзларингда юлдузли осмон.
Кўзларинг йўл эрур поёнсиз,
Кўзларингда тўртала томон.

Кўзларингда қуёшнинг акси,
Кўзларингда ойнинг тўлгани.
Кел, кўзингдан узмайин кўзим,
Қолгани не бўлса бўлгани.

Кўзларингга ошиқ ҳатто тун,
Даричангдан нари кетмайди.
Сен билмайсан туннинг севгисин,
Туннинг қўли сенга етмайди.

Даричангдан суқланиб боқар,
Сенсиз тун ҳам сиғмас ҳовлига.
Олганингда сочинг иллагинг
Бирини боқсайдинг туннинг ҳолига.



Бундай эли қайдан топасан?

АЙТМАНГ

Севгимизни ҳаммага айтманг,
Кўз тегади, кўзлар тегади.
Қанча ҳасрат эгмаган бошни,
Яхши-ёмон сўзлар эгади.

Беркитайми кўз гавҳаримга,
Қароғимда тинчгина ётсин.
Айтай киприк лашкарларимга,
Ёмон кўзга камонлар отсин.

Севгимизни ҳаммага айтманг,
Иккаламиз билсак бўлади.
Билиб қолса ёмонлар - Мажнун,
Кунин бошингизга солади.

Лайли деманг, Зухро деб айтманг,
Гул ишқимга дoston керакмас.

Мен бир мискин Мунаввар бўлиб,
Васлингизга етиб олсам бас.

ЭЙ, ТОҒ

Эй, тоғ, сенинг қизингман,
Айтолмаган сўзингман.
Билмасанг, айтиб қўяй,
Менинг юрагим тошдан!

Булут мендан сув ичар,
Ҳар кун ёнимга тушар.
Син солиб кўр, биласан,
Кўзимдан оққан ёшдан.

Бўйларим сенга тортган,
Кийик сут бериб боққан.
Билиб олсанг бўлади,
Ў- киприк, камон қошдан.

Мунаввара ТОШПЎЛАТОВА



Эй, тоғ, менинг отам, сен,
Кўнглим сеникидан кенг.
Синаб кўрсанг, биласан,
Тоғдай гурур, бардошдан.
Сенинг болангман, эй, тоғ,
Беқарор, ғалатироқ.
Изласанг изла, фақат
Андижондан ё Шошдан.

Олимжон ХОЛДОР



Таниқли ёзувчи Олимжон Холдор яқинда Андижон автомобилсозлари ҳаётидан "Мўъжиза" номли роман ёзди. Асар ўзининг қизиқарлиги, ҳаётийи билан кенг китобхонлар оммасига манзур бўлса ажабмас. Қуйида биз ушбу романдан кичик бир парчани журналхонлар ҳукмига ҳавола этишни лозим топдик

АДҲАМЖОННИНГ КЎНГЛИ

Одамнинг ёши ва бурчи катталашган сайин елкасидаги юки ҳам оғирлашиб бораркан. Кечагина бир-бири билан тортишиб, баҳслашиб, сержилва хаёллар оғушида юрган йигитлар бугун жиддийлашган, гапни ҳам ишини ҳам етти ўлчаб, бир кесади.

Қурувчиларга тиббий хизмат кўрсатадиган кичик бир пункт очилди. Бу ерда бир врач ва икки ҳамшира ишлай бошлади.

Ҳавозада кўтарилган тўрт бурчакли арматураларни тахлаётиб Адҳамжоннинг ўнг оёғига темир тушиб кетди. Шундай оғридики, оҳак ва лойдан ола-чалпоқ тусга кирган кирза этигини ечишга мажбур бўлди. Қараса оёғининг бош бармоғи қонталаш бўлиб қорайиб кетибди.

— Шифохонага бориш керак, агар олди олинмаса, тирноғингиз кўчиб кетиши мумкин, — деди зарбдор бригада бошлиғи Ренат Палович Ким Адҳамжонга ичи ачиб.

— Ҳечқиси йўқ, бу биринчи бор бўлаётгани йўқ.

— Лифтни кўтаринг. Травма! — деди ҳавозани бошқараётган йигитга бригадир.

Ҳавозачи дарҳол тушунди шекилли, лифтни "шиғиллатиб" телага кўтарди. Адҳам беўхшов этигини кийгунча, икки йигит қўлтиғидан судраб лифтга ўтказди ва уни шифохонага олиб боришди. Ичкарига кириши ҳамона врач пешвоз чиқиб, Адҳамни суяб ўтқизди.

— Биз кетсак майлими...

— Раҳмат, кетаверинглар, ҳозир кўраимиз, — деди қирқ ёшлардаги рус киши соф ўзбек тилида.

Адҳам авайлабгина этигини ечди. Шундоқ ёнгинасида турган оппоқ юзли, қоп-қора, узун

сочлари ўзига ярашган ҳамшира қиз йигитнинг қорайиб кетган оёқ бармоғига кўзи тушиши билан "вой" деб юборди.

— Оғрияптими?

— Унчалик эмас, — деди Адҳам қизнинг хусни жамолига маҳлиё бўлиб.

— Ҳеч нарса эмас, тўйингизгача тузатиб юборамиз, — деди бош шифокор ҳазиллашиб.

— Қанақа тўй, олдинда иш кўп. Уйланишга яна уч қовун пишиғи бор, духтур.

— Юлдузхон, иссиқ сув келтиринг, оёқни ювиш керак.

Ҳамшира дарҳол идишда иссиқ сув билан оппоқ сочиқ келтирди.

Йигит шимининг пойчасини кўтариб, оёғини ювишга ҳаракат қилди.

— Келинг, ёрдам бераман, оёғингизни жомга солинг, ювиб қўяман.

— Қандай бўларкин...

— Ҳечқиси йўқ, бу бизнинг вазифамиз, яхши йигит, — деди бош шифокор.

Қиз йигит оёғининг тиззасидан пастини совунлаб ювди. Унинг ҳаракатларини томоша қилиб турган йигитнинг хаёлида шу вақт қайси бир кинода эрининг пайпоғини ечиб, оёғини юваётган аёл жонланди.

Шу лаҳзада Юлдузхоннинг ҳам кўнглидан нималар кечганини фақат бир ўзи билади.

— Бўлдим...

— Бўлди, доктор, ювиб бўлдим, — деди қиз юзларига салқиб тушиб кетган сочларини ҳўл бармоқлари билан тузатиб.

— Ҳеч нарса қилмайди, ҳозир маз суртиб қўямиз, мана, ана, бўлди, Юлдузхон, энди яхшилаб



боглаб кўйинг.

Ҳамшира қиз яна чўнқайиб, доктор суртган мазнинг устига бир парча қоғозни ёпди-да, оппоқ қўллари билан аста авайлаб боғлади ва "оғримаяптими?" деб ўрнидан турди.

— Катта раҳмат, этигим сиғармикан? — сўради йигит хижолатланиб.

— Тузалгунишча уч-тўрт кун енгилроқ иш қилиб турасиз, исми шарифингизни айтсангиз, дафтарга ёзиб қўйсақ, танишиб олсақ, — деди доктор.

— Адҳам Ҳақимов.

— Э, е, ўша курувчилар бригадасининг бошлиғи сиз бўласизми, танишганимдан мамнунман.

Юлдузхон ҳам бу бригадирнинг таърифини кўп эшитган-у, аммо ўзини биринчи кўриши эди.

Йигит ўрнидан тураётиб боши айланиб кетди. Кузатиб турган доктор қизга юзланди.

— Адҳамжонга ёрдам бериб юборинг. Сиз, Адҳамжон, ҳозир нариги хонага кириб, бироз ётинг, дам олинг, маз курғур реакция беради, иситма ҳам чиқариши мумкин. Бир соатдан кейин кетсангиз бўлаверади.

— Хўп бўлади, — деди йигит.

Адҳамжон қаймоқранг деворларга қўлларини тираб доктор айтган хонага ҳақкалаб кирди. Ишчи либосини илмоққа илди-да, чўзилиб ётди.

— Юлдузхон, исмингизниям билиб олдим. "Ярадор бўлди", ҳали фалон кунгача ишга чиқишга рухсат йўқ, деб менга қоғоз ҳам берарсизлар?

Юлдузхон Адҳамжоннинг гапларини яхши эшитган бўлса-да "миқ" этмади. Анчадан кейин, "билмадим", деди майингина. Сўнг йигитни ёлғиз қолдириб чиқиб кетди.

Адҳамжон жим ётди. Бу қизни қурилишда илгари учратмаганини ўйлаб, "янги ишга келганмикан", деб хаёлидан ўтказди. Юлдузхон билан яқиндан танишиш ниятида баҳона қидирди.

"Нима қилсам экан? Чақирайми? Иситма чиқяпти, десам иситмам йўқ. Адҳам, ўйла, топ, гаплаш", деди ўзига-ўзи.

Ниҳоят "Ух-ух!" деб овоз чиқарди. Кўшни хонада омонатгина ўтирган Юлдузхон югуриб кирди:

— Нима бўляпти? Оёғингиз оғрияптими? Ўтиб кетади, озгина сабр қилинг, ака!

Юлдузхоннинг "ака" дейиши Адҳамжоннинг қизга нисбатан яна-да қизиқишини ва ҳавасини ортгирди.

— Синглим, сизни заводда ҳеч кўрмаган эканман. Ишга яқинда келдингизми, қаерликсиз?

— Й-ў-ў-қ! — деди Юлдузхон чўзиб, бироқ йигитнинг "Қаерликсиз?" деган саволига дарҳол жавоб беради. Адҳамжон саволни яна такрорлади:

— Асакаликмисиз, синглим, ўқийсизми?

— Ҳа, асакаликман, училишани битирдим. Ишга кирганимга кўп бўлди, — деди Юлдузхон, сўнг яна саволлар берилишидан чўчиб нариги хонага чиқди.

Адҳамжон бармоғи лўқиллаб оғривса-да, хаёли ҳамон ўша қизда: "Энди нима бўларкин? Боғлатишга келиб турсам яхши бўларди. Балки дори бериб чиқариб юборар. Адҳам, бахтинг, бу қизни қўлдан чиқарма, балки шундай чиройли қизни орқасидан юрганлар ҳам бордир. Мен бир оддий курувчи бўлсам. Унақа қизларга ўхшамайди. Муҳиддинни ишга

соламан, у ахир гапга чечан. Ўшанда, биринчи Адҳамнинг тўйини ўтказамиз, деган ҳам у ахир".

— Юлдузой, энди турсам майлими, оғриғи сал қолгандай.

— Унда майли, тура қолинг, — деди Юлдузхон нариги хонада туриб.

Адҳамжон анчадан кейин кийиниб, оёғи оғриб турса-да, қизга билдирмаслик учун дадил-дадил қадам ташлаб, хонасидан чиқди. Ҳамшира бирор нарса дермикан, деб унинг ийманиб ерга қараб турган шаҳдо кўзларига зимдан тикилди, аммо қиз ҳеч нарса демади.

— Энди қачон ишга чиқсам бўлади?

— Доктор биладилар, марҳамат, у киши сизни кутяптилар, — деди қиз ёқимли, майин овозда, — Аркадий Николаевич, бемор кетяптилар, кирсинларми?

— Албатта-да, кириб, Адҳамжон, оғриғи қолдими?

— Озгина дуруст.

— Қаерда турасиз?

— Ишчилар ётоқхонасида.

— Жуда яхши, ундай бўлса, яқинда эканмиз.

Ҳар куни икки марта шифохонага кириб турасиз, ишга бирор ҳафта чиқмайсиз, дам оласиз, агар юролмасангиз, ўзимиз хабар олиб тураемиз.

— Йўқ-йўқ, сизларни роса ташвишга қолдирдим, бир иложи қилиб келиб тураман. Ишга ўрганган одамман, шундай қизгин паллада "ярадор бўпти", деб ўртоқларим қулишмасмикан?

— Қулишмайди, айтиб қўямиз, сиз бизгаям, заводгаям керак одамсиз.

— Катта раҳмат! Кетсам бўлаверадими?

— Майли, фақат эрталаб ё кечқурун кириб ўтинг. Агар мен бўлмасам, Юлдузхон турипти, қўли жуда енгил қиз, ҳечам хижолат чекманг. Сизни оёққа тургизсак, вазифамизни ўтаган бўлаемиз. Шундайми, Юлдузхон?

— Ҳа, — деди ҳамшира ерга қараб.

Адҳамжон шифохонадан чиқиб, тўғри ётоқхонага кетди. Иш тугашига ҳали уч соат фурсат бор, ёлғиз ўзи шифтга қараб чўзилиб ётибди, ҳозиргина бўлиб ўтган гапларнинг маъзини чақмоқда. Доктор "Сиз бизгаям, заводгаям керак одамсиз", деди. Бу нима дегани? Ёки у юрагимдагини сездимикан-а? Юлдузой-чи? Яхшиям бир ҳафта шифохонага қатнайман. Юлдузойни ҳар куни икки марта кўришдек бахтга эришаман. Худонинг амриси ҳеч иш бўлмайди, деганлари шу-да, бўлмасам қаёқдан ҳам Юлдузойни кўрардим. Энди Муҳиддинга айтиш керак. Тўхта, подадан олдин чанг чиқариш яхшимас, балки қизнинг севгани бордир. Яна мен дўстларимга кулги бўлиб юрмай, бир ҳафта анча муддат. Ўзим кўнглига қўл солиб кўраман. Агар райи бўлмаса, ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолаверади.

Ана шундай ўйлар билан Адҳамжон йигитлар келишини соат санаб ўтказди. У битта дарддан қутуламан, деб иккинчисини орттириб олди...

Иш вақти тугаб, йигитлар тапир-тупур қилиб ётоқхонага кириб келишди. Улар иш либосларини алмаштириб-алмаштирмай қаравотда астойдил ечиниб чўзилиб ётган бригадирларидан ҳол-аҳвол сўраша кетди:

— Адҳамжон, яхшимисиз, оёғингиз қаттиқ

оғримаяптими?

— Оғрияпти, оёғим эмас, юрагим оғрияпти, — деди Адҳамжон кулиб.

— Ана холос, юракдан ургандир-да, — деди ҳамкасбларидан бири сўз ўйини қилиб.

— Шунга ўхшайди, бир ҳафта ишга чиқмас эмишман. Бош бармоғимга маз суртиб боғлаб кўйишди. Тирноғим кўчиб кетар эмиш.

— Йўғ-э, ваҳима қилманг.

— Докторди гапини айтялман.

— Уларам жуда оширворишди-да. "Биз ким, ташаббускор йигитлар бригадасининг бошлиғи Адҳамжон Ҳакимовни даволачилармиз. Адҳамжон шифохонамизга ўз оёғи билан кириб келди, кўлтиқтаёқ билан чиқиб кетди. Унинг ўзини ҳам, юрагини ҳам даволамасдан кўймаймиз. Ҳар қандай инс-у жинслар, ҳур-у париларни яқинлаштираймиз. Буюк бобомиз Ибн Сино номи билан Мададисино ҳаққи қасамёд қиламиз" дейишаётгандир-да, — деди шўх йигитларидан Акбархўжа ҳазилга йўйиб.

Йигитлар қотиб-қотиб қулишди...

— Акбархўжа, гапниям аргамчидай эшиб юборасиз. Эшмамат деган танишингиз ҳақидаги ҳангомани бригадир эшитгани йўқ. Қани, бир айтиб беринг.

— Сулаймон ўлди, девлар қутулди, деб мен докторга кетгач, иш қилиш ўрнига афанди айтишиб ўтирганга ўхшайсизлар, — деди Адҳамжон.

— Қаерда, бу Акбархўжангиз гапниям, ишниям олади. Оғзи гапта, кўзи қопда.

— Кўзи қизларда, гапи бизларда.

— Баъзи ўртоқларга ишмас, фақат афанди айтиш-у, кулги бўлса бас, — деди Адҳамжон ётган жойида. — Эрталик ишни режалаштирдиларингизми?

— Бригадир, сиз касалсиз, биздан ҳеч ташвишланманг, сиз айтганданам яхшироқ, унумлироқ ишлаймиз. Тезроқ тузалиб чиқишдан бошқасини ўйламанг, — деди Акбархўжа шўх табассум билан.

— Ёш бола эмассизлар, бригададагилар юзини ерга қаратмасаларингиз бўлди! — деди Адҳамжон.

— Бу бошқа гап, энди овқатга чиқсакмикан? Адҳамжон, юроласизми?

— Ҳаракат қилиб кўраман, — Адҳамжон ўрнидан туриб бир қадам ташлади. — Йўқ, оёғим шишиб кетганга ўхшайди, лўқиллаб оғрияпти. Эртага ҳали юра олмасам-а?

— Ваҳима қилманг, майлига, битта ветеранимиз бор, деймиз, овқатингизни олиб келамиз. Бугунча қимирламай ётинг...

Йигитлар ишчилар ошхонасига худди учрашувга кетаётгандай ясан-тусан қилиб чиқиб кетишди. Адҳамжон яна бир кўзғалиб, ҳаракат қилиб кўрди оёғи оғирлашиб кетгандай кўринди.

"Оббо, бу кўргулик ҳам бормиди. Эртага боғлаш учун чиқа олмасам-а, унда нима бўлади! Худо пошшо эгам, юриб кетсам ажабмас", кўнглидан ўтказди у. Стол устида тахланиб турган бир даста газета ва журналларни судралиб бориб олди-да, ётган жойида варақлай бошлади. Вилоят газетасидаги Ҳайдар

Аҳрорнинг "Кўзбўямачи раис ва унинг ҳомийлари" деган мақоласига кўзи тушди. "Нима, ким ҳақида экан?" деди-да, бир бошдан ўқий бошлади. Кўзи сатрлар устида пилдираса-да, хаёли бир вақтлар пахта теримида мухбирлар билан учрашгани, газетада расми чиққани ва ҳоказоларни хаёлидан кечирди. Ўшанда "Илғорлар илғори" деб мақтаб ёзган, энди колхозни бошлаб савалаган шу мухбир эди. "Нима бало, ё раис янги бўлган, ё машинасига ҳеч нарса солиб бермаган бўлса керак", — деб қўйди.

Адҳамжон кўзига жуда ҳам хунук кўринган бир кучоқ газета ва журналларни ётган жойидан туриб стол устига отди. Кўзларини юмиб "Ўқийдиган ҳеч нарса йўқ. Ҳаммаси эски гаплар", — деди-да, эртага Юлдузой билан бўладиган учрашувда нималар дейишини, Юлдузхоннинг майин овоз ила қандай жавоб беришини ўзича такрорлади, балки у эртага ишга келмас, балки бош шифокор бугунгидай самимий қабул этмас. Мана шулар ҳақида ўйлай-ўйлай кўзи уйкуга кетди.

Энди мизғиганда йигитлар гупуришиб, кулишиб, кўлларида овқат билан ётоқхонага кириб келишди.

— Бригадир, сизнинг травма бўлганингизни бутун завод эшитибди. Ошхонага кирганларнинг ҳаммаси, "Ўзи қалай, соғлиги яхшими?" дея ҳолжонимизга кўйишмади. Ҳаммасига, Адҳамжон эртага ишга чиқади, деб юбордик. Туринг энди, жаноби олийлари, овқатланиб олсинлар

Акбархўжанинг ҳазил аралаш бу гаплари Адҳамжоннинг кайфиятини анча кўтарди.

— Катта раҳмат, ҳаракат қилиб кўраман.

— Йўқ, йўқ, бу мумкин эмас. Эртага докторга борсангиз Лобархон "Адҳам ака ётиши керак!" дейдими?

— Қайси Лобархон? — деди Адҳамжон анча жонланиб.

— Ўша докторхонадаги ҳамшира қиз-да.

— Сен уни танийсанми? — сўради Адҳамжон.

— Лобархонними, уни танимайдиган борми, уйғур қизда. Ахтачидан келиб ишлайди.

— Акбар, тўхта-тўхта, уйғур дедингми Лобархон!

— Ҳа, Лобархон-да.

— Йўқ, менинг оёғимни боғлаган бошқа қиз, уни доктор Юлдузхон деди шекилли.

— Бундақасини билмайман, гўзал эканми?

— Ёмонмас.

— Тушунарли, ҳазиллашдим, — деди Акбархўжа. — фақат оёғингизни ёки юрагингизни ҳам боғладими?

— Бас қил ҳазилингни.

— Хў-хў-хў, бригадиримизнинг жаҳллари чиқди-ю, Юлдузхон деган қиз юрагингизни ҳам боғлаб олган кўринади?

— Бўлиши мумкин, нима, бизнинг бригадирдай девдай йигитни ҳали у юлдуз экан, ойлар ҳам севса арзийди, — деди ҳамхоналаридан бири.

— Бас қилинглар, сизларга жа гап топилиб қолди-да, — деди Адҳамжон ва йигитлар олиб келган овқатни зўр иштаҳа билан тушира кетди...





ҲУМОЮН



Тақдир йўллари миз кузатар сокин

САНГЗОРДА

Гуллаб ётар Сангзор ловуллаб,
Куйлаб оқар Сангзор шовуллаб,
Улкан-улкан тоғлар кафтида,
Тошлар гуллаб ётибди, гуллаб.

Шамол оқиб ўтади бундан,
Дилни ёқиб ўтади бундан,
Арчазорлар аро шивирлаб,
Сирлар айтиб ўтади бундан.

АФРОДИТА

Сен қанчалар бешафқат, санам,
Севги дея оғу берурсан.
Шодлик дея ато этгунг ғам,
Сен маккора, манман эрурсан.

Сен гўзалсан, Дунё севгиси,
Қадамингга бўлур поёндоз.
Доим тақдир сенга кулгуси,
Олтинланиб юришларинг соз.

Сен тоғларнинг маъбуди эмас,
Ёки шамол ва на дарёсан,
Сенга ҳеч Ким келаолмас бас,
Сен юракка ҳукмдордирсан.

ЮНОН ЮРТИ

Афродита подшоҳ харт дилга,
Май тутадир Дионис сархуш,
Орфей наво солса кўнгулга,
Посейдоннинг ҳукмида денгиз.

Маъбудларга макон бу очун,
Гоҳ денгиздан, гоҳо сарин ел,
Гоҳи кундуз, гоҳи қаро тун,
Гоҳ ўрмондан паноҳ топар эл.

Ажаб, бари қайтмиш самога,
Фақат ғолиб қолди одамзот.
Маъбудлар сизмаган дунёга
У ҳокимлик истайди, ҳайҳот.



ТАҚДИР МАЪБУДЛАРИ

Тақдир илоҳлари, бир сизга аён,
Ҳаттоки Зевснинг ёзуғи недир.
Нималар кечмайди, бир лаҳза, бир он
Кундузларни зулмат қилмоққа қодир.

Бешафқат маъбудлар мамлакатида,
Жазолар турфа хил, аёвсиз.
Ҳаттоки, Наргиснинг муҳаббати-да
Сўқир ғурури-ла қолди-ку ёлғиз.

Дунёни тарк этдими улар,
Балки яшаётир борлиқда ботин.
Ажаб, кўнглимизга солиб туйғулар,
Тақдир йўлларимиз кузатар сокин.

АМУДАР

Амударё, тўлиб оққил, Амударё,
Қирғоқларинг ўпиб оққил, Амударё,
Олисдаги манзилингга етай десанг,
Булутлардай учиб оққил, Амударё.

Дашт кўнгилда майса, гиёҳ унармиди,
Томчи сувсиз гулу-ғунча кулармиди,
Соҳилларинг қоплаб олса бутазорлар,
Мавжларингни чанг-тўзондан тўсармиди.

Асло сенинг йўлларингни тўсиб бўлмас,
Тўлқинингга тўсиқ йўқдир ўтиб бўлмас,



Манзилингни излаб чеккан дардларингни
На достону, на ашборда битиб бўлмас.

Оққан дарё, оқмай қолмас, нақли бордир,
Ҳар дарёнинг ўз ўзани, шаҳди бордир,
Қум барханлар тўлқинида кемаларнинг
Елканида чидаб бўлмас сабри бордир.

Амударё, тўлиб оққил, Амударё,
Қирғоқларинг ўпиб оққил, Амударё,
Олисдаги манзилингга етай десанг,
Булутлардай учиб оққил, Амударё.



Минҳожиддин МИРЗО

Сен Ватаннинг кўзидоги Бир нур чирой



* * *

Гиёҳлардан сўрдим сенинг таърифинг,
Кийишлар кўздан ўқидим дoston.
Юлдузлар кўшигин тинглаб уйғондим,
Бошимда термулиб ўтирарди тонг.

Кўёш юрагимга сонда тилфтини,
Шундан қалбим сени англади, сездим.
Субҳидан очганда зомин кафтини,
Мен масрур кафтдаги жаннатни кездим.

Гурраklar тиракда чалар чанқовуз,
Кўрдим юзин сувга чайган суларни.
Замин улашарди ҳар муррак дилга,
Хўмо нигоҳидан тунган нурларни.

Укамдай сизладим шийи мейсани,
Синглимдай сўйдим мен қизгалдоқларни.
Отамдай чинорга қараб йўйладим,
Меҳри боғ онамдай кездим боғларни.

Толларинг кўнглимда тиклади гурур,
Сувларинг қалбимнинг ювди зангини.
Хатто чумоллар тилида шукур,
Мен шундан англадим Ватан рангини...

* * *

Шеър ўзи нимадир, ишқий қашма,
Ойдин булоқ гули - шаффоф бир туйғу!
Ё, кўнгли йиғиси, шуур гавҳари,
Ё, ҳайрат, ё ҳасрат, энг ширин қайғу!

Шеър нима, пайконми, руҳга санчилган,
Ёки, қалб дарахтин сирли япроғи.
Балки нилуфардир дилда очилган,
Кўнглида улғайган Мажнун титроғи?

Шеър нима, дардми у ё зикр ажиб,
"Аналҳақ" деган ул кўнглининг охи.
Дилдаги жаннатми, боғлари нажиб,
Қайда у руҳдаги дарвеш даргоҳи?

Шеър нима, тилсимли зулмат вужуднинг,
Қаъридан ой каби чиққан ифода.
Кўнгли толларига кўнган бурғуннинг,
Ўтли нигоҳидан тўкилган бода?

Англамоқ кўида дил сўйлар тошиб,
Чин шеърки, бир қақнус - дилга раводир.
У - муҳжда -етти қат осмондан ошиб,
Ҳақдин келаятган тоза ҳаводир...

ТАЪЗИМ

Андижоним-кўзларимда кулган дунём,
Нечун сенга талшмайин, сизинмайин?
Қайга борсам юрагимда чўғдай армон,
Нега илдиз отган жойим соғинмайин?!

Минг ишларки оқиб ётар Қорадарё,
Сувларида ялпизларнинг ифорлари.
Мажнунтоллар нигоҳида уйчан ҳаё,
Қизгалдоққа сир айтади баҳорлари.

Йироқ кетса бағри ўртаб сабот билан,
Дийдор истар умид билан собирлари.
Шоҳ эрса-да ёлғиз қолғач довод билан,
Андижон деб бўзлаб ётар Бобурлари.

Тун маъвоси каби тўлқин-тўлқин сочлар...
Ёрқин бир нур сўнганини эслаб дойим.
Андижоним то қиёмат ингранасан,
Кечалари йиғлаб келса Моҳларойим!

Ҳар юлдузнинг қисматида сўлмоқ бордир,
Бунча кўндир шоир аҳли уллонлари.
Ватан меҳрин туйганимда қалбда мудам,
Юрагимга кириб келар Чўлпонлари.

Боғишамол Бобур руҳи кезган макон,
Адирларда уйғоқ сабо, еллар ҳалак.
Кўзда кетган кушлар баҳор қайтар тайин,
Қайтмас бўлиб кетди қанча шоир юрак...

Андижоним, отам ўзинг, онам ўзинг,
Жонни ўртар гар ул чексанг нидаларинг.
Бизлар олим, муаллимми ва шоир,
Қайда бўлсак бизни асрар дуаларинг!

ОНАМ ЭККАН РАЙҲОНЛАР

Онам Эргашхон Йўлдошбой кизи
хотирасига

Ховлимизга жаннат бўйин таратган,
Саболарга ифор тунган, яратган,
Қўвдан ойу офтобни ҳам қаратган,

Борлиғида малакларми ниҳонлар,
Ризвон экан онам эккан райҳонлар.

Капалаклар аримасди қошидан,
Боларилар кетолмасди бошидан,
Унганмиди, онамнинг бардошидан,
Оҳ кафтдаги жаннат, дерди гирёнлар,
Эҳсон экан онам эккан райҳонлар.

Гарчи гул кўп бу оламда ифорли,
Кўл чўзсанг гар озорлигу, тиконли,
Тароватли, муслим каби шайонли,
Уни аридан туширмишми посбонлар,
Жаҳон экан онам эккан райҳонлар.

Ҳар тонг туриб сийпаларди гул юзларин,
Эркалаган она каби қизларин,
Сирдош билиб айтганми дард, сузларин
Уша чоғлар нени қилмиш баёнлар,
Достон экан онам эккан райҳонлар.

Бошим кўйсам мен кўксига онамни,
Райҳон исми чулғар эди танамни,
Оҳ, у жаннат тарк этдимми оламни,
Япроғига йиғлаб тақдим маржонлар,
Фиғон экан онам эккан райҳонлар.

Она десам зор титрайди бу жоним,
Кетдимми-я бор давлатим, жаҳоним,
Меҳрибон йўқ, қайда у меҳрибоним,
Дардим энди қандай тутаё пинҳонлар,
Дармон экан онам эккан райҳонлар.

Соғингимга бу дунёда йўқ чора,
Ғариб боғман, бағбонсиз қалб мийе пора,
Онамеиз мен ким бўлдим, бир бечора
Татирмиди менга бу ширин онар,
Даврон экан онам эккан райҳонлар.

Бир кун мен ҳам бу дунёдан ўтарман,
Балким, қўлда райҳон билан кетарман,
Шундай онам дийдорим ётарман,
Дармар эмас бўйдан ўзга тўнотлар,
Илжон экан онам эккан райҳонлар.



Омонullo АБДУСАЛОМОВ

ПУШАЙМОН

Ҳикоя

Дарсга кўнғироқ чалинди. 6 "Г" синф ўқувчилари мактаб устахонасига киришди. Меҳнат таълими ўқитувчиси Умрзоқ ака Саидов болаларга топшириқ бериб қаёққадир чиқиб кетди. Шундан сўнг Ботир эшик орасидан мўралаб: "Хайрият, домла кетяпти", — дея ич-ичидан суюнди.

Болалар ишга берилиб кетишди. Бири тахта рандалаб нимадир ясамоқчи, яна бири темир эговлаган, қолганлари эса турли ишлар билан банд. Станокни ўраб олган болалар аллангани муҳокама қилишарди.

Ботирнинг гаши келди: "Улар жинни-пинними ўзи? Намунча жон куйдириб ишламаса. Аҳмоқлар! Ундан кўра футбол ўйнасаларинг ўласанларми? Барибир ўша "З" баҳони кўйиб беришади-да. Ҳе, лаппашанлар! Хў-ўш, мен ҳозир нима қилсам экан-а? Стадионга чиқиб футбол ўйнасаммикан? Агарда бирортаси учраб қолса "Ўқитувчимиз йўқ" деб баҳона қилиб қўяқоламан-да".

Шу ўй билан Ботир эшикни чап биқинидаги крандан сув ичаркан, девордаги дори-дармон солинган махсус қутичага кўзи тушди. Гўё унга иш топилгандай севиниб секингина сумкачани очди. Аввал атрофга аланглади-да, яримлаб қолган дорини тўкиб, шишага сув куйди. Дарҳол сумканинг оғзини беркитди. Энди жуфтани ростламоқчи бўлган эди, бироқ улгуролмади. Чунки, устахона йўлагига домла келарди. Ботир устахонага кириб аллақандай тахтани аралай бошлади. Ҳеч қанча вақт ўтмай, арра тасодифан изидан чиқиб, чап қўлининг бош бармоғини кесиб олгани сезилди. "Уҳ" деганча ўнг қўли билан маҳкам қисиб олди.

Умрзоқ ака юз берган ҳодисани тушуниб чаққонлик билан қути томон югурди. Аммо зарур дори-дармон ўрнида сув тўла шишани кўриб ҳафсаласи пир бўлди. "Қайси аҳмоқнинг иши бу?"

Муаллим болаларга қаради.

Ботир оғриққа чидаёлмай хўнграб йиғлагиси келса-да, аммо сир бой бермаслик учун тишини-тишига кўйди.

— Солиевни тезлик билан медпунктга олиб бориш керак, — деди ўқитувчи ҳаяжонланиб. — Кетдик болалар.

Ўқувчиларнинг ярмиси муаллимга эргашди. Улар тахминан бир километрча юришди чоғи. Етгунларича Ботирнинг бўлари-бўлди.

— Ахир мактабда биринчи ёрдам учун махсус қутича бор эди-ку? — деди ҳамшира қошларини чимириб, — нега дарров дорилаб боғлаб кўймадингиз? Мана, анча қон йўқотибди.

— Қайсидир виждонсиз дорини тўкиб, ўрнига сув куйибди, — деди муаллим бўғриқиб.

Ботирнинг кўзларига беихтиёр ёш қалқди. Бу оғриқданми, уятданми, ҳеч ким билмасди.

ТОПИШМОҚЛАР

*Шакли худди шар,
Туни беқасам,
Мазаси шакар,
Мен тотиб кўрсам.*

(Тарвуз)

*Бели бойлиқ, бир тутам,
Лекин эмас гулдаста.
У билан уй, ҳовлини,
Қилса бўлар ораста.*

(Сунурги)

*Кеча-кундуз юрар жадаллаб,
Юрмоқликда тиним билмайди.
Ўз бурчини ўтар у лекин,
Юрган билан жойдан жилмайди.
Кунда қарар унга ҳар киши,
Чунки, тушар ҳамманинг иши.*

(Соам)

*Сувда яшар бир ҳайвон,
Ўзи жуда ҳам полвон.
Қалиндир унинг тани,
Танида бор фонтани.*

(Кум)



«Вобурнома»дан

...бири Андижондурким... Фарғона вилоятининг пойтахтидур. Ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас. Андижоннинг ношпотисидин яхшироқ пошлати бўлмас.

Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кеш қўрғонидан сўнгра мундин улугроқ қўрғон йўқтур. Уч дарвозаси бор. Арки жануб тарафида воқиз бўлубтур. Тўққуз тарнов сув кирар. Бу ажабтурким, бир ердин ҳам чиқмас.

Қалъанинг гирдо-гирди хандақнинг тош ёни сангрезалик шоҳроҳ тушубтур. Қалъанинг гирдо-гирди тамом маҳаллоттур. Бу маҳалла била қалъага фосила ушбу хандақ ёқасидоғи шоҳроҳтур.

Ови қуши доғи кўп бўлур, қирғовули беҳад семиз бўлур. Андоқ ривоят қилдиларким, бир қирғовули ошгинаси била тўрт киши еб тугата олмайдур.

Эли туркдур. Шаҳри ва бозорисиди туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била росттур. Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти, бовужудким Ҳирида нашъу намо топубтур, бу тил биладур.

Элининг орасида ҳусни хейли бордур. Хожа Юсуфким мусиқада машхурдир, Андижонийдур...



Ҳабиб СИДДИҚ

ХАНДААААФ

ТУШУНГАН ОДАМ

— Ишлар қалай, Қурбонов? Худди шу саволни анчадан бери кутаётган Қурбоновнинг чакаги очилиб кетди.

— Юрибмиз, хўжайин, бир нави, тупроқдан ташқари деганларидай. Аммо манави эски машина жуда қийнаб юборяпти. Аккумулятори ўтириб қолганига анча бўлди. Карбюраторниям тозалаш керак. Маошга балон олай десам, бола-чақанинг оғзини тикиб қўйиб бўлмас. Бу кетишда эрта-индин машина минолмай қоладиганга ўхшайман.



Дарвоқе, ўзингизниям ким ошди савдосида олиб қўйган "Москвич"ингиз ҳам ётибди анчадан бери. Тиклаб сотвориш учун анча-мунча эҳтиёт қисмлар керак. Оғзимизни очиб ўтирганимиз билан биров "Ма, манавини опқўй", демайди. Туяга янтоқ керак бўлса, бўйини чўзипди, деганларидай... Сиз менга икки энлик қоғоз қилиб берсангиз бўлди, янтоқни туяга қараб интиладиган қип ташлайман.

Бу ёғи тушунган одамсиз, ўзингиздан қолар гап йўқ. Ёнилғиниям жиндай гамлаб бермасак, ўртанчангизнинг "Дамаси" ҳам тўхтаб қолмасин, хўжайин.

Кирага чиқариб қўйган "РАФ"ингизнинг балонлариниям сийқаси чиқиб кетди. Ўзим шартта янгилаб берай дейман-а... Лекин... тирикчилик кургур... Ахир ҳеч вақоси йўқ ташкилотларда куруқ қоғоз титиб юрганимиз билан...

— Бўпти-бўпти, тушундим. Анча қийналиб қопсизда. Яхши, янаги ойда сизни автокорхонани тафтиш қилгани юбораман...

ИҚРОР

— Туполонни қара!.. Ит эгасини танимайди-я!
— Тўғри айтасан, сен ҳам мени танимадинг-а?..



ҚОЙИЛ ЭМАС

— Тежамкорлигимга энди қойил қоларсиз, даласи, — деди бир куни хотини Хасисхўжага. — Ўзимнинг эски қўйлагимдан сизга галстук тикиб қўйдим.

— Мутлақо қойил эмасман. Мен сенинг тежамкорлигинга қачон тан беришим мумкинлигини айтмайми?

— Айтинг-чи...

— Менинг эски галстугимдан ўзингга қўйлақ тикиб олганинг-да.

БОЛЗАРЕ МАВЗУ

— Пахтакорларимизнинг фаровон яшашлари учун ҳамма имкониятларни ишга соляпмиз, — деди жамоа хўжалиги раиси "Пахтақишлоқ тонги" газетаси мухбири билан суҳбатда.

— Бирорта мисол келтирсангиз?..

— Марҳамат: хўжалигимизда сўнгги йилларда кам даромадлиги учун нафақа оладиган оилалар сони анча кўпайди.

СУВДАГИ БАЛИҚДЕК

— Эркабой бошлиғининг олдида ўзини сувдаги балиқдек ҳис қилади.

— Ў-ҳў... Ўзини жуда эркин тутади, демоқчимисиз?

— Йўқ, оғзини очади-ю, ҳеч нарса гапиролмайди, дейман.

ТЕЖАЛАДИГАН БЎЛДИ

— Сочларини қорайтираман, деб қанча доридармон, бўёқ сарфлаётганди. Энди чиқими анча енгиллашди.

— Сочлари қорайиб бўлдими?

— Йўқ, тўкилиб битди.

ТАРОЗИ БИЗНИКИ

— Мана, ҳаш-паш дегунча битта молнинг гўшгиниям сотиб тугатвордик-а, баракалла, ўғлим.

— Дада, ойим қудалар келади, шўрвага қўй гўшти олиб келгин, девдилар.

— Олақол, фақат анави Турди қассобдан олмагин, хўпми?

— Нега?

— Чунки у бизнинг тарозидан фойдаланяпти-да.



O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,**«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati****Jamoatchilik kengashi raisi:**

Abdulla ORIPOV

Jamoatchilik kengashi:

Gulruh A'ZAMOVA

Abulqosim MAMARASULOV

Ahmad OTABOYEV

Nurmat OTABEKOV

Minhojiddin MIRZO

Shunqor XUDOYBERDIEV

Ahmad USMONOV

Bosh muharrir

Sobir O'NAR

Bosh muharrir o'rinbosari

Luqmon BO'RIXON

Mas'ul kotib

Akbarali MAMASOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Odil YOQUBOV

Abduqayum YO'LDOSHEV

Abdusaïd KO'CHIMOV

Sirojiddin SAYYID

Rustam MUSURMON

O'rozboy ABDURAHMONOV

G'affor HOTAMOV

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali. 1982 yildan chiqa boshlagan.

© "Yoshlik" № 3 (214) 2007 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

MUNDARIJA**IJTIMOY HAYOT**

Abdulahob NURMATOV. Yoshlar - bugunimiz, ertamiz 1

NAZM

To'lan NIZOM. Men Vatanim yuragini chizaman 3

XURSHIDA. Qiyinama, muhabbat... 13

Farid USMON. Andijon deb so'zlasam ko'nglim ketar yashnab... 30

MUHABBAT. Kuylagin, ko'nglim. 43

Ravshan HAMROZ. Tushlarimda seni kutarman 49

Muhammad SIDDIQ. Sen hilmaysan tunning sevgisin. 51

Munavvara TOSHPOLATOVA. Bunday elni qaydan topasan. 51

HUMOYUN. Taqdir yo'llarimiz kuzatar sokin. 55

Minhojiddin MIRZO. Sen Vatanning ko'zidagi bir nur chiroy. 56

SAYOHATNOMA

Qamchibek KENJA. Olov ichidagi Iroq 5

BIRINCHI UCHRASHUV

Dilfuza SHERMATOVA. Ishonib yashayin Sening o'zingga... 11

Mansur BEK. Seni ko'rgim kelar. 31

Barno GUL. Shuncha olislandik, etar, azizim 34

ABDULLA QAHHORNING 100 YILLIGIGA

Muhammad ALI. Ustoz nazari. 12

NASR

Ulug'bek HAMDAM. Sabo va Samandar. 14

Nabi JALOLIDDIN. Tuproq. 36

Sabohat RAHMON. Ikki hikoya. 44

Olimjon XOLDOR. Adhamjonning ko'ngli. 52

MA'NAVIYAT

Zokirjon Mashrabov. Qadriyatlarimizni qadrlab. 32

TARIX

Boburiylar davrida hindlarning kiyinish madaniyati. 35

«Boburnoma»dan. 58

MUSHOIRA

Andijondan kelar sadolar 40

NEVARAKULCHA

Omonullo ABDUSALOMOV. Pushaymon. 57

IJTIMOY HIMOYA-YILI

Mukarrama G'ANIJON qizi. Nodiraxon kelin bo'ldi. 50

ADABIY JARAYON

Xurshida QO'CHQOROVA. Iste'dodlar diyori 42

YELPUG'ICH

Habib Siddiq. Xandalar 59

Muqovalarimizda

1-betda: Bayram shukhi.

2-betda: Ma'naviyatimiz fidoyilari.

3-betda: O'zbekiston xalq shoiri To'lan NIZOM.

4-betda: Ruslan CHAGAYEV.

Rasmlar muallifi: X. Arabboyev.

Manzillimiz: Toshkent shahri, O'zbekiston ko'chasi, 16A-uy.

Telefon: 227-08-23, **E-mail:** yoshlik-xatlar@rambler.ru

Bosishga 16. 08. 2007 yilda ruxsat berildi.

Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tabog'i 6,0.

Indeks 822 ISSN 0207-9137

Jurnal 2007 yil 4 mayda Matbuot va Axborot agentligi

tomonidan 0253 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik»dan olindi» deb izohlanishi shart.

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi bosmaxonasida chop etildi.

Buyurtma № 107

Manzil: Toshkent. sh. X. Sulaymonova ko'chasi, 33-uy.